

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТАБИАТШУНОСЛИКНИ ЎҚИТИШНИНГ
МАХСУС МЕТОДИКАСИ**

ТОШКЕНТ-2005.

АННОТАЦИЯ

Ушбу қўлланма бакалавр-талаба ва олигофренопедагог ўқитувчилар учун мўлжалланган бўлиб, табиатшунослик дарсларида ақли заиф ўкувчиларга жонли ва жонсиз табиат ҳақида энг содда тушунчаларни беришда бўлажак ёрдамчи мактаб ўқитувчилари, ўқитиш методлари, принциплари ва ўкув ишларини ташкил этиш шаклларини билишлари керак.

Такризчилар: Республика таълим Маркази бўлим бошлиги п.ф.н.

доц. **Р. Шомахмудова**

Низомий номли ТДПУ Биология ўқитиш

методикаси кафедраси. п.ф.н. доц. **С.С. Файзуллаев**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигигнинг узлуксиз таълим тизимини меъёрий хужжатлар ва замонавий ўкув адабиётлари билан таъминлаш мақсадида ва мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2005 йил 28 майдаги 3-сонли 2005 йил 2 июлдаги 4-сонли қарорига мувофиқ нашрга тавсия этилди.

(Дефектолог-бакалавр талаба ва олигофренопедагог ўқитувчилар учун)

(514800 – дефектология)

© ЎзР ФА «Фан» нашриёти, 2005 й.

СҮЗ БОШИ

Республикамизнинг мустақилликка эришиши табиатшунослик фанини ўқитишда бакалавр талабаларга хам кескин ўзгаришлар ясади.

Давлат таълим стандартларининг янги талабаларини бажаришда, илм-фанда, шунингдек олий таълим йўналишида бўлажак ўқитувчиларни касбга тайёрлаш ишида уларнинг ахлоқий, маънавий, маданий, сиёсий жиҳатдан етук инсонлар сифатида тарбиялашда қатор фанларни ўқитишнинг янги-янги шакллари, усуллари яраттилди.

Олий ўқув юрти бакалавр олигофренопедагог талабалари табиатшунослик ўқитиши маҳсус методикаси фанини, ҳозирги замон талаблари асосида ўрганиб, келажакда ақли заиф ўқувчиларга шу фандан олган билимларини таълим беришда қўллаб уларни жамиятга фойдаси тегадиган шахс қилиб тарбиялашлари лозим.

Табиатшунослик ўқитиши маҳсус методикаси қўлланмаси биринчи марта ўзбек тилида тайёрланган қўлланма бўлиб, мустақиллик даврига қадар, рус тилидаги Москва давлат педагогика университети дефектология факультети «Олигофренопедагогика» кафедраси ўқитувчилари томонидан ёрдамчи мактаб ўқувчилари учун нашр этилган дарслерни дастур ва илмий мақолалардан, шунингдек, олий ўқув юрти биология факультети талабалари учун нашр этилган дарслерни дастурни ўзгаришланилган. Ёрдамчи мактаб ақли заиф ўқувчиларни билиш фаолиятини бир неча йиллик мактаб амалиётидан келиб чиқсан ҳолда, ақли заиф ўқувчиларнинг хусусиятлари ҳар хил бўлганлиги учун (индивидуал) алоҳида ёндошиб дарс бериш муҳим аҳамиятга эга эканлигини назарда тутилади.

Табиатшунослик ўқитиши маҳсус методикаси қўлланмаси бўлажак олигофренопедагог мутахасислар учун мўлжалланган бўлиб: улар жонли ва жонсиз табиат ҳақида билим малакаларига эга бўлиб келажакда ёрдамчи мактабда ақли заиф ўқувчиларга таълимтарбия беришда ўз хиссаларини қўшадилар.

«Табиатшуносликни ўқитиши маҳсус методикаси» курсининг асосий мақсади:

-бакалавр-дефектологларни жонли ва жонсиз табиат ҳақидағи назарий билимлар йигиндиси билан қуроллантириш:

-ақли заиф ўқувчиларни табиатшунослик билимларини ўзлаштиришдаги қийинчиликларини аниклаш ва бу қийинчиликларни бартараф этишга ёрдам бериш.

«Табиатшуносликни ўқитиш маҳсус методикаси» курсининг асосий вазифалари.

-бўлажак олигофренопедагогларга коррекцион таълимий ва тарбиявий мақсалаларини ҳал этишга ижодий ва онгли ёндашувига ва акли заиф ўқувчиларни ўқитиш ишини мазмуни формаси, услуби ва услубиётларини билишга ўргатиш;

-талабаларга табиатшунослик хусусий методикасининг асосий бўлимлари хақида назарий билимлар йигиндисини бериш, илмий дунёқарашларини шакллантириш,

-таълим жараёнида ўқувчиларни тарбиялаш вазифасини йўлга кўйиш:

-ақли заиф болаларга меҳнат, нафосатни ва гўзалликни хисқила билиш, (эстетик), табиатни авайлаб-асраш, ахлокий (этик) ва экологик тарбияни тарбиялашда табиатшуносликнинг коррекцион-ривожлантирувчи ролини тўғри амалга ошириш:

-ақли заиф болалар билан табиатда фонеологик кузатишни ташкил этиш:

-ақли заиф ўқувчиларнинг экологик тафаккурини ривожлантириш мақсадида дарс мобайнида ва синфдан ташқари вақтда тарбиявий ишларни олиб бориши:

-ўқувчиларни ёш хусусиятлари ва билиш фаолиятининг ривожлантиришнинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ёрдамчи мактаб олдида турган масалани ҳал этишда коррекцион ишни амалга ошириш

+:

-ёрдамчи мактаб ўқувчиларини ижтимоий адаптация (мослашиши)ни амалга ошириш:

Талабалар курс ва диплом ишларини тайёрлашда психологик-педагогик ва методологик адабиётларни қўллаган ҳолда назарий материални тахлил қилишни, табиатшунослик дарсларида ўқувчи ва ўқитувчи фаолиятини тахлил қилиш ва умумлаштиришни билиш ва кўрсата олишлари керак.

Маърузаларда ва қўлланмада ўрганиб чиқилган назарий коидаларни қўлланиши мақсадида, методикага оид масалаларни ҳал қилиш учун ҳар қайси бобнинг охирида талабаларга тегишли савол

табиатшуносликни ўқитишнинг маҳсус методикасидан уни хозирги замон педагогик технологиялари асосида билим бериси ва методик масалаларига мустақил ижодий ёндошиш малакасини мақсад қилиб кўяди.

Автор қўлланма ҳақида фикрларини билдирган ҳамма ўртокларга самимий ташакқур изхор этади.

I БОБ. ТАБИАТШУНОСЛИК ЎҚИТИШ МАҲСУС МЕТОДИКАСИ ПЕДАГОГИК ФАН СИФАТИДА

Табиатшунослик ўқитиш методикаси фани

Табиатшунослик ўқитиш методикаси мактаб предмети хусусиятлари билан боғлиқ бўлган таълим-тарбия жараёни системаси ҳақидаги фандир.

Бу системани ўрганиш ёрдамчи мактаб ўқитувчиси учун табиатшуносликни ўқитиш бўйича коррекцион тарбияловчи таълим жараёнини бошқариш имконини беради.

Методика-педагогик фан, у ижтимоий тузум талаб қилган ва педагогика белгилаб берган умумий таълим-тарбиянинг мақсади ва вазифаларига мувофиқ равишда қурилади.

Табиатшуносликни ўқитиш маҳсус методикаси табиат ҳақидаги материалларни ўрганишнинг ўзига хослигига мувофиқ ҳолда барча мактаб предметлари учун умумий ҳисобланган педагогика қоидалари асосланади.

Методика ўқитувчи томонидан ўкув метериалларини ўқитишнинг рационал метод ва воситаларини, ўкувчиларнинг табиат ҳақида билимларини атрофлича эгаллашлари уларни хаётда кўллаш ўкувларни кўрсатиб беради.

Шу билан бирга методика-ўкувчилар учун насиҳатлар мажмуаси эмас, балки у илмий фан, унинг қоидалари табиат ўқитиш жараёнининг қонуниятларини билишга асосланган.

Методика-ўкув предметининг мазмунини, таълим ва тарбия методлари ҳамда формаларини кўриб чиқади. Методиканинг бу бўлимлари бир бутун бўлиб, бир-бирини тақазо этади, ўкув ишларининг жиҳозлари ҳамда воситалари (кўлланмалари) методика томонидан белгиланади.

Методика нима учун табиатни ўрганиш керак? Қандай ўқитиш усулларини құллаш ва қандай тарбия бериш керак деган саволларга жавоб беради.

Табиатшунослик ўқув предмети сифатида ўқитиш шақллари ва усуларини ўзига хослиги билан ажрапи туралы. Үнда аниқ обьектлар жонсиз табиат, (ўсимликлар, хайвонлар, одам) ҳамда тирик табиатнинг мураккаб ҳодисалари ва унинг ривожланиши ўрганилади. Ўқув ишларининг ташкил қилишнинг маҳсус шақллари (Экскурсиялар, ўқувчиларнинг үйда ва дарсдан ташқари вактларида бажарадиган ишлари синфдан ташқари машғулотлар)ни, таълимнинг маҳсус воситалари құргазмалилық, ўқувчилар учун билим беришнинг замонавий эңг афзал усуллари янги технология асосида ўқитиш методларини талаб қиласы.

Табиатшунослик курсини ўқитишнинг түғри йўлга кўйилишида маҳсус ўқув-моддий базага; ўқув куроллари билан жиҳозланган кабинетта тирик табиат бурчагига ва ўқув тажриба участкасини мавжуд бўлиши шарт.

Материалнинг ўзига хос бўлиши фақат табиатшунослик ўқитиш методикасининг ўзига хослиги эмас, балки унинг тарбиявий имкониятларини ҳам белгилайди.

Тирик организмлар ривожланишининг аниқ фактларини, табиатдаги ҳодисаларнинг ўзаро боғлиқлигини органик олам эволюциясининг қонуниятларини ўрганиш диалектика-материалистик дунёқарашни шакллантириш учун табиат-илмий негизини яратади.

Табиат ҳакидаги билимлар, жонсиз табиатни ўрганишни аҳамияти уни муҳофаза қилиш қишлоқ хўжалик ишлари унинг илмий асослари, шахсий ва жамоат гигиенаси ролини тушунишга ўргатади ва уларни келажакда хаётга тайёрлайди.

Тирик табиат обьектларини бевосита кузатиш уларни таққослаш ва аниклаш улар устида тажрибалар ўтқазиш ақли заиф ўқувчилар билиш фаолияти тафаккурини ривожлантиради. Боланинг ақлини мантиқка ўргатиш учун табиат оид предметлар эңг қулай ҳисобланади.

Лаборатория машғулотларида ўқувчиларнинг тирик табиат бурчагидаги, ўқув-тажриба участкасидаги ишлар ақли заиф ўқувчиларни дарсга бўлган қизиқиши тарбиялашдан иборат бўймасдан, балки уларни меҳнат қилишга келажакда дарсларда

ўрганган билимларини лаборатория амалий машгулотларида эмас: ўсимликларни ўстириш учун қандай ишларни бажариш ёки парранда, кора молларни бокишини ўрганиш оркали заиф ўкувчиларни ижтимоий фойдали меҳнатга кўникма малакалар хосил қилинади ва жамоа руҳида тарбиянади.

Ақли заиф ўкувчиларга табиатни севишга, ундан завқланишга табиатни зеъзозлашга уни авайлаб асраш ҳиссини тарбиялаш, аҳлоқий белгиларни ривожлантиришга кўникма ва малакалар ҳосил килишга ёрдам беради.

Табиатшунослик ўқитиш маҳсус методикаси ўз ичига жонсиз табиат (V-синфлар), ўсимликлар (VI-синфлар), ҳайвонлар (VII-синфлар), одам (VIII-синфлар) маҳсус методикага бўлинади.

Табиатшунослик ўқитувчиси таълимда қоида ва қонуниятларини уларга хос бўлган ҳусусиятларни, курслар ўртасидаги ўзаро боғланишларни билиши лозим. У мактабда табиат таълимнинг бутун цикли бўйича барча тарбиявий таълимни аниқ тасаввур этиши ва ҳар бир курсни ўқитиша уни илмий жиҳатдан тўғри, планли равишда амалга ошириш лозим.

Табиатшуносликни ўқитишнинг умумий методикаси ҳамма табиатга оид курсларни ўтишга оид масалаларни: ўқитишнинг ғоявий йўналганилиги, таълимнинг мазмунни билан методларнинг бирлигини, ўкув ишларнинг шакллари ўртасидаги ўзаро боғланишларни, курслар ўртасидаги изчиллик, табиатшуносликни ўқитишнинг системасини белгиловчи барча тарбияловчи таълим элементларининг яхлитлигини ва ривожланишларини кўриб чиқади. Ўқитиш системаси ақли заиф ўкувчилар билимининг элементар табиат ҳақидаги билимларни ўзлаштириб олишлари уларни ҳаётга тадбиқ қила олиш ҳусусиятларини тарбиялаш, ўкувчилар билимини онгига этиб боришини таъминлади. Бу эса ёрдамчи мактаб олдида турган вазифа ҳисобланади.

Ҳусусий методикалар ўкув метериалининг мазмуни ҳамда ўкувчиларнинг ёш ҳусусиятларига боғлиқ ҳолда ҳар бир курс учун ўқитишнинг маҳсус масалаларини баён қиласди.

Буларда дарсларнинг, экскурсияларнинг, дарсдан ташқари ишларнинг синфдан ташқари машгулотларининг методикалари, яъни шу курсни ўқитиш методикалари берилган.

Табиатшунослик ўқитиши маҳсус методикасининг бошқа фанлар билан бөллиқлиги

Табиатшунослик ўқитиши маҳсус методикаси олигофренопедагогика жонсиз табиат, ботаника, ҳайвонот олами ва одам анатомияси «Одам уни саломатлигини саклаш», «Маҳсус психология», «Диалектик-материализм», «Маҳсус педагогика», «Экалогия» каби фанлар билан чамбарчас бөллиқ.

Табиатшунослик курсини ўқитиши ўқитувчидан табиатшунослик фанлари соҳасида билимдон бўлишни талаб этади. Назарий жиҳатдан табиат ходисаларини илмий тушунтириш учун ҳам, амалий жиҳатдан эса табиатдаги ўсимлик ва ҳайвонларни билиш, уларни аниклаш, парвариш килиш, ўстириш устида тажрибалар олиб бориш учун зарур.

Табиатшунослик фанида кузатиш тажриба ўтказиш ва тўпланган фактларни назарий жиҳатдан умумлаштириш, тадқик килишнинг асосий методлари ҳисобланади. Ёрдамчи мактаб табиатшуносликни маҳсус ўқитиши методикаси акли заиф ўқувчиларни ўқитишида уларга табиат ҳакидаги тушунчаларни содла қилиб, уларнинг онгига етиб бориши учун кўпроқ кўрказма материалларни ёки обьектларни яккол кўрсатиш оркали тушунча ҳосил қилдириш, юкори синф ўқувчиларига фан эришган факт ва конуниятлар тўғрисида аниқ мисоллар келтириш оркали улардаги тушунчаларни мустаҳкам эгаллашларида (коррекцион) тўғирлаш ишларини тўғри йўлга кўйиш максад қилиб кўйилади.

Табиатшуносликни маҳсус ўқитиши методикаси, бакалавр талабалар олдига акли заиф ўқувчиларга табиат ҳакидаги билимларни беришда оддийдан мураккабга караб бориши; бошлангич синф ўқувчиларига нутқ ўстириш дарслари оркали табиат ҳакидаги билимларни (элементар) оддий тушунчалар оркали берилиши, 5-синфдан жонсиз табиат ҳакидаги билимлар оддий тушунчалар оркали бериладиган кундалик хаётида кўп учрайди.

Ёрдамчи мактаб ўқувчилари дарсда билимларни тезда ўзлаштира олмайди. Акли заифликни енгил даражасида (дебил) болалар имбецил болага нисбатан яхши ўзлаштиради. Шунингдек турли хил нутқ камчиликларига эга бўлган болаларни тафаккури

Бундай ҳар хил континентга эга бўлган болалар учун таълим жараёнини бошқариш табиатшунослик ўқитувчиси иродали ўз қасбини мохир устаси бўлиши керак. Шунга қараб ўқитувчи дарс беришни турли усулларини кўллаши мақсаддага мувофиқдир. Айниқса материяни бирламчилиги онгнинг иккиламчилиги ҳакидаги диалектик материализм қонуниятларини ўқитувчи оддий сўзлар билан тушунтириши ва табиат музейларига экспурсиялар ўюштириб кўрсатиб тушунтиришлари лозим.

Ҳозирги замон табиатшунослик ўқитиши методикаси таълим-тарбиянинг ягона қисми, шакл ва методларнинг яхлит системаси сифатида қарайди.

Ўқитувчи ва ўқувчиларнинг бутун ўкув иши доимо режали равишда ривожланиб боради. Ҳар бир мавзуларни ўқиганларида йилдан йилга уларнинг дунёкараши, тафаккури, кўнирма ва малакалари ривожланади. Таълим ва тарбия методлари аста-секин мураккаблашди.

Диалектик материализм қонуниятларини билиши, ўқитувчига тарбияловчи таълим жараёнининг бир бутунлиги ва қарама-каршиликларини (методларнинг, кўргазмалиликини кўлланиши миқдори, сифатини) тушунишга ёрдам беради.

Табиатшунослик ўқитиши маҳсус методикасининг илмий асослари

Методиканинг фан сифатида ривожланиши ўқитувчининг шахсий иш тажрибаси натижасидан, методик фикр айтишдан, педагогик маҳоратдан илмий умумлаштиришга, субъектив ижодкорликдан тадқиқотларга асосланган объектив илмий назарияга томон боради.

Методиканинг муаммоларини ҳал қилиш, ҳар қайси фандаги каби, дастлаб табақаланиш йўли билан борди. Табиатнинг умумий методикасидан хусусий методикалар ажralиб чиқди ва ўқитишининг айrim масалалари бир-биридан ажратилган ҳолда ва табиатшунослик курсларнинг умумий системаси ишлаб чиқила бошланди. Ҳозирги вақтда методиканинг фан сифатида қарор топишида интеграция (бирлашиш) синтез барча тўпланган материаларни умумлаштириш ва янги педагогик технологияларнинг дарсларда кўлланилиши таълимни янада самарадорлигини оширишга олиб келади.

Мавжуд илмий материал муаммолар бўйича тўпланади, тахлил килинади, умумлаштирилади, системага солинади ягона илмий назарияга келтирилади. Табиатшунослик ўқитиш маҳсус методикаси курси бўйича малакавий тадқиқот ишларида, методик материаллар асосида барча таълим-тарбия муаммоларини тадқиқ килиш методларига эга.

Илмий тадқиқот ишларида бериладиган таклифлар тадқиқотлар натижасидан олинган обьектив далиллар билан асосланган бўлади.

Методик муаммоларни ҳал килиниши учун илмий тадқиқотларни ҳар хил элементлари, методлари босқичлари тўпланган ва изчил бўлиши характерлидир.

Саволлар:

1. Қандай белгилар табиатшунослик ўқитиш маҳсус методикасини илмий фан сифатида характерлайди.
2. Мактабда ўтиладиган табиатшунослик предмети табиатшунослик фанидан нима билан фарқ киласди?

II БОБ. ЎРТА ОСИЁДА ТАБИАТШУНОСЛИК ФАНИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ТАРИХИ

Ўрта Осиё халқлари азалдан башарият тафаккури хазинасига, илм-фан, маданият тараққиётига унүтилмас хисса қўшиб келганлар.

Аждодларимиз томонидан кўп асрлар мобайнида яратилган фан ва маданиятнинг барча соҳаларига тааллуқли нодир асарлар, кимматбаҳо фикр мулоҳазалар ҳозирги кунда ҳам жаҳон халқлари маънавий дунёсини бойитиб, уларнинг маънавий камолотига хизмат килиб келаётир.

ИНСОННИЯТ КАДИМ ЗАМОНЛАРДА ЎЗИНИ ЎРАБ ТУРГАН, ТЕВАРАК АТРОФИДА СОДИР БЎЛАЁТГАН ҚОДИСИЛАРНИНГ МОҚИЯТИНИ БИЛИШГА, ОЛАМ ТУЗИЛИШНИ ТАСАВВУР ҚИЛИБ ТАБИАТ ҲОДИСАЛАРИ ЕЧИМИГА ҚИЗИКИБ КЕЛГАНЛАР. ХАЛҚ ОРАСИДАН ЕТИШИБ ЧИҚҚАН ОЛИМЛАР БОРЛИКНИ ЎРГАНИБ, ИЛМ ВА МАДАНИЯТ ХАЗИНАСИННИНГ БОЙИТИШГА ҲАМДА ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИГА УЛКАН ХИССА ҚЎШИБ КЕЛГАНЛАР.

Табиатшунослик фанининг ривожланиши узоқ ўтмишга эга.

Табиёт фанлари ҳам инсон гор ва чайлаларда яшаб, ўзларининг кундалик эҳтиёжлари учун ёввойи ҳайвонларни овлаб тирикчилик қилиб юрган даврлардаёқ бошланган. Даврлар ўтиши билан бундай ифодали тасвирлар шаклланиб ов манзаралари овланадиган ҳайвонлар ва ўсимликлар шаклларини ҳар хил тошларга ўйиб авлодлар мулки сифатида келгуси авлодларга ва ёшларга мерос қилиб қолдирганлар.

Жамият тараққиёти ривожланган сари унинг мураккаб жараёнларини енгиллаштириб омиллари ҳам вужудга кела бошлаган.

Мана шундай олимлардан бири ёввойи ҳайвонларни хонакилаштириш ва истемолбоб ўсимликлар уругини кўпайтириш усули бўлиб, улар инсон яшайдиган манзилгоҳларда доимо топилавермаганлиги, об-ҳаво, иқлими, шароити ҳам салбий таъсир этганлиги туфайли вужудга келган.

Бу эса ўз навбатида чорвачилик, хунармандчилик ва ибтидоий санъат куртакларини вужудга келтирган.

ИНСОННИНИНГ ҲАЁТ КЕЧИРИШ ЗАРУРИЯТИ ОМИЛИ БЎЛИБ ХУНАРМАНДЧИЛИК ЮЗАГА КЕЛА БОШЛАГАН, ДАСТЛАБКИ ДАВРЛАРДА ТОШ, ёғочдан фойдаланиб ҳайвонларни овлаш ва тирикчилик қилиш, уларнинг маҳсулотларидан эса зарурий буюмлар ясаш мақсадида

фойдаланганлар. Бу эса ўз навбатида дехкончилик, чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлатишга олиб келган.

Милоддан минг йиллар аввал дастлабки ёзувлар мутассил ўзгариб, такомиллашиб борди. Шу билан бирга табиат, борлик, ўсимлик ва хайвонот дунёси ҳакидаги кузатинилар көнтая ва чукурлаша борди. Табиат фанлари, у ўрганилаёнган жараёнлар ва ходисалар ҳақидаги тушунчалар хам такомиллаша борди.

Ўша даврнинг илм-фан, маданият соҳасидаги ижтимоий кийинчиликларга қарамасдан жамият ривожи учун катта хисса кўшган Ўрта Осиё буюк мўтафаккирларининг хизматлари бекиёсdir.

Мухаммад ибн Мусо Ал-Хоразмий (783-850).

Ал-Хоразмий IX аср бошларида Богдодда Ўрта Осиёлик олимлар Ал-Ахмад ибн Касиф ал-Фаргоний, Аббос ибн Жавохарий билан «Маъмун» академиясини (Байт ул хикмат) бошқара бошлайди.

827 йилда Богдод ҳалифаси Маъмун ал-Хоразмийга «Ер ва Осмон ҳаритасини» тузиш ишини бошқаришни топширади. Ҳарита устида кўп олимлар 840 йилгача тадқиқот ишларини олиб боришади. Хоразмий 847 йил бу тадқиқотларни умумлаштириб «Ер тасвири китоби» ёки «География» китобини ёзди.

Хоразмий тўплаган дунё китъалар, океанлар, кутблар, экваторлар, саҳролар, кўллар, ўрмону барча мамлакатлар, ўлкалар у ердаги ҳайвонот ва ўсимликлар дунёси, бошқа табиий ресурслар, ахоли уларни тарқалиш хусусиятлари, урф одати, хунари, зичлиги ҳакидаги табиий маълумотларни ўз ичига олади.

Коинот сирларини ўрганишга оид ижодлари унинг «Зиж»и (Астрономия) китобида баён этилган. Бу китоб 37 боб, 116 жадвалдан иборат, Асарнинг аввалги беш боби хронологияга багишлиланган бўлиб «туфон», «искандар», «сафар» ва христиан эраларидан саналарни хижрий зрага кўчириш қоидалари келтирилади. 6 - бобда айлана – 12 буржга, бурж – 30 даражага, даражка – 60 дақиқага, дақиқа – 60 сонияга ва хоказо майда бўлақларга бўлиниши баён этилади. 7-22 бобларда куёш, ой ва беш сайёранинг харакатлари масаласига багишлиланган.

Аллома асарларидан бирида: “Билингки, дарёning кўзлари ёшланса, унинг бошига хам-кулфат тушган бўлади. Одамлар, дарёдан меҳрингизни дариг тутманглар!”- деб таъкидлайди.

“Дарёning кўз ёшлари” деганда Мухаммад ибн Мусо ал-Хоразмий нимани назарда тутди экан? Эҳтимол, у дарё сувининг ортиқча ифлосланаётганлигини назарда тутгандир.

Имом ат-Термизий (824-892).

Имом ат-Термизий ўзининг нодир асарларида табиатни муҳофаза килиш, тирик жонзотлар, ўсимлик дов-дараҳатларни асрлаб-авайлаш, атроф-муҳитнинг табиий гўзаллигини сақлаш лозимлигини уқтиради. Аллома томонидан тўплланган хадисларнинг аксарияти инсон ва табиат муносабатлари талқинига багишиланган. Хусусан, ул зоти муборак Пайғамбаримиз Мухаммад (С.А.В)нинг “Ерда халал бериб ётган бирор тош, тиканак ёки суякни бир чеккага олиб қўйишининг ҳам – садақа”, “Ўз пакирингдаги сувдан бошқаларнинг идишларига солиб беришинг ҳам сенинг садақанг хисобланади”, “Кимда-ким бир кўчат ўтқазса, ё булмаса экин эксаю, улар ҳосилидан одамлар, қушлар ва хайвонлар баҳра олса бу ҳам ўша одам учун садақа хисобланади” каби муборак хадисларини ўзининг “Сунан” асарига киритди.

Жайҳоний.

Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Наср Жайҳоний 870 йилда Бухорода туғилган. Жайҳоний ўз даврининг йирик давлат арбоби бўлибгина қолмай, балки ўта ўқимишли ва билимдон олим ҳам эди.

У вазирлик лавозимидан фойдаланиб, дунёning турли мамлакатларига саёҳатчиларни юборди. Улар тўплаган илмий материалларни чукур тахлил қилди ва мазкур тадқиқотлари асосида асарлар ёзди.

Олимни дунёвий фанлар тўғрисида ёзган китоблари жуда кўп бўлиб, уларни Мақсадий, Беруний «Худуд ул-олам» асарларининг номаълум муаллифи, ибн Руста Ал-Бакрий каби олимлар ўз асарларида фойдаланиб келганлар.

Жайқонийнинг «қитоб улмасолик ва мамолик» (масофалар ва мамлакатлар ҳақидаги китоб) 911-922 йилда ёзилган.

Жайҳоний ўз асарларида Ўрта Осиё, Хиндистон, Хитой, Санардей, Эрон қазилма бойликлари, табиий ресурслари ҳақида мукаммал маълумотлар келтирилган. Хиндистон қирғоқларида шундай ўзига хос ўсимликлар ўсадики, улар бошка ерларда учрамайди. Сарандей, Хиндистонда ажойиб қушлар ва хайвонлар тарқалганлигини кўрсатади.

У ўз асарларида Ўрта Осиё Хурросон ўлкасида яшовчи халклар географик чегаралар, уларни ижтимоий ва маъмурий фаолиятини хунармандчилик, табиий ресурслари ифодаланган. Махаллий доривор ўсимлиқлар ва хайвонлардан олинадиган дориворлар учун табиатдаги роли ҳақида маълумот берилган.

У машхур табиб ҳам бўлган. Юқумли касалликларни келтириб чиқарувчиларга қўл берib кўришганда ювилмаган қўл оркали ўтишини яхши билган. Ит, мушук, гижжа, текинхўр чувалчанглар юкумли касалликни ташиб юрувчи деб билган ва унга чоралар топган.

Абу Наср Фаробий (873-950).

Абу Наср Фаробий 873 йили Тошкентнинг шимолий ғарбида жойлашган, кейинчалик тарихда ўтрор номи билан машхур Фаробда хизматчи оиласида туғилган.

У 160 дан ортиқ китоб ёзган. Уларнинг 40 га яқини бизгача етиб келган. Кўпкина китоблари астрономия, табиатшунослик, тиббиёт илмига бағишлиланган.

Унинг табиатшуносликка доир «Инсон аъзолари» ҳақида рисола «Хайвон аъзолари», каби асарлари алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, улар инсон ва ҳайвонлар органлари, уларнинг функцияси бир-бiriга ўхшаш томонлари, ёритилган тирик организмлар анатомияси фанларга асос солган.

Фаробий ўз асарларида сунъий турларининг вужудга келишини ва табиий ўсимлик ва ҳайвонлари турларини вужудга келишини дунёда биринчи бўлиб тарифлайди.

Юлдузлар ҳақидаги китобида осмон жисмлари билан ердаги ҳодисалар ўртасидаги табиий боғланишлар борлигини баён қилган. Жумладан, қуёш иссиқлиги таъсиридаги буғланишлар булат ва ёмғир пайдо бўлишига сабаб бўлишини айтган.

У ўз ишлари билан табииёт илмининг ривожланишига бебаҳо ҳисса қўшган.

Аллома фикрларида баён этилган, жисмлар ўртасидаги ўзаро таъсиrlар: илм-фан, техника ривожини таъминлаш жараёнида инобатга олинган ҳолда, табиат ҳамда жамият ўртасидаги муносабатлар натижасида юзага келиш эҳтимоли бўлган салбий ҳолатларнинг олдини олишга имкон беради.

Форобий шундай деб ёзади: “Ҳар бир моддий нарса сўзсиз ўз вужудига, ўзига хос булган мартаба, энг юксак камолотга эришиш

учун борликка келади, инсонга хос булган бу камолотнинг номи энг етук баҳт-саодат деб аталади”.

Форобий фикрича: “Инсонийлик мөхияти ҳақиқий баҳт-саодатга эришиш экан, инсон бу мақсадни узининг олий гояси ва истагига айлантириб, бу йўлда барча имкониятларидан фойдаланса, у баҳт-саодатга эришади”. Шу маънода табиат ва жамиятнинг тараққиёти, инсоннинг баҳт-саодати экология муаммоларицинг қай даражада ҳал этилишига боғлиқки, бу таълим-тарбияни тақозо этади.

Абу Райхон Беруний (973-1048).

Абу Райҳон Беруний Хоразмнинг кадимий пойтахти Ҳиёт шахри яқинида таваллуд топган. У ёшлигидан ал-Фаробий сингари Шарқда машхур бўлган олимларнинг китобларини мустақил ўрганди. Ўзида аввал яшаб ижод этган буюк мутафаккирларнинг меросини ўрганибина қолмай, уларнинг бекиёс даражада бойитди.

Берунийнинг ўша даврда яратган қашфиётларидан бири – Ернинг шарсимон (кура) шаклида эканлигини кўрсатиш учун ер шари (глобус) ихтиро этганлигидир. У қўёш атрофида сайёralар айланишини, ер эса ана шу сайёralардан бири эканлиги ҳақида таълимот берди.

Беруний асарларида табиатга оид жуда қўп маълумотлар киритилган. Унинг асарларида Ўрта Осиё эрки, Хиндистон, Афғонистонда кенг тарқалган қазилма бойлик, доривор ўсимликлар, ҳайвонлар уларнинг фойдали хислатлари ҳақида маълумот берган. Берунийнинг табиий-илмий қарашлари «Сайдана», «Минералогия», «Хиндистон», «Геодезия», «Маъсудий қонуни», «Ўтмиш авлодлардан колган ёдгорликлар» кенг ёритилган.

Беруний асарларида ўсимлик ва хайвонларнинг биологик ҳусусиятлари, уларнинг тарқалиши, табиатдаги аҳамияти борасидаги маълумотлар келтирилади. “Табиатдаги ҳодисалар маълум табиий қонуниятлар асосида бошқарилади” деган муҳим илмий хулоса чиқарилади.

У “Қадимги ҳалқлардан колган ёдгорликлар”, “Хиндистон” номли асарларида ўсимлик ва хайвонларнинг тузилиши хамда уларнинг ташқи мухит билан ўзаро алоқасига оид кизикарли маълумотларни келтиради.

Абу Райхон Беруний асарларида турли хил тропик ўсимликлар ва ҳайвонлар тўғрисида маълумот бериши билан бирга наботот ва ҳайвонот оламини ташки мухит билан алокаси, уларнинг хулқ-атворидаги йил фасллари алмашиши билан боғлик ўзгаришиларини ибратли мисоллар ёрдамида тушиуниради.

Чунончи, “кушларнинг тоглардан пастга текисликларга гушиши, чумелиларнинг ўз инларига беркиниб олишлари каби ҳолатлар ҳавонинг совушидан далолат беради”, - дейди олим.

Беруний ўзининг илмий қузатишлари, тажрибалари асосида табиатдаги ҳодисалар маълум табиий қонуниятлар асосида бошқарилади, деган холосага келади. Олимнинг фикрича, уларга ташкаридан таъсир этувчи ҳар қандай куч ўзгартириш кобилиятига эга эмас. Бу экологик бузилишга олиб келади, деган фикрий айтади.

Беруний инсонни табиатнинг бир кисми деб билади. Одамлар тузилишларининг ранг, суврат, табиат ва ахлоқда турлича бўлиши факат насабларнинг турличалигида эмас, балки тупрок, сув, хаво ва одам яшайдиган жойларнинг турличалигидан ҳамдир.

Беруний- «Қадимги авлодлардан колган ёдгорликлар” асарида табиатга оид фикрларни баён килиш билан бирга инсонни атроф-мухитга нисбатан тўғри муносабатда бўлишини экологик маданиятни тарғиб қиласди.

Беруний “Жавохирнома”, күшчанинг уч панд-насиҳати” каби асарларида инсон билан атроф-мухит ўртасидаги ўзаро алокадорлик муфовиклик ва мувозанат тасвирланади.

Берунийнинг фикрича, олам абадий тараккиёт ва ривожланишдадир. Зоро, табиатнинг ўзи хаёт қонунларини мувофиқлаштириб туради. Буюк мутафаккир кайд этгандек: “Экин ва ҳайвонлар насл ҳолдириши билан дунё тўлиб-бойиб бораверади”.

Абу Али Ибн Сино (980-1037).

Абу Али ибн Сино Бухорога яқин Афшона кишлоғида дунёга келиб, жаҳонга табобат илмининг сultonни бўлиб танилган, кўп киррали олим бўлган.

Унинг тиб соҳасидаги: «Тиб конунлари», «Китоб ул-куланж» (ичақсанчиклари), «Киток ун-набз» (Томир кўриш хакида китоб) ва бошқалар мавжуд.

«Тиб конунлари» 5 мустакил катта асарларидан таркиб тонган:

Биринчи китобда: касаллик келиб чиқиш сабаби, белгиси, соглиқиң сақлаш йўллари ва бошқалар ҳақида баён этилган.

Иккинчи китобда: 800 га яқин дорининг хусусиятлари, уларни тайёрлаш ва истеъмол қилиш баён қилинган.

Учинчи китобда: айрим органларнинг касалликлари (соч, тирноқ), уларнинг даволаш усуллари баён этилган.

Тўртинчи китобда: иситмалар, ўсмалар, сабаби, хирургик касалликлар (суяқ синиши, чиқиши, куйиши) ва уларни даволаш, ҳар хил дорилардан захарланиш ва чоралар чечча, қизамиқ, тумов, вабо тўғрисида маълумотлар баён этилган.

Бешинчи китобда: мураккаб дориларнинг организмга таъсири, уларнинг тайёрлаш, истеъмол қилиш усуллари баён этилган.

Минералогия илмининг ривожида ҳам ибн Сино катта хисса кўшган. У минералларни 4 групга ажратади: 1) тошлар; 2) эрийдиган жисм (метол)лар; 3) олтингугуртли ёнувчи жисмлар; 4) тузлар.

Абу Али ибн Синонинг инсон танасида пайдо бўладиган касалликларни келтириб чиқарувчи омиллардан бири сув, ер ва ҳавода мўътадилликнинг бузилиши билан боғлиқлиги, яшаш жойларнинг тор ҳам озода бўлмаслиги, юқумли (Мохов, қўтирилчак, вабо иситмаси, йиринг, тошма каби) касалликларнинг тез тарқалиши учун қулай шароит яратишига доир ўйтлари бутунги кунда ҳам алоҳида қимматга эгадир; касалликлар аҳоли зич жойлашган жойларда, шамол ва бошқалар орқали юқади.

“Агар ҳавода чанг ва губор, бўлмаганди эди, инсон минг йил умр кўрган бўлар эди”, - деган машҳур ибора орқали аллома инсонларни яшил табиатни муҳофаза қилишга, уни асрар аввайлашга унданаган.

Олимнинг фикрича, инсон табиатдан моддий хаёт манбаларинигина ўзлаштириб олмасдан, балки руҳий қувват ҳам олади. Шунингдек, у айрим касалликларни даволашда табиий манбалардан, хусусан, қум, тупроқ, сув, ўсимликлардан фойдаланиш ҳақида қимматли маълумотлар беради.

Ибн Синонинг фалсафий ва табиий-илмий қарашлари унинг жаҳонга машҳур асари “Кито баш-шифо”, яъни даволаш китобида баён этилган. Бу асарда олимнинг материя, фазо, вақт, шакл, ҳаракат, борлиқ ҳақида фалсафий тушунчалари, ...шунингдек,

математика, кимё, ботаника, зоология, астрономия, психология фанларига оид фикрлари баён этилган.

Ибн Синонинг турли табиий жараёнларнинг пайдо бўлиши ва давомий диалектик ривожланиши хақидаги фикрлар геология илмининг тараққиётига катта таъсир килган.

Ибн Сино - ўзининг “Донишнома” номли ижтимоий-фалсафий асарида табиатга меҳр-мурувватли бўлган ёшларни тарбиялаш хақида фикр юритган.

Амир Темур (1336-1405).

Соҳибқирон Амир Темур турли соҳаларда бўлгани каби табиатга муносабат борасида ҳам ўзининг катъий позициясига эга бўлганлиги тарихий манбаларда қайд этилади. Аммо Темурнинг табиат бойликларини авайлаш, уни кўпайтириш тўғрисидаги ғамхўрлиги соҳибқирон ташабуси ва саби ҳаракати эвазига Самарқанд яқинида барпо этилган ўн тўртта боб мисолида намоён бўлади. Боги Шамол, Боги Бехишт, Боги Давлатбоб, Боги Зогон, Боги Чинор, Боги Дилкушо, Боги Булду, Боги Нақши Жаҳон, Боги Баланд, Боги Ноу, Боги Жаҳоннома, Боги амирзода Шоҳруҳ, Боги Майдон каби бодлар тарихини ўрганиш уларнинг дехкончилик, илм-фан, эстетик ва фалсафий билимларнинг натижаси сифатида яратилганлигини кўрсатади. Мазкур боғларнинг таърифи узок юртларга ёйилган. Улар тўғрисидаги маълумотлар испан қиролининг Самарқанддаги элчиси Луи Гонзалес де Клавихоннинг машхур эсталикларида баён этилганлиги туфайли Европага ҳам тарқалгандир.

Амир Темур умр бўйи ободончилик ишлари билан банд бўлган. Қадами етган жойларда боғ-бўstonлар, қалья-касрлар, йўллар, гўзал гўшалар барпо этган.

Темурнинг дилида тўзалик ва бунёдкорликка, илм-фан, маданият-маърифатга меҳр-муҳаббат кучли бўлган. Бунга унинг даврида яратган санъат ва меъморий обидалар далилдир. Бунга жаҳонгиридинг “Қай бир жойдан бир ғишт олсан, ўрнига ўн ғишт қўйдирдим, бир дараҳт кестирсам, ўрнига ўнта қўчат эктирдим”, - деган сўзлар далилдир.

“Кимки бирон сахрони обод қилса, ёки кориз курса ё бирон боғ қўқартиrsa, ёхуд бирон ҳароб бўлиб ётган ерни обод қилса, биринчи йил ундан хеч нарса олманглар”, - деб уқтиради у. Бу эса, соҳибқироннинг ободончилик ишларини ривожлантиришга

қаратилган ўткір сиёсатидан дарап беради. Албатта, оғир ва савобли ишни амалға оширган инсон ўзининг машаққатли меҳнати өвазига муайян моддий ва маънавий рағбатта эхтиёж сезади. Бу эхтиёжнинг қондирилиши эса, унинг қилган меҳнатига жамият томонидан билдирилган миннадорчилик каби қабул қилинади. Инсон табиатини яхши ўрганган йўлбошли сифатида Амир Темур меҳнат өвазига рағбатлантиришнинг ўзига хос усулларини қонун йўли билан мустахкамлашга эътибор берган. Амир Темурнинг табиатга нисбатан меҳр-муҳаббати ҳақидаги қизикарли ҳикоя эътиборга моликдир:

“Шом сари юриш олдидан Корабоғда чодир тикиб, узоқ туриб қолдик. Харбу зарб машқларини пухталомоқ учун қўшин ичинда бўлиб, очик ҳавода тунадик. Кўп вакт ўтказиб, сафар олдидан чодирга қайтсан, ажиб манзаранинг гувоҳи бўлдик. Бизнинг йўғимиздан чодир туйнугидан икки қабутар тушиб, жуфту ҳалоллик қилмишлар, улар бизнинг хос ўриндиқка хас-ҳашакла ин қуриб, бири тухум босиб ётур эди.

Тангри таоллонинг бу беозор жониворларга ҳалал етказмаслик учун чодирни ўзга қилдик. Эртаси куни сафарга жўнар аввалида тўрт нафар навкарни мулозим бирла қолдирдик. Уларга тайин этдикким:

- Тангри таолонинг беозор күшлари тухум очиб, полопонлари учирма бўлгунча, шу ерда бўлурсиз. Полопонлар учиб чиққач, чодирни йигиб, ортимиздан етиб боргайсиз...

Шом сафарига отландик. Жониворлар борасида тузган тадбиримиз Тангри таолога хуш ёкиб, тўғимизни хилпиратди.”

Улуғбек (1394-1449).

Муҳаммад Тарагай Улуғбек Самарқанд шаҳрида туғилган. У коинот илми соҳасидаги ижодий ишларини «Зижи жадиди Кўрагоний» («Янги астрономия жадваллари») китобида баён қилди.

Табиатшунослик фани узоқ ўтмишга эга ва жамият ҳамда материя, олам тараққиёти билан боғлиқ барча фанлар билан узвийдир.

Хусусан Ўрта Осиё табиатшунослиги жаҳон илми таркибида ўз ўрни ва тамойилларига эгадир. Наинки унинг қонуниятлари жаҳон табиий фанлари илмий салоҳиятига методологик асос сифатида бириктирилиш даражасидадир.

Табиатнинг узок кечаси, мазмунли бугуни ва порлок эртаси шу фанинг ривожи, унинг ёшлар онгига нечоғлик сингдирилиши ўз мохиятига кўра мураккаб жараёндир. Зоро, унинг асосида «Табиатни асрани» деган пиор ётади.

Алишер Навоий (1441-1501).

Буюк ўзбек шоири Алишер Навоий ўзининг мумтоз бадиий асарларида инсон ва табиат ўртасидаги муносабатлар масаласига кенг ўрин ажратган. Чунончи, “Хамса” асарига киритилган “Саббаи сайёр” достонидаги етакчи мавзу ва гоялардан бири инсоннинг табиатга муносабати масаласидир. Асарда баён этилишича, бош каҳрамон шоҳ Баҳромнинг овга бўлган ишқибозлиги шу қадар кучаядики, достон сўнггида ўз лашкари билан сонсиз ҳайвонларни қирғин қиласди. Табиат эса, бу адолатсизлиги учун ундан аёвсиз ўч олади. Кучли зилзила рўй бериб, шоҳ Баҳром, ёри Дилором ва унинг лашкарларини ер ютади. Ушбу воеани ифода этар экан, Алишер Навоий одамларни табиатга нисбатан оқилона муносабатда бўлишга, унинг бойликларидан ўринли фойдаланишга ундайди.

А.Навоийнинг инсон табиати, тафаккур ва ҳиссияти, озодалик, хушхулклилик ва ниҳоят, тўғри овқатланиш тартибининг саломатликка таъсири хакидаги фикрлари бадиий асарларида чукур талқин этилган.

Захириддин Мухаммад Бобур (1483-1530).

Захириддин Мухаммад Бобур 1483 йили Фарғона хокими Умаршайх оиласида дунёга келди. У Амир Темур оиласидан бўлиб, отаси вафотидан (1494) кейин 12 ёшида подшо этиб тайинланди. Бобур фақатгина подшох бўлибгина қолмай у ўз даврининг етук олимларидан бири эди. Унинг «Бобурнома» асари табиатшуносликни ривожланишида аҳамияти катта.

«Бобурнома» Ўрта Осиё, Афғонистон, Хиндистон мамлакатлари табиий географик жойланиш хакидаги ўсимликлар ва ҳайвонот дунёси хакидаги беографик асар ҳамдир. У асарда Бобур ҳар бир жойнинг ҳарактерли ҳусусиятлари ва у ерда тарқалган ҳайвонлар хакида кимматли маълумотларни баён этган.

Хулоса тарикасида шуни таъкидлаш жоизки, табиат оламининг тарихига асос солган мутафаккирларимизнинг табиатшунослик фанининг ривожланишида хизматлари бекиёсdir.

Асарда ковун, бутдой, ўрик, беҳи, анор, шафтоли, олча, ёнғок, нок ва тутларнинг бир неча навлари мавжудлигини ва ҳосиятини,

шифобаҳшлиги баён этилади. Бобур чорвачилик ва хунармандчиликка катта эътибор берган.

“Бобурнома”да Афон ҳалкининг асаларичилик билан қадимдан шугулланганлиги ва асал билан савдо қилинганлиги баён этилган.

Бобур гуллар, мевали, манзарали дараҳтларни кўпайтириш ва тарқатишига эътибор билан ёндошган.

“Бобурнома”да турли соҳага оид билимлар камраб олинган бўлиб, унда ҳайвонат ва наботат оламига оид маълумотларга кенг ўрин берилган.

Захирiddин Мухаммад Бобурнинг Ватанга бўлган муҳаббати замирида айнан шу юрт табиатига нисбатан чексиз эктиром, хурмат туйғулари мавжуддир. Алломанинг “Бобурнома” асари фақатгина тарихий, адабий манба бўлибгина колмасдан, балки географик, ўлкашунослик, этнографик асар ҳам саналади. Асарда Мовороуннахр табиати, ҳайвонот ва ўсимлик олами ҳакида бой маълумотлар мажмуасидир. «Бобурнома»да Амир Темур ташаббуси Билан Самарқанд яқинида барпо этилган bogлар ҳакида қимматли маълумотлар мавжуд. Хусусан, «Самарқанд шаҳрида икки bog солибдур, бириким йироқдур. Bogи бўлдирур, ёвуқроғи bogи Дилкашдир. Андин Феруза дарвозасигача хиёбон қилиб, икки тарағига терак ёғочларини эктурубтур» каби битиклар муаллифнинг ободончилик ишларига алоҳида ҳайриҳоҳлик билан ёндошганлигидан дарак беради.

Асарда қишлоқ ва шахарларнинг иқлими, тупроғи, суви, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси борасида батафсил тўхталиб ўтилган.

Абу Тоҳирхўжа.

XIX асрда яшаб ижод этган. Абу Тоҳирхўжа томонидан яратилган “Самарқанд” асарида самарқанд шахрининг хавоси, ернинг тузилиши, географик ҳолати, шахар теварагидаги тоглар, булоқлар, ариқ ва дарёлар тўғрисида сўз юритилган. Шахар атрофида мавжуд бўлган тоглар хусусида сўз юритар экан, Абу Тоҳирхўжа кўйидагиларни қайд этади: “Жануб томонидаги тоглар жуда обод бўлиб, унда дараҳтлар кўп ўсади. Мевалардан олма, писта, олу, ёнғоқ Ушбу тоғларда кўпдир. Ўсимликлардан, олма, ривоч (ровоч), гарафш, ябруж, пиёзи ансул (ансур), гурдиё ва эгир учрайди.

Хайвонлардан, дунгиз (тўнғиз), айик, бўри, тулки, товушқон, жайра ва шоғол (шоқол) бор.

Ов күшларидан какки дарий (каклик), булдуруқ - қора багир, кабки (хилол) ушбу тоғда кўпдир.

Бунда маъдан ва кон нарсаларининг борлиги белгили эмас. Лекин Ушбу тоғнинг кунботарида олтин ва кумуш билан шуваганга ўҳашаш ярқирайдиган бир тош бор. Ундан хеч нима ажратиб олиб бўлмас. Уни чақалоқ тошнинг жинсидан дейдилар. Бу тоғнинг ажойибидан бир булоқ бордирким, суви киш вактида жуда қайнок бўлиб, саратон ойида бошдан оёқ музлайди.

Кунчиқар томонидаги тог хам ободдир. Жанубий тоғ билан гарбий тог ораларидан Зарафшон дарёси оқиб чиқади. ...Кунчиқар тоғнинг устида, (унинг) ўрта белида, Искандар кўли деб аталган бир кўл бор.

Зарафшон дарёсининг бир манбаи Ушбу кўл бўлиб, тевараги бир тоғдир. Кунчиқар тогида бир кийик, бугун (гавзан – тог сигири), хар бири юз кийикни овлайдиган йиртқич хайвон кўпдир”.

Ўзбекистоннинг бой табиати, хайвонот дунёси ва ўсимликлар олами хақидаги Ушбу маълумотлар хам тарихий, хам жуғрофий, хам экология нуқтаи назаридан аҳамиятга моликдир. Шубҳасиз, уқувчиларда табиатга мухаббатни тарбиялашда, уларда табиий бойлиқдан оқилона фойдаланиш каби туйғу, кўниумка ва малакаларни ҳосил қилишда ўлка табиатини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Зеро, ўз ўлкаси табиатини ўрганмай, унинг объектлари хусусида маълумотларга эга бўлмай туриб, экологик фаолияни ташкил этиш мумкин эмас. Муайян худудда мавжуд бўлган тупрок, сув, ўсимлик ва хайвонларининг ушбу регион экотизимини ташкил этишдаги ўрни, аҳамиятини тўғри баҳолай билиш лозим. Шу боиседа Абу Тоҳирхўжанинг “Самарқанд” асари тарихий-бадиий, шу билан бирга экологик қимматга эга.

Сайд Мухаммад Хасрат.

- Сув оққанда тозаланиб пишган каби, одам ҳам сафарда пишади.
- Ёз ёмғири – илон билан чаён, ёзнинг ёмғиридан қўрқ.
- Кишнинг кировидан, жавоздаги ёмғирдан илон ёгса – яхши.
- Тоғ ҳавоси – дард давоси.

- Тоза хаво – дардга даво.
- Қуёш кирмаган уйга табиб киради.
- Қуёш нури – даво дури.
- Чилла суви – тилла суви. Чил ботмон узум берар.
- Софликда сувдан ҳам софрок нарса йўқ, аммо узоқ турса, сув сасиб кетар.
- Юрган дарё, ўтирган буйра.
- Кам ҳаракат одамнинг умри бебаракат.
- Сафар килган одам чиройга етра.

Ҳайвонлар ҳакида: Ер шарида тахминан 1,5 млн. турдаги ҳайвонот яшайди.

Ҳайвонлар 90-100 кг ҳашак еб, 1кг гўшт ҳосил бўлади.

Францияда курбақадан тайёрланган таом энг ноёб таом ҳисобланади. Бу мамлакатда қурбақа эркин ҳолда табиатда учрамайди. Улар маҳсус фермаларда кўпайтирилади..

Күшлар ҳакида: Бизда тустовуқ, бедана, бургут, каклик, кабилар камайиб кетган.

Бойўғли “ёмонлик келтирувчи күш” деб кириб ташланган. Бир бойўғли бир мавсумда 1000 тагача сичқон ейди, натижада 1 тонна буғдой нобуд бўлишдан сақлаб қолинади.

Кўпчилик илонни кўрса ўлдиради, ваҳоланки илон энг фойдали жонивор ҳисобланади.

Мутафаккирларимиз атроф-мухит, инсон, ҳайвонот ва ўсимликлар дунёси ҳакида кенг билимга эга бўлиб, уни тарғиб этганлар. Ўрта осиёлик машҳур алломалар болаларга ёшлигидан бошлаб атроф-мухитни ифлослантирмаслик, оловни эҳтиёт қилиш, ҳайвонларни ўлдирмаслик, нихолларни синдиримаслик, күш уяларини бузмасликни ўргатиш лозимлигини уқтирганлар.

Атроф-мухит билан бирга уйгун ҳолда яшаб, табиат конуниятларидан амалиётда унумли фойдаланилганлар. Масалан, халқимиз ҳар вақт бошини Жануб ёки Шарқ томонга қўйиб ётади. Киши бошини жануб томонга қўйиб ётса, ернинг магнит майдонига мослашиб, бош мия дам олади.

Киши бошини Шарқ томонга қўйиб ётса, ер айланиши билан инсон танасидаги қон айланиш мослашиб, юрак дам олади. Фақат ўликларнинг бошини Шимол томонга қаратиб қўйилади ва қўмилади.

Табиат гўзалликларидан баҳра олиш, уни севиш атроф-мухит муҳофазасини ташкил борасидаги мухим омиллардан бири саналади. Ўрта Осиё мутафаккирлари ўз асарларида табиат гўзалларини мадҳ этишга эътиборини қаратган хамда инсонларни табиат гўзалликларини қадрланга ундаланлар.

Саволлар:

1. Ўрта Осиёда табиат фанлари ривожланиши нечанчи асрда бошланди?
2. Табиатшунослик фанларини ривожлантиришга хисса кўшган буюк мутафаккир-олимлар қандай асарлар ёзганлар?
3. Ўрта Осиёлик мутафаккир олимлар тарихини ўрганиш қачондан бошланди?

Табиатшунослик методикасида асосий муаммолар ривожланишининг қисқача тарихи.

Методика тарихи ўқитувчилар ва методикалар ҳозирги авлоднинг ўтмишдошлари иш олиб борган муаммолар доираси билан таништиради.

«Энг мухим нарса, асосий тарихий бoggанишни уннутмасликдир, ҳар бир масалага тарихдаги маълум ҳодиса қандай пайдо бўлганлиги бу ҳодиса ўз ривожланишида қандай асосий боскичлардан ўтганлиги нуктаи назаридан караб, бу нарсаларнинг ана шу ривожланиши нуктаи назаридан ҳозир қандай бўлиб қолганига қарашдир.»¹

Тарихни билиш хатоларнинг, маълум бўлган қашфиётлар тақрорланишининг олдини олади. Бизнинг замонамиз учун энг зарур ҳисобланган методик муаммоларни ҳал қилиш ва тадқиқ этишда ўтмишнинг кимматли ютуқларидан фойдаланишга имкон беради.

Табиат ўқитиш методикасининг тарихи унинг муайян даражада ҳал қиласидан асосий муаммоларини; таълимнинг мазмуни, ўқитиш методлари ва уларни тарбияловчи таъсири ҳар доим бўлган. Муайян предметнинг мактабда жорий этилиши; унинг ҳажми мағкуравий (идеологик) йўналиши давлат томонидан белгиланади, бу нарса кўпинча уларнинг ижодий ташаббусига

¹ Мутафаккирлар экологик тарбия хакида. Тошкент-2003 й.

боглиқ әди. Ўкув материалининг мазмунига табиатшунослик фанининг ҳолати таъсир кўрсатарди. Ватанамиз табиат методикаси қарийиб икки юз йиллик тарихга эга.

Уни вужудга келтирища кўплаб биологик олимлар, методистлар ва ўқитувчилар қатнашишган, турли ижтимоий шароитларда яратилган кўплаб методик қўлланмалар ва дарсликлар уларга манбусдир.

Табиат ўқитиш методикасининг ривожланиши тарихи икки асосий: революциягача бўлган давр - подшо давлати – капиталистик – иқтисодий, синфий жамият ва социалистик синфсиз жамият шароитидаги даврларга бўлинади.

VIII-аср Қадимги рус мактабларида табиат ҳақида бирор предмет ўқитилмасди. Бутхона китобларини ўқишига, ёзувга ва бутхона қўшиги айтишга ўргатиларди. XVIII аср охирида рус мактабларида табиатни ўқитиш жорий этилди.

Табиат бойликларидан фойдаланиши ва экономикани ривожлантиришда мамлакатга саводли кишилар керак әди ва шу боисдан Екатирина II ҳукумати ҳалқ билим юртлари («асосий 5 йиллик ва «кичик»-2 йиллик») хамда ўқитувчилар семинарияси (1783) очишига мажбур бўлди. Ҳалқ билим юртларида ва ўқитувчи семинариясида биринчи марта табиёт ўқитила бошлади. Табиатдан дарслик тузиш, билим юртида ўқитиш ва ўқитувчи семинариясида лекция ўқиш учун академик Василий Фёдорович Зуев (1754-1794) жалб қилинган әди.

1786 йилда унинг фамилияси кўрсатмаган ҳолда икки китобдан иборат «Россия империясининг ҳалқ билим юртлари учун нашр қилинган табиат тарихининг баёни», «Нагертание естественной истории, изданное для народах училих Российской империи» номли дарслиги босилиб чиқди. Рус табиат ўқитиш методикасининг тарихи шу йилдан бошланган деса бўлади.

В.Ф. Зуев дарслиқда табиатни ўқитишнинг қўйидаги изчиллигини белгилайди: Қазилмалар олами (ўлик табиат), ўсимликлар олами (ботаника), ҳайвонот олами (зоология). В.Ф.Зуев ўзининг дарслиги билан табиат ўкув предметига асос солди. Дарслиқда айрим ўсимлик ва ҳайвонларнинг таърифи, уларнинг биологияси, шунингдек, унинг одам томонидан фойдаланиши ёритилади. Ўсимликларнинг «хужайра» тузулиши тўғрисида ҳам эслатиб ўтилади. Дарслиқда кўп фактик маълумотлар берилган (148

хил ўсимлик 157 хил умурткали ҳайвонлар таърифланган), аммо у оддий тилда ёзилгани туфайли осон ўқилади. Ўрганиш объектларини танлашда ва ўкув материалини баён этишда автор ўша вактда хукум сурган систематикага амал қилмади, балки биринчи навбатда одам учун аҳамиятли ўсимлик ва ҳайвонларга жозибали таъриф беради.

Дарслернинг ўқитувчиларга мўлжалланган кириш кисмида муаллиф ўқитиш методикасига оид бир катор масалаларни ҳал қилиб беради, унинг қўлёзма методик қўрсатмалари ҳам шу масалаларга бағишиланган. У дарсни сухбат тарзида, кўргазмали куролларни намойиш (демонстрация) килиш билан ўтказиши тавсия этган: «Бирор нарса хақида муҳокама юритилганда ўқитувчи унинг ўзини табий В.Ф.Зуев дарслернинг иккинчи кисмига илова сифатида «Табиат тарихига оид шакллар» дейилган атласни нашр этиради. Катталиги дарслернинг бир бети (19x14 см) га teng келадиган ҳар бир варага 2 тадан 5 тагача ҳайвон (жами 193 сурат) тасвир этилган. Бу таблицалар дарс вактида ўқувчиларга тарқатилар эди.

Дарслернинг минериаллар ва ўсимликлар тасвир этилган биринчи кисмида таблицалар бўлмаган, чунки В.Ф.Зуев ўқувчилар объектларини табий ҳолда кўришлари керак, деб ҳисоблаган. В.Ф.Зуев табиат хақидаги фанга мухабbat ҳамда маориф ва ҳалқнинг фойдаси учун ишлашга истакни тарбияловчи материалларни танлайди.

Буюк рус олимларининг олий ўкув юртларидағина эмас, балки ўрта мактабни ҳам ривожлантиришга таъсир қўрсатиши хақидаги ажойиб анъана академик В.Ф.Зуевдан бошланган эди.

«Табиат тарихи»ни ўқитишга оид амалий масалаларни ҳал килиш билан бир қаторда В.Ф.Зуев методикасининг гоят муҳим масалаларини фан ва ўкув предмети, илмийлик изчиллик ва мазмуннинг системаси, унинг содда тилда баён қилиниши, табий ва тасвирий қўрқазмалиликнинг ўрни, ўқувчилар билимининг онгли, табий-тарихий таълимнинг амалий роли каби муаммоларни ҳал килишга киришди.

Шундай қилиб, XVIII асрнинг охирида академик Василий Фёдорович Зуев рус табиат ўқитиш методикасининг бошлаб берди ва хакиқатан ҳам унинг асосчиси ҳисобланади.

XIX аср. Табиат тарихини ривожланишида Рус табиатшунос олимлари ўзларининг ҳар қандай ижтимоий-иқтисодий қийинчиликлар бўлиб турган мамлакатида халқ учун таълимтарбияни муҳим эканлигини сезиб бефарқ қараб тура олмадилар. Ўқитувчилар семинарияси ўрнида Педагогика институт барпо килинади, унда В.Ф.Зуевнинг шогирди А.М.Теряев унинг ишини давом эттиради. У ўз устозининг барча гояларидан кўргазмали қуроллар кўлланишнинг зарурлигини ўзлаштириб олган бўлиб, уларнинг мактабда тарқалишига сабаб бўлди. Табиатшунослик фанининг ривожланишида К.Линнейнинг «Табиат системаси» ҳаммага кенг машхур бўлган эди. Александр I хукумати гимназияларда табиат ўқитишишини зарур деб топди ва 1809 йили В.Ф.Зуевнинг дарслиги А.М.Теряевнинг «Ботаника фалсафасининг бошлангич асослари» Россия империяси гимназияларида фойдаланиш учун деган дарсликлари, И.И.Мартиновнинг «Уч ботаника», номли дарслиги бу дарсликлар олимининг асарларидан компиляция қилинган (терма асар) бўлиб, методика жиҳатдан ўйлаб чиқилмаган китоб бўлиб, ўқувчилар учун жуда қийинчилик қиласиди.

XIX асрнинг I-чи ярмида нашр қилинган дарсликлар учун уларда фанининг ўқувчиларнинг ёш хусусиятларига монанд қилиб қайта ишланмаган ҳолда баён қилиниши характерлидир.

Ўқувчилар дарслик текстини уйларида ёдлаб келишарди ва ўқитувчи айнан шуни сўрарди.

Россияда табиат ўқитишининг ривожланишига таълим министрликларининг олимлар дарсликларини етарли даражада баҳоланмаганларни сабаб бўлди.

60 йилларга келиб ижтимоий фикрларни тугилиши, табиат обьектларнинг бевосита кузатиш улар ўртасидаги мунособатларни англаб олиш билан боғланган табиат ҳодисаларини объектив (реалликда) борлиқда тушунтиришни авлодда тарбиялаш муаммоларини табиат фанига қизиқиш рус жамиятининг илгор кишилари ўртасида кенг тарқалди.

Шунинг учун ҳам Чарльз Дарвиннинг «Турларнинг келиб чиқиши» китобининг пайдо бўлиши, Д.И. Писарев, М.А. Антонович ва К.А. Тимирязевларнинг 1861 йилдан бошлаб ёзган мақолаларида дарвинизм кенг кўламда оммалашди. Шу йилларда К.Д. Ушинский «Одам тарбиясининг энг қудратли агентларидан бири» табиат

тұгрыснда ва «бала ақлини мантиқдикка үргатишининг әңг құлай» ійүли сифатыда табиий тарихни үрганиш тұгрыснда ёзған әди.¹

Доимо кишиларнинг бүндай қарашлари педагогик фикрнинг ривожланишига катта таъсир қылды. Табиат үқитишининг мазмуны ва методдарини үзгартыриш өхтиёжи аник сезилиб турарди. Бу даврда биринчи марта табиат воситалари билан тарбиялаш муаммолари күйилган әди.

(1825-1902) яшаган буюк олим профессор Андрей Николаевич Бекетов табиатни үрганишда тафаккур ва кузатувчанликни тарбиялаш хакида чукур мулохазаларини билдирған. А.Н.Бекетов «Гимназияларда табиий тарихни үқитишига тафаккурнинг индуктив методини тадбір килиш хакида»ғи мақолосасыда, машгулоттар үтказишида үкув материалларнинг жойлашишига кузатувчанликни ҳамда мустакил фикрлашни ривожлантирилишига бұлған фикрларни айтади «хайвон ва үсимликнинг ички ва ташки түзилишини тушунтирмай туриб органик йұналишларни асло идрек этиб бўлмайди. Чунки энди үкий бошлаган үкувчига органларнинг тузилишини уларнинг вазифалари билан бирга тушунтириш анча қулайдир». Бири иккинчисини ёритиб беради. К.А.Темирязев томонидан «Үсимликлар хаёти»да, сўнгра бошқа олимлар томонидан кўпгина ботаника дарслеклари амалга оширилди. А.Н.Бекетов методикасининг әңг мухимлари: Мустакил тафаккурни тарбиялаш, кузатувчанликни ривожлантирадиган мустакил ишларга раҳбарлық килиш, мактаб предмети структурасининг морфологияси, анатомияси ва физиологиясини синтезлайдиган үзига хос муаммоларни илгари сурди.

1804-1873 йилларда «Табиат методикаси»ни биринчи марта 40-йилларда Германияда үқитувчи Август Любен томонидан ёзилған. Ажойиб чех педагоги Я.А.Коменский (1592-1670) каби А.Любеннинг ҳам, табиатни үқитиш оддийдан мураккабга, маълумдан номаълумга, конкретдан мавхумга томон, яъни индуктив йўл билан борилиши керак, деб хисобланади.

Ўзининг методикасида үрганишда қуидагиларга:

¹ Н.М. Верзилин, В.М. Корсунская «Биология үқитишининг умумий методикаси» Т. Үқитувчи. 1983 йил.

ўсимлик шаклларининг турли-туманлигига; ана шу хилмахиллик негизида ётадиган бирликни билиб олишга; ўсимлик хаётини билишга; ўсимлик шаклларининг хаётини хилмахиллигини вужудга келтирадиган моддалар ва кучларни билишга алоҳида аҳамият беришни тавсия қиласди. Профессор А.Н.Бекетов Любеннинг табиат методикасини қизғин тарғиб қилди ва унинг дарслигини унга сўз боши ёзиб, таржима қилган, унда ўқитувчиларга қўйидагиларни тавсия этди; «Кимки бу китобнинг мазмунини гижжалаб ёдлашга болаларни мажбур қиласа, у болаларга ҳам, фан ва соғлом фикрга ҳам жиноят қилган бўлади. Номлар, терминлар, таъриф ва рецепсларни ёдлашга мажбур қилгандан кўра, ботаникани ва умуман табиатни ўқитмаган яхширок».

«Табиий тарих тақкослашларга асосланган бошқача айтганда, биз у ёки бу табиий ҳосиласи билан танишамиз, бунда уни бошқалари ва худди шунга ўхшашлари билан тақкослаймиз холос». Аммо бу фоят қимматли методик қоидалар, Любен дарсликларида баён этилган предметларнинг мазмунига мутлақо зид ҳолатда эди. Уларда ёлғиз систематика бўлиб, жуда ҳам кўп ўсимликлар морфологик белгилари тасвирлаб ўтилади. (136 та ўсимлиги тасвирланган эди).

А. Любеннинг методикаси рус методист-биологларини қониқтираси эди. Лекин унинг хажмдорлиги ўқитувчиларга оғирлик киласди. Мактаб ўқитувчилари табиий обьектлар устида иш олиб боришда қийналар эдилар. Ўша вақтда методика илгари вақтлардагига нисбатан бекиёс олга бир қадам силжиганда кўринар эди. Лекин «Любенчилар»нинг дарсликлари ва Любеннинг методи кўп ўтмай эътиrozга дуч кела бошлаган. Қимматли методик тавсиялар мундарижага мос келмай қолди, систематика бўйича бир хил морфологик материаллар тақкослаш олиб бориш ва энг муҳим бундай ўрганиш керакли биологик билимларни бермасди. Мазмун ва методлар ўртасидаги бундай зиддият яна мактаб табиат курсининг мазмунини фан ривожланишининг янги даражасига мувофиқлаштириш муаммосига қўйди.

Бу муаммони ҳал қилишда Александр Яковлевич Герднинг хизмати ҳам катта бўлди. (1841-1888) йилларда яшаб ўз асрлари туфайли табиат ўқитишининг илмий методикасини бошлаб берди. 1886 йили «Учитель» журналида ёш ўқитувчи А.Я.Герднинг

«Тасвирий табиат фанларини ўқитиш методи тўғрисида» маколаси чиқади. У ўқитишнинг мазмуни ҳозирги замон илмий даражасига мос тушиши ва илмий дунёқарашни тарбиялаши лозим, деб хисоблайди.

А.Я. Герд табииатни ўқитиш билан боғлиқ ҳолда тарбиялаш ва биринчи галда дунёқарашни тарбиялаш тўғрисида масала кўйилди. А.Я.Герд тафаккур мустақиллигини кузатувчанликни, билишга қизиқишининг тарбиялайдиган ўқитиш методини биринчи ўринга сурди.

А.Я. Герд умумий методика курсини ёзмади, лекин унинг барча асарлари дарвинча материалистик ғояларга асосланган мактабда, уйда, экспурсияларда тирик табиат объектларини бевосита ўрганиш йўли билан дунёқарашни ва мустақил иш кўнгималарини планли равишда ривожлантирувчи қатъий методик системани тузиш учун бой материал беради.

60-йилларда табиат предметининг (А.Я. Герд асарларида) мазмуни ва унинг баён этилиши тўғрисида проблема фақат методика жиҳатдангина эмас, балки илмий жиҳатдан ҳал қилинади. Олимлар табиатни объектларини ҳодисалар билан организм тузилиши ва функциясини муҳит билан боғлаб қандай ўрганиш зарурлигини кўрсатдилар. XX аср бошида ўша проблемаларни мазмуни, методларини ва тарбиялаш янгича ҳал даври бошланди. Россияда капитализм шиддат билан ривожланди. Саноат ва савдо корхоналарида хизмат қилиш учун ихтисосли кадрларга катта эктиёж сезилиб турарди. Математика, физика, химия, менерология, биологияни ва Европа тилларини яхши биладиган кишилар керак бўлиб қолди. 1894 йилга қонун Молия министрлигига ва сўнгра савдо ҳамда саноат министрлигига ўз ихтиёрида коммерсия билим юрти бўлишига рухсат берди ва янги мактаблар барпо қилинди. Уларнинг сони тез орада кўпайиб борди. Халқ маорифи министрлиги бошқа идораларга ва хусусий шахсларга қарашли мактаблар ишига кам аралашарди. Бу мактабларнинг ўз программалари, дарсликлари ва билим юртида ўқитишнинг илгор методлари бўларди.

XX асрнинг дастлабки ўн йиллигига ўқув предмети мазмунини танлаш ва талқин қилиш проблемалари ҳам ҳал қилина бошланди. Мазмун проблемаси дунёқарашни тарбиялаш проблемасини ўrtага қўйди. Фанда физиология мувоффиқият билан

ривожланди. Экология илми юзага келди. Методист табиатшунос олимлардан Валериан Викторович Половцев (1862-1919) «ўрта мактабда ўкув предметининг вазифалари» тўгрисидаги доклади¹ «Нима учун табиатни ўқитиш керак?» дейилган савол қўйилади ва унинг қўйидаги катта тарбиявий аҳамияти қўрсатиб берилди:

1. Ташки дунё ходисаларини тушуниш;
2. Ўз организмининг йўналишларини тушуниш;
3. Психик ривожланишимизни таказо қилувчи энг муҳим факторлар сифатида сезув органларининг ривожланиши;
4. Тафаккур методларини тартибга солиниши янада кенг ва умумий ривожланиш;
5. Ўкувчининг маънавий эҳтиёжлар доирасини кенгайтириш ва шу билан бирга унинг ахлоқий шахсини ривожлантириш;

Половцев илмий (материалистик) дунёкарашни тарбиялаш масаласини ўртага қўйди. XX аср рус табиатшунос олимлари Л.С.Севрук методист олим; Б.Е.Райков (1880-1966) И.И.Полянский ва бошқа олимлар табиат фанининг ривожланишига катта хисса қўшдилар.

Методиканинг тарихига оид тадқиқотларнинг профессор Б.Е. Райков олиб борди. Унинг В.Ф. Зуев, В.В. Половцев, А.Я. Герд, А.П. Павлов, И.И. Полянскийлар тўгрисидаги, монографияси шу методика олимларининг танланган асарлари «Табиатнинг умумий методикаси» (1947). Табиатшунослик маорифининг йўллари ва методлари (1960) номли китоб ва Дарвингача бўлган рус эволюционистлари тўгрисидаги бир қатор асарлар чоп этди. Табиат методикасида сўнги йилларда назарий муаммоларга биологик тушунчаларни ривожлантириш, ўқитиш методларини аниқлаш, ўкувчиларни идрок қилиш иш жараённида тарбиялаш муаммолари мансубдир.

Тушунчаларни ривожлантириш назариясининг асосланиши биология ўқитиш методикасида ғоят катта воқеа бўлди. Тушунчаларни ривожлантириш назарияси мактаб биология курсларидаги ўкув материалининг танланиши ва жойлаштиришига илмий замин қўйди ҳамда таълим ва тарбия методларини қайта кўриб чиқишига таъсир қўрсатди.

¹ Н.М. Верзилин, В.М. Корсунская «Биология ўқитишнинг умумий методикаси» Т-1983 йил.

Тушунчаларни ривожлантириш назарияси иккинчи муаммони, яъни методларининг мазмунига мос келиши масаласини хал киладиган ўзига хос калит вазифасини ушади. Бу муаммо бўйича олиб борилган тадқиқотлар методларини билимлар маңбаига, ўқитувчи ва ўқувчиларнинг фаолиятинига караб, бирликда белгилашга олиб келди².

Кўп сонли методларнинг учта-оғзаки кўргазмали ва амалий методлар группаларига бирлантирилиши уларнинг мазмунига мослаштириш ўқувчиларнинг ўкув фаолиятини планли равишда фаоллаштириб бориши имкониятни берди.

Учинчи муаммо-биология фанини ўқитиш жараёнида тарбия бериш хар қайси хусусий методикада ёритиб берилди. Бунда асосан материалистик дунёкарашни ҳамда фаннинг амалиёти билан боғланишини тушунтириш, тарбиялаш кўзда тутилди.

Тарбиянинг элементи сифатида ўқувчиларнинг мустакил тафаккурини ривожлантириши маҳсус тадқиқотлар натижасида алоҳида ёритилган. Шундай килиб, ўтган аср табиатшунос, биолог олимларини ўз қарашлари билан фаннинг ривожланишига салмоқли хисса қўшдилар, биология фанини ривожланишини уч асосий-элементларини мазмуни, методлари ва тарбия, кейинги йилларда, тушунчаларнинг, методларнинг ва тарбиянинг бирликда ривожланиш конуниятлари аникланди.

Юкорида биолог, табиатшунос олимларнинг фанда килган илмий назарий, амалий ишлари ва бу фаннинг ривожланиши дарслекларни мактаб ўқувчилари учун мўлжалланганлиги маҳсус табиатшунослик ривожланишига хам таъсир этди.

Ақли заиф ўқувчиларга таълим-тарбия беришда табиатшунослик фанининг роли

Нуксонли болаларга таълим-тарбия бериш революциядан кейин ривожланди. 1920 йилларда бир қанча сеъзд конференцияларда аномал болаларни ҳимоя килиш ва уларни текшириб таълим-тарбия бериш хакидаги низомлар чиқди. Москвада биринчи марта 1929 йил дефектология-тадқиқот

² Н.М. Верзилин, В.М. Корсунская «Биология ўқитишнинг умумий методикаси» Т-1983 йил.

институти (ИТИ) ташкил этилди. Психофизик-камчиликка эга бўлган болаларга таълим-тарбия ва уларни меҳнат қилишга тайёрлаш бўйича дастур ва таълим синовлари олиб тарбиялаш институти очилиб 1925 йилда бу институт 2-Москва давлат университети педагогика куллиётининг дефектология бўлимига айлантирилди. Бўлажак олигофренопедагог ёрдамчи мактаб ўқитувчиларига, табиатшунослик маҳсус методикаси ўқитилади. Бунда ёрдамчи мактабларнинг бошлангич синфларида жонли ва жонсиз табиат ҳакида элементар билимлар берилар эди.

Ёрдамчи мактабда бошқа фанларни ривожланиши билан табиатшунослик фани ҳам ривожлана борди. Бу фан орқали заиф ўқувчиларни мустакил меҳнатга ўргатиш яъни (ботаника дарслари орқали ўсимликлар парвариш қилиш, қишлоқ хўжаликда сабзавот, меваларни йиғиндисида катталарга ёрдам бериш орқали) зоология дарсларида ҳайвонларга бўлган муносабатлар шакллантирилди, одам ва унинг тузилиши фанини ўқитиш орқали ўз организмини тузилиши, соғлиқни сақлашдаги омиллар ҳакида тушунчаларга эга бўлиш учун ёрдамчи мактаб ўқитувчилари ўқувчилари билан коррекцион тарбиявий иш олиб борганлар.

Табиатшунос олим К.П. Ягодовский ва Я.А. Исаенко 1946 йилда ёрдамчи мактаблар учун табиатшунослик методикаси китобини нашр қилган. Олимлар ёрдамчи мактабда табиатшуносликни ўқитиша, уларни жисмоний-рухий камчиликларини хисобга олган ҳолда табиат ҳакида элементар билимлар беришда оддийдан мураккабга қараб таълим бериш, ва албатта ҳар бир ҳодиса ва нарсаларни ифодалашда кўргазмаликнинг роли, ўқитиш методларидан ўқитувчилари тўғри фойдаланиши кераклиги ҳакида ёзилган методик тавсия эди.

1957 йилда Я.А. Якушев ва Е.Я. Якушева «Ёрдамчи мактабда қишлоқ хўжалик таълимини ташкил этиш» китоби ва Н.М. Верзилин, В.М. Корсунскаянинг «Биология ўқитишнинг умумий методикаси» талабалар учун дарслик сифатида нашр қилинди.

Шунингдек оммавий мактаблар учун қўлланиладиган зоология ўқитувчилари учун м. 1967 йил Яхонтов А.А., В.Г. Мазуров геология асослари, З.Н. Исаин (1955й) ботаника В.А. Догель «Зоология» м. (1975) биологик табиатшунос олимларнинг дарсликлари ёрдамчи мактабларда ўқитилар эди.

Ёрдамчи мактаб учун п.ф.н. И.Д. Карцева таҳрири остида «Ёрдамчи мактабда табиатшунослик асослари ўқитиш методикаси» дастури 1977 йил Москва давлат педагогика институтининг «Олигофропедагогика» мутахасислиги талабалари учун чиқарилди. дастурда ватандош табиатшунос олимлар В.Ф. Зуев, А. Любен, Ч. Дарвин, А.Я. Герд ва XX аср методист олимларини биология, табиатшунослик фанини ривожланишида тутган ўрни ва асарлари хакида кисқача маълумотлар берилган.

Дастурда ёрдамчи мактабда табиатшуносликни ўқитишнинг коррекцион-таълимий ва коррекцион тарбиявий вазифалари хакида катта бўлим берилган бўлиб ақли заиф ўқувчиларга бошлангич синф 1-5 синфгacha жонсиз табиатдан бошлаб 6-8 синфгacha (ботаника ўсимликлар дунёси) зоология (ҳайвонот олами) ва «Одам тузилиши соғлиқни сақлаш» бобларигача коррекцион таълимий ва тарбиявий вазифаларни амалга ошириш бўйича методик тавсиялар берилган эди.

Саволлар.

1. Рус табиатшунослик ўқитиш методикаси қачондан бошланди?
2. Рус табиат тарихи кимларни номи билан ривожланди?
3. XIX аср табиатшунос олимлари уларни қилган ишлари?
4. XX аср бошидаги методист олимлар кимлар?

III БОБ. ЁРДАМЧИ МАКТАБДА ТАБИАТШУНОСЛИКНИ ЎҚИТИШНИНГ ТАЪЛИМИЙ АҲАМИЯТИ

Хар қандай фан бўйича таълим берувчи ўқитувчи ўз фактнинг устаси, чукур билимларга бой айниқса ҳозирги замон технологияси асосида дидактик ўйинлар, орқали таълим-тарбия берсагина, талабаларни ўқувчиларни ўз фанига нисбатан қизиқишини орттиради, шу фан бўйича қасб эгаси бўла олади.

Ёрдамчи мактаб ўқувчиларига табиатшунослик фанидан бериладиган таълим ўзига хос ҳусусиятларга эгадир. Бизга маълумки ёрдамчи мактаб турли хил континентга эга бўлган ўқувчиларни ташкил этади. Бундай ўқувчиларга таълим-тарбия берадиган ҳар бир фан ўқитувчиси, уларни дарсни тушуниш қобилияти, нутқи, идрок қилиш қобилияти тафаккурини қай даражада ривожланганигини олдиндан билиши ва шунга асосан дарсга тайёрланиб ўқувчилар ҳусусиятларига қараб якка (индувидиал) ва гуруҳли (фронтал) дарсни тушунтириши керак. Албатта ақли заифликни енгил формаси (дебил) болалар билимларини тезда ўзлаштирадилар, бундай болалар учун зерикиб қолмайдиган мураккаброк мавзу бўйича саволлар берилиши мақсадга мувофиқдир. Айрим табиатшунос ўқитувчилар яхши ўзлаштира олмайдиган (олигофрен) ақли заифликни ўрта формасидаги ўқувчилар билан, дарсни ўзида алоҳида иш олиб борадилар. Дарсда ўтирган дебил болалар тўполон қилиб ҳаммага халақит берадилар. Табиатшунослик фанидан бериладиган ҳар бир мавзулар ақли заиф ўқувчиларни психофизик камчиликларни ҳисобга олган ҳолда тузилган. Табиатшунослик фанларини ақли заиф ўқувчиларга ўқитиш орқали уларда табиатга бўлган мунособалари бошлангич синфдан то 8-синфгача ривожланниб мустаҳкамланиб боради. Улар (биология) ўсимликлар, ҳайвонот олами (зоология) фанларидан билим олишлари билан бирга ўқитувчи ўқувчиларга ўсимликларни хилма-ҳиллиги ёввойи ўсимликлар, маданий ўсимликлар, уларни парвариш қилиш ва фойдаланиш каби тушунчаларни беради. Ўқувчилар уйда ўстирадиган ўсимликларни тушуниб, мактаб ховлисида ўсишини кўрадилар, уларни синфдан ташқари машғулотларда парвариш

киладилар. Айрим ўсимликларни истеъмолда кўллаш кераклиги хакида мълумотга ёга бўладилар. Ўсимликларни дунёсидан ва хайвонот олами бобларидан таълим беришида акли заиф ўқувчиларни мактаб ер участкасида формаларда, кора молга караш, бокиши, ундан фойдаланиш усуллари ва далаларда иолиз оқинларини боғларда меваларни териб олинига кўникма ва малакалар хосил килиниади. Ёрдамчи мактаб ўқувчиларига табиатшунослик дарсларида таълим бериш билан уларни юкоридаги меҳнатнинг энг оддий турларига айникса ижтимоий фойдали меҳнатга ёрдамчи мактаб олдида турган энг асосий вазифа хисобланади. Акли заиф ўқувчиларга саккиз йиллик билим беришда, айникса табиатшунослик дарсларининг роли каттадир. Дарсда олган билим, кўникма ва малакаларни ўқувчилар кейинги хаётларида албатта кўллай оладилар.

Таълим беришида табиатшунослик ўқитувчи албатта хар бир дарсни кўргазма материиллар асосида олиб бориши ўқувчиларни идрок килиш, хотира, анализ синтез килиш кобилиятларини ривожланишига, кўргазма объект ўқувчи кўз ўнгидага узоқ сақланиб колиши кейинги мавзуни боғлаб ўргатишда асос бўлади. Шундай килиб, табиатшунослик фанидан билим кўникма малакалари, акли заиф ўқувчиларни хаётда ўз ўрниларини гопишда замин бўлади

ТАБИАТШУНОСЛИКНИ ЎҚИТИШНИНГ ТАРБИЯВИЙ АҲАМИЯТИ

Таълим тизмида ислоҳатлар ўтказиш ва педагогларни замон талабига жавоб берадиган қилиб тайёрлаш масалалари, уларни халқимизнинг, аждод-авлодларимизнинг табиатга бўлган мунособатлари ижод ва бунёдкорлик ишларни, ўтган мутаффакирларнинг тарихини яхши ўрганишлари ва ёш авлодга таълим-тарбия беришда уларнинг хизматларини ўрганиш энг долзарб тарбия воситаси хисобланади.

Ёрдамчи мактаб ўқувчиларига табиатшунослик дарсларида уларга фаннинг мазмуни ва ўрганиш методлари бўйича ўқувчиларда миллий кадриятларни тарбиялаш, жонли ва жонсиз табиатни севиб уни ардоклашига ўргатиш. Келажак авлодларнинг тафаккури, дунёкарашини, миллий ва умуминсоний кадриятлар асосида шакллантириб, уларнинг бунёдкорлик фаолиятини ошириш

мустакиллик пойдеворини мустаҳкамлашга ёрдам берадиган вазифаларни тарбиялаш лозим.

-Табиат инъом этган барча нарсаларни авайлашга кўпайтиришга қаратилган таълимни тарбиялаш.

-Табиатни пайдо бўлиши ва ўзгариб туришини диний йўл билан эмас, балкини фан тилида тушунтириш.

-Тафаккурнинг мустакиллиги ва билимга қизиқиши ривожлантиришни, бунингсиз билимнинг онгли бўлиши ҳамда ишончни ва оқибатда дунёкарошни шакллантириш мумкин эмас.

-Яшаб турган ўлка, маҳалла мактаб атрофидаги ўсимликларни, ҳайвонларни, жонсиз табиат борлиқларини авайлаб асрарш тарбиявий таъсирини ўтказиш.

-Назария билан амалиётини бирга олиб бориш ўқувчини касбга тайёрлаш.

-Ўқувчиларда меҳнат маданиятини ва билимини келажакда мустақил равища қўллай олиш ўқувчиларини;

-Табиат билан муносабатда бўлиш таъсирида гўзалликни хис қила билиш туйғуларини, шунга боғлиқ ҳолда Ватангга мухаббатни ўйғотиш кўнишка ва малакаларини тарбиялаш.

Тарбия планли равища муйян системада, билиш фаолиятига боғлиқ ҳолда, ўқув материалини мазмунни ва уни дидактик фаолиятлар билан ёритилишига уни ўқитишининг метод ва шаклларига қараб амалга оширилади. Бундай тарбияга бутун педагогик фаолиятнинг мақсадга йўналганиги билан эришилади. Ўқитувчи табиатшунослик ўқитиш процессида ҳар томонлама тарбиянинг барча бу имкониятларидан фойдаланиш мумкин. Бунда педагогик хисобга олиш ва ўқувчиларни билиш фаолиятларини хисобга олган ҳолда билим ва тарбия оддий усуулларда тушунарли қилиб ақли заиф ўқувчилар онгига етказилади.

Таълимга боғланган ҳолда тарбия ғоят мураккаб ва ўқувчиларни билиш ва ўзлаштириш фаолиятлари назарда тутиб иш кўришни талаб этади. У фақат озми-кўпми тарбиявий аҳамиятга эга бўлган ўқув материалининг мазмуни бўйича ўқувчиларга ахборот беришдан иборат бўлиши мумкин эмас. Тарбия тарбиявий характердаги билимни эсда қолдиришдангина эмас, балки билимларни ишончга айлантиришдан хам иборатдир. Бу ишонч оқибатида системани, дунёкарошни шакллантириш керак. Бундай тарбия ишонч ўқувчиларни, одамларни ўраб олган дунёга бўлган

мунособатда, одатларда, иш килишда, хулк-атворида намоён бўлади.

Тарбия дарсларда чегаралашган тарзда олиб борилади, хақиқатда эса тарбия факат дарсларда эмас балки, ўкувчилар билан режа асосида олиб бориладиган ўкув ишларини барча шаклларида (экскурсияларда дарсдан ва синфдан ташкари машғулотларда) муайян системани талаб қиласди.

ТАРБИЯ ЭЛЕМЕНТЛАРИНИНГ ЎЗАРО БОГЛANIШI

Ўкувчиларни тарбиялаш мустакил тафаккурини ва ўраб олган дунёга тўғри мунособатда бўлишни ривожлантириш билан чамбарчас боғлиқдир;

-тафаккурни тарбиялаш-мехнатда ва хаётда билишни тадбик килиш билан боғлиқдир;

-мехнат маданиятини тарбиялаш билимдан фойдаланиш ва эстетика билан боғлик;

-эстетик тарбия идрок қилиш ва этика билан, табиат, турмуш ва мехнатта таъсири мунособатда бўлиш билан боғлик;

-этик (ахлоқий) тарбия-дунёқарашиб, идрок қилиш ва колективдаги табиатдаги, оиласиди меҳнат билан боғлиқ.

Ҳар бир элемент бир бутун барча тарбия, идрок қилиш ва ўкувчиларнинг фаолияти билан боғлиқдир. Тарбиянинг барча элементларининг бундай ўзаро боғланиши унинг мувоффакиятини таъминлайди.

Ҳар бир тарбиявий элементда ҳар қайси билим манбаидан (ўқитувчининг сўзи, техник воситалар, янги педагогик технологияидан фойдаланиш табиат ходисалари, табиат ҳайвонлари хақидаги эртак китоблар)дан олинган идрокий материалларни мазмуни ҳам, идрок қилиш методи (кузатиш, тажрибанинг мустакиллик ва мураккаблик даражаси) ҳам, идрокни ташкил қилиш шакли (дарс, экскурсия, уй иши ёки дарсдан ташкари иш) ҳам роль ўйнайди. Тарбиянинг ҳар қайси элементи тушунчалар, методлар ва методик услублар системаси воситасида амалга оширилади. Ҳар қандай тарбиявий вазифанинг ўкувчилар томонидан нечоғли мустахкам ва онгли равишда ўзлаштирилганлигига боғлиқдир. Билимларни эгаллаш ўкувчиларнинг атроф-дунёга муносабатиларининг пайдо бўлиши, айниқса ақли заиф ўкувчиларнинг теварак-атрофни табиат

ходисаларини аста-секинлик билан тасаввур қилиш ва табиатга боғланиб ишлаши характерли хусусиятларидан биридир.


Ёрдамчи мактабда таълимнинг тарбияловчи характерида бўлиши акли заиф болаларга билим бериш билан бирга асосий эътибор уларда шахсий сифатларини шакилланитиршга қаратилади. Ёрдамчи мактаб ўкувчилари Республикаизнинг турли жойларида кишлоқ хўжалик, фермаларида полиз боғ хўжалик ишларида bemalol мактабни битирганларидан сўнг мустақил ишлаб кета олишлари учун хизмат килади ва замин тайёрлайди. Ёрдамчи мактаб табиатшунослик дарсларида ва меҳнат дарсларида меҳнатнинг энг оддий турларини эгаллашга кўникма ва малакалар хосил қилинади.

Юқоридаги тарбия элементларини ўзаро боғланишида ақли заиф ўкувчиларнинг билиш фаолияти коррекцияланади. Бу тарбияни ўкувчиларни мустақил равишда табиатга бўлган муносабатларида кўришимиз мумкин.

Дунёқараашни тарбиялаш

Ёрдамчи мактабда ўқитиладиган ҳар бир фан, ўкувчиларни маълум доирадаги элементар билим, ўкув ва кўникмалар бериш билан бирга ёш авлодни илмий дунёқараашини хам тарбиялайди.

Бундай дунёқарааш кишиларда илмий тасаввур ва тушунчалар системасини шакллантиради, бу система кишини ўраб олган дунёга муносабати ва жамоадаги хамда жамиятдаги хулқ авторини белгилайди. Одамнинг фақат табиат ва жамият тўғрисидаги фан ва амалиёт асослаган билимлари изчил ва таъсирили бўлади, чунки улар диний таассуб ва иримлар, диний қарааш ва ҳаракатлар билан муросасизdir. Ҳар қандай дунёқараашнинг мағзини фалсафий қарааш ташкил қиласди. Табиат қонуниятларини тушунтирувчи дунёқараашнинг фалсафий асоси диалектик-материализм: табиат ҳодисаларини билишининг диалектик методи ва уларни материалистик тушунтиришdir.



1-жадвал. Табиатшуносликни ўқигишда тарбия олеметларининг ўзаро боғланиши жадвали.

Табиатни идрок қилишининг диалектик методи ва ҳар бир организмига қарама-карни процессларнинг ўзаро таъсири натижасида абадий деб қарайди. Идрок қилишининг диалектик методи хусусиятларига кўра мактабда табиатшунослик дарсларида ўрганиладиган тирик табиатнинг ҳар бир ҳодисасига бошка ҳодисалар билан ажралмас боғланишда, оддийдан мураккабга, пастдан-юкорига томон, хаётий процессларнинг зиддиятили характеристерини очиб бериш билан ривожланишда ҳаракатдан деб каралади.

Табиатшунослик ўқитувчи ўкув материалини ташлашда ва уларни ўқувчиларга содда килиб тушуниришда диалектик-материализмни асосий қойдаларига эътибор берib фактлар мисоллар оркали тушунириши керак. Ўқитувчи ёрдамчи мактаб дастури асосида билимларни бериш методларинигина эмас, балки дунёкарапини тарбиялаш системасини ташкил қилишни хам белгилайди. Бу билан бутун педагогик жараёнда тарбияловчи таълим принципи амалга оширилади.

И.М. Верзилин В.М Корсунская «Биология ўқитишининг умумий методикаси» Т. 1983 й.

Ақли заиф ўқувчиларга экологик таълим-тарбия беришнинг коррекцион аҳамияти

Ақли заиф ўқувчиларга жонли ва жонсиз табиат хақида билимлар берилар экан, албатта тирик организмларнинг яшаш шароити, уларнинг ўзи яшаб турган мұхит билан ўзаро мураккаб муносабати асосида вужудға келадиган қонуниятларни ўрганадилар.

Экология-юнонча сўз бўлиб, унинг маъноси тирик организмларнинг яшаш шароити ёки ташки мұхит билан ўзаро муносабатини билдиради.

Ёрдамчи мактаб табиатшунослик фанини ўрганишда ақли заиф ўқувчиларга; Ўсимликлар экологияси (6 синф); Ҳайвонот олами экологияси (7 синф); бўлимларида ўсимликларни морфологик, анатомик, физиологик, экологик, огротехник хусусиятлари ва ҳайвонот оламидаги ҳайвонларни юкоридаги тушунчаларга яна қўшимча зоотехник, санитар-гиgiene коидаларига амал қилиш қонун коидаларини ўрганишдан иборатdir.

Жонсиз табиат бўлимларини ўзлаштиришда эса тупроқ махсулдорлигини ошириш борасида менерал ўғитлардан фойдаланиш, тупроқ масулдорлигини оширш мақсадида баъзи экинларнинг жойлашиш структурасини ўзгартириб туриш кераклигини аҳамияти ўрганилади.

Экологик таълим-тарбия ақли заиф ўқувчиларга дарс мобайнида, синфдан ташқари ишларда олиб бориш мақсадга мувофиқдир.

Экологик таълим-тарбия қуидаги асосий бўлимларни ўз ичига олади.

1. Ақли заиф ўқувчиларни табиат гўзалликларини севиш, улардан эстетик завқ олиш руҳида тарбиялаш.

2. Жонли ва жонсиз табиатнинг ривожлиш қонуниятлари, табиат билан жамият ўртасидаги мураккаб ўзаро муносабатлар шунингдек, инсон хўжалик фаолиятининг табиатга таъсири оқибатлари хақида билим бериш.

3. Ақли заиф ўқувчиларда экологик маданиятни тарбиялаш севиш, ундан тўғри фойдалана олишни тарбиялаш, экологик тарбия ва маданиятнинг асоси бўлиб, кишиларда табиат олдида

маъсулиятни англаш малакасини хосил килади. Ватанни севиш ватанпарварлик табиатни севишдан бошланади. Бинобарин ўқувчиларда табиатга нисбатан хақикий мухаббат туйгусини хосил килмай туриб, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш мумкин эмас.

Инсон табиат кучогида бўлиши уни руҳан тетиклаштириб унинг меҳнат қобилиятини ва фаолиятини оширади.

Экологик тарбия қўйидаги масалаларни ўз ичига олади:

а) Кишиларга маҳсус экологик билим ва тарбия бериб, уларда бу соҳада муайян малака хосил қилиш.

б) Экологик ўзгаришларни олдиндан кўра билишни тарбиялаш.

в) Экологик маданиятни сингдириш ва тарбиялаш.

г) Кишиларни табиат «Инъомлари»дан тўғри фойдаланиш руҳида тарбиялаш.

Табиатнинг нормал ҳолати учун фуқоролик манфаатини тўла англаш-экологик таълим ва тарбиянинг ифодасидир.

Табиатни муҳофаза қилиш ва экологик тарбия масаласи педагогика ва психология масалаларининг энг муҳим таркибий қисмидир.

Ақли заиф ўқувчиларга табиат қонунларига тўла риоя этиш тўғрисида, бу соҳада Ватан ҳалқ, давлат ва келажак авлод олдиаги бурч туйгуси хосил этилмаса, уларда тўла экологик онг ва тафаккур хосил бўлмайди.

Экологик тарбия-ахлоқий тарбиянинг ажралмас қисмидир. Кишиларда экологик онг ва тафаккурни экологик дунёқарашни хосил қилиш табиатни дилектик тушинишга ёрдам беради. Ҳамма босқичларда таълим—тарбиянинг талаб этилган даражада амалга ошириш учун бу вазифанинг муҳимлигини ва масъулиятини яхши билган ёшларни тайёрлаш зарур. Бу қўйидаги билимларни беришда эмалга ошади.

Экологик онг ва тафаккурга эга бўлган ҳар бир киши ўз меҳнат фаолиятида табиатга таъсир этиш қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлигини олдиндан кўриб, онгли равишда иш тутади. Табиатнинг ривожланиш қонуниятларини билмаслик, экология билимларидан бехабарлик гўё табиатда «ўз-ўзидан борадиган» экологик мувозанатнинг мавжудлиги, қандайдир «ёпиқ экологик тизим»нинг борлиги, табиатнинг кайтадан тикланишига

аралашмаслик тұғрисидаги тамоман заарли фикрларнинг туғилишига сабаб бўлади.

Ўқувчиларга ҳадислардан мисоллар келтириб тарбиявий таъсир этиш мумкин.

Халқимиз қадимдан баданнинг қуввати овкат, ақлнинг қуввати – ҳикматли сўзdir, деб уқтириб келган. Ҳадислар ана шундай ҳикматли сўзлар, донишмандлик дурдоналари ҳисобланзди.

Ҳадис бандлари экологик таълим ва тарбияни сингдиришга катта ёрдам беради. Уларда айрим ўсимлик ва ҳайвонларнинг хосиятлари, озуқа занжира ида тутган ўрни, шунингдек, инсон ҳўжалик фаолиятидаги аҳамияти каби томонлари баён этилгандир. Ҳадисларнинг айрим бандлари инсонни табиат бойликларини тежаб-тергаш ва уни муҳофаза килишга ўргатади. Чунончи ҳадисларда кўй бок, зеро айни баракадур дейилади. Бу ерда фойдали ҳайвонларнинг популяциясини кўпайтириш ва ундан турли мақсадларда фойдаланиш мумкинлиги эътиборга олинган.

Ақли заиф ўқувчиларни экологик билимлар билан қанчалик танишлигини аниқлаш учун ўқитувчи V-VII-VIII-синф ўқувчиларига саволномалар тузиб улардаги экологик тушунчаларни аниқлаши мумкин.

- атроф муҳитни соғ ҳолда сақлаб соглом бўлишни истасангиз нима қилиш керак?

- нима учун сув ҳаёт манбаи, уни қандай пайдо бўлганлигини билишни истайсизми?

- уйда, мактабда ва корхоналарда қанча микдорда тахминан сув сарф бўлади?

- Орол денгизи бугунги кунда қандай аҳволда?

- Сувни тежашга, ифлосланмаслигига қаерларда ёрдам берасиз?

- Ифлос сувлар тирик организмга қандай таъсир этиши мумкин?

Ақли заиф ўқувчиларда экологияга оид ҳадис саволлар уларни табиатга бўлган муносабатини тарбиялади.

Саволлар

1. Экологик таълим нима?

2. Экологик тарбия нима?

3. Ақли заиф ўқувчиларга экологик таълим-тарбия беришининг аҳамияти нимадан иборат?

IV БОБ. ЁРДАМЧИ МАКТАБДА ТАБИАТШУНОСЛИКНИ ЎҚИТИШНИНГ КОРРЕКЦИОН ТАЪЛИМИЙ ВА КОРРЕКЦИОН ТАРБИЯВИЙ ВАЗИФАЛАРИ

Ёрдамчи мактабда ақли заиф ўқувчиларга табиатшунослик фанини ўқитишдан максад, уларда кузатиладиган психофизик камчиликларни бартараф этишга, билиш фаолиятидаги –идрок, хотира, тафаккур, нутқ малакаларини ривожлантириш орқали (коррекцион) тўгрилаш ишлари амалга оширилади.

Педагогик коррекцион таълимий ва тарбиявий ишларни ташкил қилинда ақли заиф ўқувчиларни билиш фаолияти билан барча таълимий ишлар, малакалар, эмоционал иродавий мухит жисмоний камчиликлар ҳам бартараф этилади. Ақли заиф ўқувчиларни гўзалликни хис килиши, Ох! табиат бунча гўзal! Бу гуллар бунча чиройли! каби хис-хаяжон сўзларни айтиш, уларда гўзалликка қизиқиб қарашга кўникма уйғотиш орқали амалга оширилади.

Коррекция сўзи-тузатиш, яхшилаш, тўгрилаш демакдир.

Жисмоний ва руҳий тараккиётдаги камчилик, нуксонларни педагогик усул ва чора-тадбирлар ёрдамида қисман ёки билдиrmайдиган ҳолатга келтириш демакдир.

Коррекциянинг аниқ максади, вазифалари ва усуллари ўқувчининг индивидуал хусусиятлари ва тараккиётдаги камчиликларига караб белгиланади. Коррекцион-тузатиш масалалари маҳсус педагогиканинг турли соҳаларида ўрганилади. Коррекцион вазифалар, айникса, табиатшунослик, нутқ ўстириш, она-тили, ўкиш ва бошқа дарсларда амалга оширилади.

Бошлангич синф ўқувчиларига табиат хақидаги оддий тушунчалар жонсиз ва жонли табиат кўринишларини тушунтириш орқали, мас: Мустақиллик байрами қачон нишонланади? Сентябрь кайси фасл? Куз фаслида табиатда қандай ўзгаришлар кузатилади? Каби саводлар ўқувчиларга тушунарли содда тилда баён этилиши керак. Жавоб бера олмаган ўқувчиларга ўқитувчи об-хавони, кузда қандай бўлишини, дарахтлар барги сарғая бошлишини, мева ва полиз экинларини гарк пишганлигини, далаларда ишларни қизғин бориши, пахта терими, bog далаларда пишадиган мева ва полиз

экинларини фарқини ўқувчиларга тушунтириб сўраш. Табиат ҳақидаги билимларни уларни онгига сингдириш орқали ақли заиф ўқувчилар билим фаолияти (идрок, тасаввур, тафаккур, нутқ) коррекционланади. Ўқувчиларга бериладиган табиат ҳақидаги билимлар, содда, оддийдан мураккабга қараб бориши керак.

Бошлангич синфдан бошлаб табиатга бўлган, гўзалликни хис этувчи эмоционал ҳолатлар таркиб топтирилади. Ўқувчилар нутқи теварак-атроф билан таништириш орқали ривожлантирилади. Дастреб ўқувчиларга табиатшунослик фани нимани ўргатишини, табиат деб нимага айтилиши, сув, ер осмон, фойдали қазилмалар табиат эканлиги ҳақида оддий сўзлар орқали тушунчалар билан тушунтириш, бу тушунтиришлар хар доим янги мавзулар билан боғлаб қайта такрорлаш орқалигина ўқувчилар хотирасида қолади. Ақли заиф ўқувчилар хотираси, идроки билиш фаолияти инерт-ўзгарувчан, мустахкам эмас, шунинг учун улар янги ўрганган мавзуни тезда эсдан чиқарадилар. Ўқитувчи бу кийинчиликларни доимо ҳисобга олиши ўқувчи учун қийин, мавхум сўзларни, саволларни бермаслиги керак. Қандай нарсалар тирик табиатни ва қандай нарсалар жонсиз табиатни ташкил қилишини, табиат инсон хаёти учун қандай аҳамиятга эга эканлиги ҳақида тасаввур хосил қилиш ва ўрганиш малакаларини хосил қилдирилади. Дарсда ўқувчиларга табиат ҳақида унинг жонли ва жонсиз табиатга бўлиниши ҳақида бир бутун дастребки тасаввурлар хосил қилинади.

Ақли заиф ўқувчиларга табиат ҳақидаги билимларни бериш фақат кўргазма материаллар асосида бўлади. Бундай билимлар ўқувчиларни мактаб атрофдаги табиатга ташкилий чиқиш, ўз кўзлари билан табиатни кузатиш, ундаги ўзгаришлар моҳиятини ўрганиш кабиларни ўқитувчи ташаббуси орқали амалга оширилади.

а) Табиат, унинг тарбиявий қисмлари: тирик ва жонсиз табиат ҳақида сухбат ўтказиш.

б) Табиатнинг ва уни муҳофаза қилишнинг кишилар хаёти учун аҳамияти ҳақида сухбат ўтказиши ва хокозалар ҳақида гапириб сўнгра, ўқувчилардан сўраши керак.

Ўқувчиларнинг нутқи, тафаккури, идрок қилиш қобилиятиларини ривожлантириш мақсадида ўқитувчи табиатшунослик дарсини табиатда, мактаб участкасида, паркда, далада, боғда ўтказиши мақсадга мувофиқдир.

Чунки акли заиф ўқувчилар бир шароитда (мас. синфда ўрганган табиат ҳақидаги билимларни) иккинчи шароитда сўралгандা, олдин олган билимларни таққослаб тушунтириб бера олмайдилар. Уларда тез эсдан чикиш холатлари учраб турди. Шунинг учун табиатшунослик ўқитувчи дарсни турли жойларда ўтказиб, турмуш шароити билан боғлаши зарурдир.

Ўқитувчи табиатни кузатиш орқали болалар зътиборини теварак-атрофдаги табиат предметларига қаратади, уларнинг номларини айтиш, бу предметларни қайсилари жонсиз табиатга, қайсилари тирик табиатга киришини бирма-бир айтиб, сўнгра ўқувчилардан сўралади. Ўқувчиларни табиатшуносликка доир аниқ таърифлар беришга ўргатиладиган дастлабки ишлар ана шундай бошланади, табиатшуносликка оид аниқ таърифлар эса ўқувчиларда табиат ҳақида тушунчалар хосил қилишга ёрдам беради.

Бундан ташқари, тирик ва жонсиз табиат предметларни группаларга ажратиш кичик ёшдаги ўқувчиларнинг табиат обьектларини классификациялай олишга малака хосил қилинади. Шундан сўнг ўқитувчи ўқувчиларга тирик ва жонсиз табиат предметлари ўзаро чамбарчас боғланганлигини, бир-бирига боғлиқ эканлигини, ўсимликлар сувсиз, қўёш иссиғисиз ва нурсиз яшай олмаслигини тушунтириб беради. Ҳайвонлар ва ўсимликлар, сув, ҳаво, қуёш, ҳарорати бўлмаса яшай олмайди. Демак, тирик ва жонсиз табиат предметлари бир бутунликни-табиатни ташкил этади, деган тушунча.

Бўлажак олигофренопедагог акли заиф ўқувчилар билан табиатшунослик дарсида коррекцион тўғирлаш ишларини олиб бориш учун ҳар бир табиатшунослик дарсларида ўтиладиган мавзу асосида ўқитиш методи ва методик усул, услубиётлардан тўғри фойдаланиш керак. Дарс самарадорлигини ошириш ўқувчиларни эсада саклаб колиш қобилияtlарини тўғирлаш мақсадида дидактикага асос солиши, замонавий янги педагогик технологиялардан фойдаланиш акли заиф ўқувчиларни табиатга, дарсга бўлган қизиқишини ортиради. Акли заиф ўқувчиларига бериладиган саволлар аниқ, кўрган, эшитган обьект бўйича ёки шу обьектни кўрсата туриб яна савол бериб унинг идроки тафаккури аниқланади ва барча билиш фаолиятларини коррециялаш ишлари олиб борилади.

Топшириқ ва саволлар

1. Коррекция нима? Қачон ва қандай йўллар орқали амалга оширилади?
2. Коррекцион ишларни яхши йўлга қўйиш учун қандай вазифаларни амалга ошириш мумкин?

Ёрдамчи мактабда табиатшуносликни ўқитишининг вазифалари:

1. Жонли ва жонсиз табиат, яъни сув, хаво, фойдали казилмалар, тупрок, шунингдек, ўсимликлар, хайвонлар ва одам организмининг тузилиши ҳамда хаёти ҳақидаги билимларни ўқувчиларга етказиш.
2. Табиат ҳодисалари (ёмгир, қор, шамол, фасллар, ўсимликлар) ҳақидаги тушунчаларни ўқувчилар онгида ҳосил қилиш.
3. Табиатга нисбатан эҳтиёткорона мунособатда бўлиш, табиатни севиш уни ардоклаш, парвариш қилиш каби ахлокий-гўззаликни хис қила олиш хислатларини тарбиялаш.
4. Ўқувчиларни тирик табиат бурчагида боқилаётган ҳайвон ва ўсимликларни парвариш қилиш каби меҳнатни энг оддий турларини бажаришда дастлабки малакаларни ҳосил қилиш.
5. Соғликни саклаш ва мустахкамлаш ҳақида тушунчалар ҳосил қилиш.
6. Уй, яшац, жой табиат-экологияси ҳақидаги билимларни тушунтиришдан иборат.

Ёрдамчи мактабда табиатшунослик предметини ўқитиш, ақли заиф ўқувчиларнинг ақлий қобилияtlарини ривожлантиришга қаратилмоғи лозим. Тирик ва жонсиз табиат билан танишириш жараёнида ўқувчиларда кузатувчанлик, нутқ ва фикрлаш қобилияtlарини ривожлантириш, уларни сабаб-оқибат муносабатлар ва ўзаро боғлиқликни белгилашнинг энг оддий усулларини ўргатиш лозим. Ҳар бир предмет бўйича ўтилаётган мавзулар, машгулотлар ўтиш учун тегишли жиҳозларга, кўргазмали қуролларга эга бўлиши керак. Ўқув машгулотлари маҳсус жиҳозланган табиатшунослик хоналарида олиб борилиши керак. Юкоридаги вазифаларни хал этиш дарсда, дарсдан ташкари

ишиларда амалга оширилади. Шу тарика акли заиф ўкувчиларни келажакда касб танлаб, ишлашларига замин тайёрланади.

В БОБ. ЁРДАМЧИ МАКТАБ ТАБИАТШУНОСЛИК КУРСИНИНГ МАЗМУНИ, ТАМОЙИЛИ ВА ТИЗИМИ

Ўқув материалининг системалилиги ва изчилиги

Ҳозирги замон табиатшунослигини ўқитиш методикасида ўкувчиларга бериладиган янги таълим мазмуни дарсда янги педагогик технологиядан фойдаланган холда дарс ўтишидир. Истиклол яратган имкониятлар туфайли таълим-тарбия тизимини тубдан ислоҳ килиш, давр талабларига мос келадиган ўқув дастурлари, дарслеклар яратиш узлуксиз таълим тизимини ишлаб чиқиши шу куннинг мухим вазифаларидандир. Ақли заиф ўкувчилар ёрдамчи мактаб табиатшунослик фанларини ўзлаштиришдаги билим, кўникма, малакаларни эгаллашларида янгича ўқитиш усуллари, янги педагогик технологияни устувор методларини қўллаш, дидиактик усуллардан фойдаланиш таълим самарадорлигини оширади. Ҳар бир фан ўз мазмунига эга бўлганлиги каби ёрдамчи мактабда табиатшуносликни ўқитишида дастлабки табиат хакидаги билимлар ўкиш дарсларида, она тили, расм дарсларида, теварак-атроф билан таништириш «нутқ ўстириш» жонли ва жонсиз табиат билан таништириш орқали ўкувчиларни идрок килиш, нутқ ўстириш, тафаккурни ривожлантириш каби табиат хакидаги билим кўникма ва малакаларни хосил килиш вазифалари амалга оширилади.

Табиатшунослик фани, биология, олигофренопедагогика, махсус педагогика, география, нутқ ўстириш фанлари билан боғлиқдир. Ақли заиф ўкувчиларни бошлангич синфларда олган билимлари юкори синфларда кенгая боради. Бошлангич синфдан бошлаб табиат хакидаги билимларни эгаллашлари натижасида акли заиф ўкувчилар билиш фаолиятидаги психик фаолиятлар: нутқ, идрок, тасаввур, тафаккур, такқослаш каби камчиликлар тўғриланади (коррекцияланади). Табиатшунослик фани ўз таркибига қуйидаги бир нечта бўлимларни олади.

-Жонсиз табиат 5-синф; (34 соат)

- Үсімликлар (ботаника) 6-синф; (58 соат)
- Хайвонлар (зоология) 7-синф; (68 соат)
- Одам (человек) 8-синф; (68 соат).

Мазкур дастур асосида тузилған үқув методик күлланмада ҳар бир бўлимни моҳияти системали маълум изчиллиқда фанларни жойлашуви кўрсатилган. Жонсиз табиат тўғрисидаги бошлангич билимлар асосида VI-синфда ўтиладиган үсімликлар (ботаника) дастури, дарслиги тузилди; Хайвонларни ўрганишдан олдин, үсімликларни ўрганишда яъни ҳайвонлар хаётининг кўп жихатдан, үсімликларга бодлиқлиги, үқувчилар учун ҳайвон организмининг хаётий жараёнларини, айниқса ҳайвонларнинг хулқ-атворини тушуниш үсімликлар хаётига нисбатан қийин эканлиги назарда тутилади. 7-синфда ҳайвонларни ўрганилиши үқувчиларни ундан кейинги 8-синфда ўтиладиган одам анатомияси физиологияси ва согликни саклаш ва хаётий фаолиятларни меҳнат ва ижтимоий мухитга боғлиқ ҳолда сифатан ўзига хослигини таққослаш йўли билан яхшироқ ўзлаштириб олишига ёрдам беради. Бошқа предметлар каби табиатшунослик предмети учун ҳам материални; фактлар; тушунчалар қонунларни танлаб олиниши билан фарқ қилинали. Ёрдамчи мактаб табиатшунослик фанининг мазмунни материалнинг илмийлиги ва уни үқувчилар учун тушунарли бўлишининг бирлиги билан белгиланади. Мактаб табиатшунослик фанининг мазмунни шу тарихий даврдаги фаннинг ривожланиши даражасига мос келишини кўзда тутади. Шунингдек бериладиган табиатшунослик бўйича билимлар ақли заиф үқувчиларни билиш фаолиятига мос равишда унга ўзлаштира оладиган қилиб тузилгандир.

Мустақилликгача бўлган даврда дефектолог талабаларга ва ёрдамчи мактаб үқувчиларига собиқ Россияда чиқарилган адабиётлардан фойдаланар эди. Ундаги ва фандаги табиатшунос олимларни Россия ўлкалари табиати хақида үсімлик, ҳайвонлари, жонсиз табиати хақида билимларни үқувчилар ўрганаар эдилар. Бу билимлар улар учун мавхум тушунарсиз бўлар эди. Мас. Уй ҳайвонлар, үсімликларда айниқса айрим ҳайвонлари, үсімликлар номини билишга мажбур қилинار эди.

Мустақиллик шароғати ва истиқлол яратган имкониятлар туфайли таълим-тарбия тизимини тубдан ислоҳ қилиш, давр талабига мос келадиган үқув дастурлари, дарсликлар яратиш,

узлуксиз таълим тизимини ишлаб чикиш шу куннинг мухим вазифаларидандир. Ҳозир биз тафаккурга, фикр мусобакасига эхтиёж хар қачонгидан хам кучайган бир даврда яшамоқдамиз. Бинобарин ёшлар онги ва тафаккурида кескин бурилиш ясаш орқали мамлакат интеллектуал салоҳиятини янада юксалтириш миллий тикланиш гоясини изчиллик билан амалга ошириш каби мураккаб вазифаларни бажариш, инсонлар онгидаги йиллар давомида шаклланган фикрлашни, тушунчани тезгина ўзгартириш осон иш эмас. Бунинг учун Республикаиздаги таълим-тарбия тизимиға алоҳида эътибор қаратилиши таълимни хақиқий тӯла, равшан ва мустахкам, талаба ва ўқувчиларга тушунарли ва бу тушунчаларни таълимнинг турли усул ва услубиятлари орқали улар онгига етказиш, янги замонавий педагогик технологиялардан фойдаланган холда дарс ўтиш, дарслерлар, ўқувчи учун тушунарли система асосида тузилган бўлишини, таъминлаш зарур.

Ёрдамчи мактаб ўқувчиларига ўтиладиган табиатшунослик дарси оммавий мактаб табиатшунослик фанини ўқитишидан ўзининг вазифалари жихатдан фарқ қиласди. Ёрдамчи мактабда таълим 8 йиллик бўлиб, асосан ақли заиф ўқувчиларни табиатшуносликдан бериладиган билимларни ўзлаштира олиш қобилиятларига қараб оммавий мактаб табиатшунослик предметларидан соддалаштириб олинган. Ёрдамчи мактаб табиатшуносликига доир илмий ахборотлардан мактаб предмети учун таълим-тарбияяга оид энг кимматли ўқув материали танлаб олинади. Бунда предметнинг методикада белгиланган типик организмларнинг тузилишлари ва функцияларини организм мухитнинг табиий ходисаларнинг сабаблари ва ўсимликларнинг ривожланишини, хайвон ва одам организмини ўзаро боғланишларини синтез килувчи шакл структурасини, уларнинг хаёти, ривожланиши фойдали томонларини тушуниришлари кўзда тутилган, табиатшунослик фани турли соҳаларнинг қисқартирилган баёни эмас, балки уларнинг методик жихатдан танланган системага солинган ва қайта ишланган элементларидан биридир.

Табиатшунослик курсининг изчиллиги ақли заиф ўқувчиларнинг ёши, билиш фаолияти, материални ўзлаштириш қобилиятига қараб ўқув материалининг тушунарли, содда бўлиши ва мазмунидаги зарур боғлиқлик билан белгиланади.

V-VIII синфдаги табиатшунослик бўлимларини ўрганишдан олдин I-IV синфгача «Нутқ ўстириш», «Предмет дарси», «Теварак атроф билан таништириш» орқали сув, хаво, мавсумий ўзгаришлар, кишилар меҳнати, табиат ходисалари каби тушунчалар бериб, табиат хақида оддий тушунчаларга эга бўлган малакалар хосил килинади. Бу билимлар синфдан-синфга ўтганда V-синфда «жонсиз табиат», VI-синфда ўсимликлар, VII-синфда хайвонлар, VIII-синфда одам курсларини ўрганишда мураккаблашиб, кенгайиб боради.

Табиатшунослик дарсларида материални онгли ўзлаштириш, уларнинг ёши, фикрлаш доирасига қараб ўкув материалининг тушунарли бўлиши мазмунидаги зарур боғликлек билан белгиланади. Табиат хақидаги билимларни ўзлаштиришда ақли заиф ўқувчилар бир катор кийинчиликларга дуч келадилар. Бу кийинчиликлар: ўкув материалининг тушунарли бўлиши учун хар бир ўқувчи билан якка (индивидуал) ёндашиш таълимнинг барча босқичларида мас. уй вазифасини бажариш; янги мавзуни мустахкамлашда, савол-жавобда, мустақил вазифаларни бажаришда, мунтазам равишда олиб борилади. (ёрдамчи мактаб табиатшунослик ўқитувчиси ақли заиф ўқувчини билиш фаолиятида янги мавзу бўйича элементар тушунча хосил қила олиши керак). Ёрдамчи мактабларнинг синфларида таълим-тарбия олувчилар юқорида айтиб ўтилгандек, тайёргарлик даражаси бир хил бўлмаган, ўзлаштириши турлича, ҳам паст бўлган ўқувчилардан ташкил топган. Ўқитувчи анъянавий ташкил этилган таълим шароитида хаммага бир хилда вазифа, баробар билим бера олмайди. Шунинг учун дарс якунида уй вазифа, топшириклар, ўртача даражадаги ўрта ўзлаштирувчи, паст ўзлаштирувчи, паст даражали ўзлаштирувчиларга мос равишда олиб боришга мажбур бўлади. Ақли заиф бола дастлаб мактабга келганда нутқи ҳам камбағал бўлади. 2-3 та сўзларни зўрга гапира олади холос, уларни бошлангич синфларда нутқи табиат билан таништириш орқалигини зўрға ривожланади. Дебил болаларда нисбатан бир оз ривожланган бўлади. Табиатшунослик дарсларида дефференциялашган ёндашиш ўқувчиларнинг умумий гурухларга оид хусусиятларига (уларнинг ўзлаштира олиш хусусиятига) дастур материалини ўзлаштириш савиисига, ўртача ва паст гурухларга шартли равишда бўлишни, яъни синфда дефференциялашни мўлжаллайди.

Шу хусусиятларга асосланган холда ўқитувчи хар бир гурӯҳ учун маҳсус вазифалар таңлайди. Ишнинг бундай тизимини таълимий тарбиявий томони жуда мухим аҳамиятга эга. Ўқув материалини бўлиб ўзлантирувчи ўқувчилар ўз билимига караб топширик олганлари туфайли, юкори баҳо олиш имкониятига эга бўладилар, бундай вазифалар уларнинг ўқиш фаолиятига ижобий таъсири кўрсатиб, янада ўқишига қизикиш хиссини уйготади.

Дефференциялашган ёндашиш бир томондан ўқитувчининг мақсадга мувофиқ, ишлаши учун зарур бўлса, иккинчи томондан хар бир ўқувчининг билиш имкониятларидан оптимал равища фойдаланиш ва уларни ривожлантириш учун зарур. Таълимда интеграция (бирлашиш) барча материалларни умумлаштириш, акли заиф ўқувчиларни таълимда кийинчилик туғдираётган масалалар ҳакида ечимни топиш ва амалиётга тадбик қилиш масалалари ўрганилади. Бу ўринда ўқитиши методларидан ўринли фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Саволлар.

1. Ёрдамчи мактаб табиатшунослик ўқитиши курсининг мазмуни нимадан иборат?
2. Табиатшунослик курси кандай изчилликда жойлашган?
3. Дефференциялашган таълим кандай олиб борилади?

Таяинч тушунчалар.

1. Технология-санъат, маҳорат.
2. Коррекция-тузатиш, тўғирлаш.
3. Дефференция-ажратиш, бўлиш.
4. Интеграция-бирлашиш.

VI-БОБ. ТАБИАТШУНОСЛИКНИ ЪҚИТИШ УСУЛЛАРИ

Услублар тұғрисида түшүнчә ва уларнинг класификацияси.

Таълим усуллари оммавий мактаб учун хам, ёрдамчи мактаблар учун хам умумий хисобланади.

Лекин, күлланилиши жихатдан ақли заиф ўкувчиларни таълим олиш жараёни ўзига хос хусусиятга эга бўлганлиги сабабли, таълим услублари хам оммавий мактаб услубларидан бир оз фарқ қиласди. Чунки ақли заиф ўкувчиларни билиш фаолиятлари (нутқ, тафаккур, идроқ, хотира) ривожланишдан орқада бўлганлиги сабабли таълим услубларидан кенг фойдаланилади.

Ўкув предмети мазмунининг хажмини белгилаш ва дарс учун материал танлаш билан бир қаторда мактаб таълимида ўқитиш услублари катта ахамиятга эга.

Мазмуни ва ўкувчиларнинг билиш фаолиятига мувофиқ тарзда танланган услублар билим сифатининг юқори бўлишини таъминлайди.

Бундай услублар ўкувчиларнинг ривожланишига, билимни пухта онгли бўлишига ёрдам беради ва тарбиявий таъсир кўрсатади.

«Услуб ўзининг умумий маъносида- максадга эришиш усулидир, маълум тарзда тартибга солинган фаолиятдир».

Дарсда ўқитувчи турли таълим услубларидан фойдаланади, ўқитиш услубларини танлаш, бир қатор омиллар, ёрдамчи мактабнинг хозирги босқичдаги тараққиёти, ўкув фани, ўрганиладиган материалнинг мазмуни, ўкувчиларнинг ёши ва уларнинг ривожланиш хусусиятлари, хамда уларнинг ўкув материалини эгаллашга тайёргарлик даражасига bogлиқ бўлади. Услуб танлаш ва уни қўллаш хусусияти фақат дарсдаги ўкув материалининг мақсадига эмас, балки мазмунига қараб хам аникланади.

Таълимга тааллуқли ҳолда методнинг таърифи мантиқан ўқитиш процессида ўқитувчи фаолияти билан ўкувчилар фаолиятининг бирлигини эътироф килишдан келиб чиқиш, яъни ўқитувчи ва ўкувчи фаолиятини ифодалаши мумкин.

Ўқитиш услуби-ўқитувчининг билимлар бериш усули ва айни пайтда уларни ўқувчилар томинидан ўзлаштирилиб олиш усулидир.

Услубнинг бу таърифи унинг икки бир бирига боғлик томонлари берувчи, таъсир қилувчи-ўқитувчи, қабул килувчи ўзлаштирувчи ўқувчиларни ифодалайди.

Дарсда ўқитувчи турли таълим услубларидан фойдаланади. Ўқитиш услубларини танлаш бир қатор омиллар: Ёрдамчи мактабнинг хозирги боскичдаги тараккиёти, ўкув фани, ўрганиладиган мавзууни мазмуни ўқувчиларнинг ёши, билиш фаолиятини қай даражада ривожланганлиги ва ўкув материалини эгаллашга тайёргарлик даражасига боғлик бўлади.

Услубларни танлаш ва уни қўллаш хусусияти фақат дарсдаги ўкув материалининг мақсадига эмас, балки мазмунига қараб ҳам аниқланади. Шунга қараб оғзаки услублар кўпроқ гуманитар фан дарсларида, амалий услублар эса меҳнат, расм, чизмачилик дарсларида қўлланилади.

Ўқитиш услубларини тўғри танлаш ва дарс жараёнида уни қўллаш ақли заиф ўқувчиларни муайян касб-хунар эгаллашларига, айникса табиатшунослик дарсларининг синфдан, дарсдан ташқари ишларида уларни қишлоқ хўжалик ишларида, боғ ва фермаларда ишлаб кета олишига замин тайёрлайди. Дарсда эса меҳнат қила олиш қобилиятларига кўникма ва малакалар хосил қилинади. Ўқитиш услубларини танлашда ёрдамчи мактаб таълимининг мақсади ўқувчилар нуқсонларини тузатиш томон йўналганлиги, ўқувчиларни муайян касб-хунар эгаллашга тайёрлаш ҳамда ижтимоий мослашиш вазифасига қаратилади.

Билим манбай ўкув материалининг мазмуни билан белгиланади, у таълим процессида етакчи хисобланади. Табиатшуносликни ўқитиш амалиётида ҳар хил ўқитиш услублари қарор топган. Ушбу мухим белгиларга қараб ўқитиш методларини группалаштириш мумкин

1. *Ўқувчиларни билим оладиган манбалари.*
2. *Ўқитувчи фаолиятини характеристи.*
3. *Ўқитиш процессида ўқувчилар фаолиятини характеристи.*

Бу уч белги ўргатиш ва ўрганишни бир бутун процесси сифатида тушунишдан келиб чиқади, бунда ўқитувчининг

(ўргатувчининг) ва ўкувчининг (ўрганувчининг) фаолиятлари ўзаро боғланган ва тақазо қилинган, билим манбалари эса хам ўқитувчининг хам ўкувчининг фаолияти билан ўзаро боғланишда бўлади. Шунинг учун ҳам бу уччала метод ўқитишда ҳам асос бўла олади. Билим манбалари ўқитувчи ва ўкувчилар фаолиятини бирлиги бўйича оддий ва қулайдир, у ўкув материалини мазмунини хусусиятига қараб ўрганилаётган материалга мос кўргазмали куролларни кўрсатиш билан билим беради. Услубларни муҳим белгиларидан бири, ўқитувчи ўкувчиларга сўзлар воситасида заруриятта қараб ўрганилаётган материалига мос кўргазмали куролларни кўрсатиш билан янги технология асосида дарс ўтилса, ақли заиф ўкувчиларни билиш фаолиятлари, дарсга бўлган кизиқишилари ортади. Ўқитувчи материилга мос тарзда кўргазмали материалларни танлайди ва тушунтиради. Бунда ўкувчиларниң янги билим олишлари учун асосий манба сўз ҳисобланади ҳикоя, тушунтириш, лекция, сухбат, ўкувчиларниң фаолияти кўпроқ эшлиши, фикрлаш ва кейинги жавобларда ифодаланади. Бошқа методлар группаларини кўлланилиши ўқитувчининг нарса ва ходисаларни кўрсатиши, (демонстрация) намойиш қилиши ақли заиф ўкувчиларга билим беришда асосий манба ҳисобланади. Ўкувчининг сўзи эса бошқачарок аҳамиятли касб этади.

Бунда ўқитувчи ўкувчилар кузатишининг бориши ва мантиқий тафаккурини йўналтиради, уларнинг қабул қилишини қай даражада эканлигини аниқлайди.

Ўкувчилар фактларини кузатиб, фикрлаб, хулосалар чиқарадилар. Янги билимлар баъзан эса янги ўкувлар масалан: ўқитувчи намойиш қилган тажрибани мустақил қўйиш, микрорепортаж тайёрлаш ва шунга ўхшашлар бўйича ўкувлар оладилар. Гарчи бутун билиш процессида ўқитувчининг сўзи раҳбарлик кўрсатса ҳам, бунда ўкувчилар ҳосил қиласидан билимларниң асосий манбай ўқитувчининг сўзи эмас балки *кузатиш* ҳисобланади. Кузатиш ақли заиф ўкувчиларни билим олишида айниқса табиатшунослик фанларини ўзлаштиришда билиш фаолияти коррекцияланади. Ўкувчилар фаолияти намойиш қилинаётган объект ёки тажрибаларни кўриб қабул қилишга қаратилган бўлади. Жавобларида ўкувчилар нимани кузатганликларини гапириб берадилар. Баъзан тажрибада ўсимлик ва ҳайвонларни намойиш қиласидилар, жадвалдан кўрсатадилар.

Шундай қилиб, ўкувчилар фаолиятини кузатиш ва кузатылғанлар тұғрисида хикоя килиш, әшитиш ва жавоб берішдан күра анча кам намоён бўлади.

Ўқитувчи шундай методларни кўллайдики, бунда ўкувчилар амалий ишлар бажарни процессида кўпроқ билим оладилар. Улар тоғиширик ва вазифаларга биноан уруг ва меванинг тузилишини, уни униб чиқишини, мактаб ўкув-тажриба участкасида скиш ва парвариш килиш, чорва фермаларида сигир, от, кўй ва паррандаларни парвариш килиш, овқатлантириш ишларини бажарадилар, шу тарика янги билимлар, ўкувлар, кейинрок эса кўнукмаларни яъни автоматлашган одат тусига кирган ўкувларни хосил киласидар.

Ўкувчиларни амалий фаолияти тадқиқий қуролларни (пинцет, лупа, микроскоп ва бошқаларни) ишлаб чиқариш қуролларини (курак, бөгқайчи, кетмон, хасқаш ва бошқаларни) кўлланиши билан боғлиқдир.

Ўқитувчи ишнинг боришини текширади, хулосалар чиқаришга раҳбарлик қиласидар.

Бир катор холларда ўқитувчининг кўрсатмаси бўйича ишнинг олиб борилишига ва иш процессида билим олишга китоб (дарслик, адабиёт) мустақил билим манбай сифатида эмас, балки билимнинг асосий манбаига-амалий ишга қўлланма бўлиб хизмат килиш мумкин.

Ўкувчилар жавобларида бажарган ишларининг натижаларини кўрсатадилар, уни гапириб берадилар, хулосалар чиқарадилар, доскага ёзадилар, ўқитувчининг талаби билан ишни яна бир неча маротаба такрорлайдилар.

	Оғзаки	Кўргазмали	Амалий
Билим манбай,	Сўз	Кўргазмали объект	Амалий иш
Ўқитувчи билим беради.	Сўз билан	Кўрсатиш билан	Жадвал билан
Ўқувчи билимни ўзлаштириб олади.	Эшлитиб	Кўрсатиб	ишлаб

2-жадвал

Бир хил усуллар кўлланилганда билим берилиши сўз билан, бошқалари кўрсатиш билан ва учинчиларида амалий ишда таъминланади. Ўкувчилар эса эшитиб, кўриб (кузатиб) ва амалий иш бажариб билимларини ўзлаштирадилар. (2-жадвал)

Ҳар бир группа методларнинг қардош турларини қамраб олади. Масалан: сухбат, ҳикоя, маъруза, оғзаки методларнинг ҳар хил турларидир.

Ўз навбатида натурал обьект, тажриба, шунингдек тасвирий кўргазмали воситалар (диафильм, кино, жадвал)ни намойиш (демонстрация) килиш кўргазмали методларга мансубдирлар.

Ўкувчиларнинг амалий ишлари, обьектларни таниб олиш ва аниқлаш тажрибаларни кузатиш ва ўқитувчи берган саволни хал қилиш, амалий кўрсатиш кабилар амалий метод турларидир.

Оғзаки методларда ўкувчилар ахборот берадилар, гапириб берадилар:

Кўргазмали методларда илгари қўйилган тажрибаларни намойиш қиласидилар, обьектларни намойиш қиласидилар. Амалий методларда ўкувчилар таклиф қилинган варианtlарда тажриба қилишадилар, иш натижаларини мухокама қиласидилар.

Кўп вақтларгача педагогика ва методикада ўқитиш методларининг умум қабул қилинган ягона таърифи ва уларнинг классификацияси бўлмаган. Ҳозирги кунда бу масалаларга нисбатан умумий нуқтаи назар вужудга келган. Кўпгина авторларнинг табиатшунослик фанини ўқитиш методларини классификация қилиш бўйича методларни икки гурухга бўлишга қаратилгандир.

1. Ўкув материалини ўқитувчи томонидан баён қилиш усуллари;

2. Ўкувчиларнинг мустақил ишлаш усуллари.

Усулларнинг бўлинishi ўқитувчи фаолиятини ўкувчилар фаолиятида ажратиб қўяди, бу эса усулларни (ўқитувчи томонидан ўкув материалини баён қилиш усуллари) ва актив (ўкувчиларнинг мустақил ишлаш усуллари) хилларга ажратишга олиб келади.

Усулларнинг актив ва пассив гурухларга бўлинини эътироф қилиш педагогикада анча эскирган нарса деб хисобланади. Билим манбаларини инкор қилиш методларни мазмундан айрилишига олиб келади, айни пайтда эса мазмун усулларни

белгилайди ва уларни танлашда хал килувчи фактор бўлиб хизмат килади.

Барча ўқитиш методлари, агар улар ўқув материалининг мазмуни ва ўқувчиларнинг ёшига мувофик холда_қўлланилса, фаол бўлиши ва тафаккур, билим ва амалий ўқувларни ривожлантириши мумкин.

Ақли заиф ўқувчиларнинг билим фаолияти, агар ўқитувчининг фаолияти ўзлаштириш процесси ва билимини хисобга олишда ўҳашалик жавоб фаолиятини вужудга келтирса, яъни ўқув материалини баён қилишда қўлланилган усулларга мос келса, шундагина фаоллашиб (активлашиб) боради.

Масалан: агар ўқитувчи дарсда гулнинг тузилишини ўрганиш бўйича амалий ишлар ўтказган бўлса, билимни хисобга олишда эса у ўқувчиларга сўзлаб беришнигина эмас, шунинг билан бирга гулни кисмларга ажратиш, уларнинг расмини чизишни хам таклиф килади. Ўқитувчи томонидан килинган тажриба, коллекция, жадвал намойишини сўрашда ўқувчилар томонидан тақрорланади.

Бу билан билим олишнинг бориши қайта тикланади.

Барча усулларнинг қўлланилиши ўқувчилар тафаккурини ривожлантириш билан боғлиқдир.

Ўқитиш процессида муайян методни қўллаш билан айни пайтда ўқитувчи ўқувчиларни маълум мантиқий операцияларига ўргатади, ўқувчиларнинг дунёқарашини тарбиялади, шахсий сифатларни (кобилият, ирода, қизиқиш) ривожлантиради, ўқишни онгли тушиниб олишга ёрдам беради.

Методларнинг ривожланиши ва боғлиқлиги

Бир методнинг ўзи ёки методнинг тури ўқув материалининг мазмуни ва ўқувчиларнинг ёшига қараб хар хил даражада мураккаблашиб бормайди V ва VI-VII синфлардаги сухбат мазмуни билангина эмас балки қўлланиш услублари билан хам фарқ килади: синфларда ўқувчилар мустақил саволлар беришга жалб қилинадилар ўқувчиларга таклиф килинадиган мантиқий услублар мураккаблашган бўлади.

Масалан: VI синфда ўсимликлар хақидаги мавзуларни ёритишда донгдор паҳтакор, боғонлар хақидаги хикояни сўзлаб, хикоя қилиб бериш, VII синфда хайвонот олами мавзусини ўтишда

хайвонлар хакидаги хикоя, эртакларни сұзлаб бериш орқали хикоялар мавзу бүйічада мураккаблашиб бораверади. Юқори синфларда амалий ишлар ўқитувчининг олдиндан берилган топшириқлари асосида топшириқ режаси, инструкцияси бүйічада мустақил бажарылади.

Күргазмали методларда хам ўқувчиларнинг материални ўрганиш процесси ва жавоб беришларыда билим, мактаб синфларда күргазмали қуроллардан фойдаланишдаги мустақиллиги аста-секин ортиб боради.

Шу билан бир вактда ўқув фаолиятида ўқувчилар мустақиллигининг ўсиб бориши билан унга бўлган ўқитувчининг раҳбарлиги ташқи томондан кам қўринади. Унинг раҳбарлиги сусайиб боради, аммо моҳияти жихатидан анча чукур ва мураккаброқ бўлади.

Хусусан, бу назарий тафаккурни тарбиялаш, тушунчаларни ривожлантириш, муносабатларни хосил қилиш тўғрисидаги масалага тааллуқлидир.

Ҳар бир метод ва уларнинг бутун системаси ўқувчилар мустақиллигини ривожлантириш мақсадини қўзлайди.

Ўқувчиларнинг дарсда тушунтиришга фаол эшишиб боришига, китоб билан мустақил ишлашга, амалий ишлар бажаришга фикр юритишга ўргатади.

Назарий билимларини амалиётда ўрганишлари учун ўқитувчи чидам билан ўргатишлари ва раҳбарлик қилишлари керак.

Табиатшунослик курсларининг ўрганишда бир дарсда унинг қисмлари мазмунига қараб турли методларнинг бир нечтаси қўлланилиши мумкин. Намойиш этиш (демонстрация) амалий иш ва сухбат билан алмашинади.

Ҳар хил методлар, улардан бири ёки бир нечтасини устунлиги билан бирга олиб борилади.

Масалан: маъруза ўз ичига сухбат элементларини олиши, сухбат эса кичик хикоя билан алмашиниши мумкин. Дарсда қўлланилган методларнинг бирга олиб борилиши тахлил қилиш билан етакчи бош методни ажратиш ва қолганларни ёрдамчи методлар сифатида белгилаш мумкин.

Турли методлар ўқувчиларни, уларни тафаккури ва малакаларини кўп томонлама ривожлантиради, шунинг учун фактат

биргина метод билан чегараланиб қолмасдан хар хил методларни күллаш ўринли бўлади.

Методлар ва методик услублар

Ўқитиш амалиётида хар қандай метод услуглар воситасида амалга ошади.

Методик услублар – методнинг ўқитиш давомида ўқитувчи ва ўқувчилар иши (харакати)нинг айрим томонларини ифодаловчи муайян элементдир.

Методик услубларнинг хилма-хиллиги уларни системага келтиришини талаб килади. Улар мантикий, ташкилий ва техникавий характерда бўлиши мумкин.

З-жадвалда амалиётда анча кўп учрайдиган методик услублар келтирилган.

Шунга эътибор бериш керакки, барча методларда бир хил мантикий услублардан: белгиларни аниқлаш, ўхшашлик ва фарқига қараб обьектларни солиштириш, хулосалар чиқариш умумлаштиришдан фойдаланилади.

Бундай усул тафаккурини ва уларнинг ишдаги мустакиллигини оширишда мухим имкониятларини очиб беради.

Ташкилий услубларга – хар хил жихоз, ёрдамчи восита материаллардан фойдаланиш киради.

Кўлланиладиган методдаги методик услубларининг ўрнини тасаввур килиш учун куйидаги мисолларни кўриб чиқамиз; Буни ўқитувчи амалий машғулотларга тайёрланаётганида назарда тутиши керак.

Метод – амалий, унинг турини аниқлаш (масалан: ўсимлик баргларини, шаклларини аниқлаш.)

Ўқитувчи кўпгина хар хил услублардан машғулот учун анча мос келадиганларини танлаб олиш керак.

Бунда мантикий услуб барча формаларининг белгиларини аниқлаш, уларни жадвалдаги тасвиirlар билан (акли заиф ўқувчиларни билиш фаолиятига ва ўзлаштира олиш хусусиятларига қараб) ёки бир қанча баргларни турларини кўрсатиш хақиқий ёки куритилган (гербарий)ларни солиштириш.

Ташкилий услугблардан, масалан: баргларни шаклини аниклаш бўйича индивидуал (акли заиф ўқувчиларни ўзлаштиришига караб барглар танланниб) бир хил иш танланади.

Натижаларни кайд қилиш – ўқитувчи кўрсатмаси билан жадвалга ёзиш ёки расм чизиш, гербарий дафтарига баргларни ёпиштиришдан иборат.

Дарсда хар бир метод кўпгина характеристи жихатидан хар хил методик услублар воситасида намоён бўлади. Акли заиф ўқувчиларни билиш фаолиятларини ривожлантиришни билим олишга бўлган қизиқишини ривожлантириши, меҳнат маданиятини тарбиялаш ва бошқа услубларни ажратиш мумкин.

Аммо улар хам методик услублари уччала гурухлари воситасида амалга оширилади.

Методик услубларнинг турли туманлиги, айниқса уларнинг бирга олиб борилиши ўқитувчининг ижодий ташаббуси ва педагогик махоратини кўрсатади.

Хар бир ўқитувчи янги услубларни ихтиро қиласди, маълум услубларни қайта ўзгартириб боради, янада яхширок таълимий ва тарбиявий самарага эришиб боради.

Оғзаки методлар

Оғзаки методлар тўғрисидаги тушунча одатда уларни кўлланишида гўё ўқувчиларнинг муқаррар пассивлиги тўғрисидаги тушунча билан боғлиқдир. Сўзлаш методларини бундай сохта тушуниш шунинг натижасида келиб чиқадики, уларни кўлланилишида ўқувчиларнинг фикрлаш фаолиятига тегишли этибор берилмайди.

Оғзаки метод турларига:

сухбат,
тушунтириш,
ўқитувчи ёки ўқувчининг ҳикояси,
маъруза киради

C u x b a t саволнинг хал қилинишида хам ўқувчилар ва ўқитувчининг иштироки билан характерланади. Сухбатнинг максадга йўналганлиги сафарбар килиб хал қилиниши керак бўлган саволлар билан аниқланади. Сухбат натижасида ўқувчилар

ўқитувчи раҳбарлигига тегишли хулоса чиқаришлари, умумлаштиришлари керак.

Сұхбат ўқувчиларга нотаниш бўлмаслиги лозим: хали ўқувчиларда бўлмаган билимларни «аниқлаш» учун вақтни бекорга сарфлаш ярамайди. Сұхбат яқунловчи умумлаштирувчи ва янги билимларни эскилари билан боғловчи дарсларда алоҳида ахамиятга эга.


Бирмунча ўхшаш объект ва ходисалар ўрганилаётганда сұхбатни индуктив тарзда тузиш имконияти тугилади. Бу, оқибатда йўналтирувчи саволлардан фойдаланиб, индуктив равишда ўқувчиларни қатор хулоса ва умумлаштиришга олиб келади.

Ўқувчиларга бошлангич материал маълум бўлганда ёки уни тўлиқ батавсил ўрганиш имконияти бўлганда ёки маълум умумий коидага асосан тасдиқловчи фактлар топиш маълум бўлганда сұхбатни детектив тузиш максадга мувофик бўлади. Масалан гулли ўсимликларнинг биринчи оиласи ўрганилаётганда ўхшаш ва хар хил белгиларни солиштириш йўли билан, яъни индуктив равишда таксаномик бирликлар тўғрисида тушунча хосил қилинади. Келгуси оилалар сұхбат ўтказиш ва амалий иш асосида индуктив тарзда ўрганилади. Аммо учинчи ва тўртинчи оилаларни детектив равишда бўлиши мумкин

Мавзу дастлаб ўрганилаётганда сұхбат кўпинча индуктив тарзда қурилади; мавзу бўйича яқунловчи сұхбатлар дедуктив характер касб этади: бир ўрганилган дарсга таъриф беради, бошқалари шу коидани тасдиқловчи ва ривожлантирувчи фактлар келтиради.

Ўқитувчининг саволлари хар қандай сұхбатнинг асосий структура элементи хисобланади. Улар узвий равишда ўрганиладиган материаллардан келиб чиқиши ва ўқувчилар эътиборини энг мухим маълумотларни ўзлаштириб олишга йўналтириши, ўқувчиларнинг олдинги тайёргарлиги ёки реал мавжуд шахсий тажрибасига таяниши керак.

Ўқувчилар билимларини адабиётга қўллашга хар хил масалаларни хал килишга ўргатувчи саволлар бериш foят мухимдир, масалан бу роль хақида фикр юритиш учун «Нима учун ўтказилган кўчат соялатилади?», «Хайвонларнинг қуруқликка чиқишига қандай таъсир этган?».



Ўқитувчи ўкувчиларнинг сухбатга иштирок этиш даражасини аста секин уларга бериладиган саволларни мураккаблаштириб бориши воситасида ошириб бориши керак. Ўқитувчининг саволлари ўкувчилар билимини тобора кўпроқ мустакил ишлашга машқлантириш керак. Ўсимликлар, хайвонат оламини ўқитиша ўкувчилар жавобларини аста секин мураккаблашиб боришини талаб килувчи саволлар тахминан шундай бориши мумкин:

органилаф тузилишини таъминлаш;

хар хил ўсимлик ва хайвонларнинг иккита орган тузилишини солиштириш;

орган (ўрик, майса, куртак ва новда, гул ва мева) тузилишига караб солиштириш;

орган тузилишини унинг функцияси билан солиштириш;

орган функциясини мухит билан солиштириш;

хар хил органларнинг функцияларини таққослаш;

организмнинг (Ўсимлик ёки хайвонларнинг) ривожланишини таърифлаш;

иккита организмнинг ривожланишини таққослаш;

экологик, марфологик ёки систематик белгиларни таққослаш;

ўсимлик ёки ҳайвонлар классификацияси;

муайян беоценозларда ўсимлик ёки хайвонларнинг хаётга мослашиши ва эвалюцион қатордаги ўрнига караб группалаш;

Тегишли муносиб саволларда жавоблар хам ривожланиб мураккаблашиб боради, ўкувчилар тобора мураккаброқ мантикий масалаларни ҳал қиласидилар, бу эса аклий ривожланишининг мухим омили хисобланади. Савол – жавоб билан баён килишда ўкувчиларга ўз эътиборларини узок қаратишга тўғри келмайди, чунки мураккаб фикрлар қисмлар бўйича уларнинг ўзлаштиришини текшириб боришини баён килинади. Аммо баён килининг бу формаси билимларни бўлиб боради, ўкувчилар бир-бирига боғлаб гапиришга ўрганмайдилар.

Ҳ и к о я табиатшунослик дарсларида, агар табиат хаётидаги бирор ходиса ёки воеа, энг катта қашфиёт тарихи олимнинг биографияси умуман кишиларнинг ўсимлик хайвонот дунёсини ўзлаштириш ва қайта тиклаш билан боғлиқ бўлган ижодий фаолияти тўғрисида гап боргандга кўлланилади. Қатор холларда ўқитувчининг дарсдаги хикояси ўзининг сюжет йўналиши ва образлилиги билан илмий бадиий асарларга яқинлашиб кетади.

Педагогикада айтилган тасвирий оғзаки күргазмалилик худди хикояда қўлланилади.

Методларнинг ҳар бир тури каби хикоя ҳам индуктив тарзда тузилиши мумкин, бунда қатор фактлардан яъни детектив тарзда умумлаштириш келиб чиқади, бунда умумий қоидалар фактлар билан тасдиқланади.

Ўқитувчининг материалини айтиб бериш йўли билан баён қилишда бутун ёрқин манзара хосил қилиш чуқур туйгуларни уйғотади, мураккаб фикрни унинг тўла мантиқий ривожланишида тасаввур қилдириш учун ўқувчилар олдига баён қилинаётган материал мантиқига мувофиқ ҳолда кўп бўлмаган саволлар кўйилади

Баённинг бу формаси ўқувчиларни чарчатиб қўймаслиик содда образли қилиб айтилиши керак.

Тушунтириш – ўқув материалининг фактлар тахлили ва хулосалари таърифланган исботлар асосига аниқ равshan баёни бўлиб, ҳикоядан фарқ қиласи амалий иш инструктаж ҳам тушунтириш хисобланади

Мактаб маърўзаси мактабнинг ўрта синфларидағи барча дарс давомида деярли қўлланилмайди, хато VII-VIII синфлардаги барча дарс давомида материални баён қилиш билан банд бўлмай балки маъруза вактида у ўқувчилардан сўрайди, уйга вазифа беради, уни тушунтиради.

Юқори синфларда ҳам қўлланиладиган оғзаки методларнинг хилма хил бўлиши, уларнинг ўзаро бир-бирига ўтиши мумкин: сухбат-хикоя, сухбат-маъруза, маъруза-сухбат.

Метод доирасида унинг тур хилларини фарқ қилиш мумкин. Масалан: кириш, сухбати, тушунтирувчи сухбат, умумлаштирувчи сухбат, ҳикоя сюжетли, иллюстратцияли информацион каби тур хилларига эга.

Ҳикоя ёки маърузада ўқувчилар дарснинг асосий масаласининг қўйилиши унинг бирин-кетин ҳал қилинувчи масалаларни ажратилишини тушунтириб олишимиз керак.

Янги материалларнинг баёнига ўқувчиларнинг тирик табиат бурчаги, мактаб участкаси, экскурсия ёзда табиатда ўқитувчининг топшириги билан олиб борилган кузатиш тажрибалари хақида ҳикояларини киритиш foят қимматлидир, бу эса ўз навбатида

дарсга қизиқиши оширади, ўкувчиларни, уларни дарсга қизиқиши фаолиятини оширади.

Хар кайси методдан фойдаланишда ўқитувчи ўкувчиларнинг нуткининг тўлиқ иборали гапириши, кейин маданиятига катта эътибор бериши керак. Ўқувчиларга бериладиган саволлар астасекин мураккаблаштириб борилади. Албатта ўкувчилар қиска, кейин анча кенг мустақил солиштириши, хуносалар чиқариш билан жавоб берадилар.

Кўргазмали методлар.

Кўргазмали методларни умум педагогик принцип-кўргазмалилик билан аралаштирмаслик керак, бу тушунчалар хар хилдир, бир-бирига ўхшаш эмас.

Кўргазмали куролардан деярли хамма табиатшунослик дарсларида фойдаланилади, аммо бу дарсларнинг хаммаси кўргазмали методлар билан ўтказилади, деган гап эмас. Оғзаки методларда кўргазмалилик ўқитувчи сўзини тасдиқловчи иллюстрация сифатида ёки ўқитувчи хикоясининг образлилигини кучайтириш учун хизмат қиласди. Масалан, табиий ҳолда кўрсатиш мумкин бўлмаган ўсимлик, кўпгина биологик ходисалар, олимларнинг биографияси, илмий қашфиётлар ва хоказолар тўғрисида хикоя қилинганда расмлар таблицалар, фотосуратлар кўрсатилади. Аммо ўқитувчининг сўзи-унинг хикояси, тушунтириши - ахборот манбаи бўлиб колаверади

Дарс кўргазмали методлар билан ўтказилганда кўргазмали куролларнинг роли бошқача бўлади. Худди шулар – тажрибалар, тирик обьектлар, кино таблицалар – ўкувчилар учун, ўқитувчининг сўзи эмас, ахборот манбаи бўлиб хизмат қиласди. Намойиш қилинаётган қўлланмаларни ўкувчилар мустақил ёки ўқитувчининг саволлари ёрдамида кузатиб, хуносаларни ўйлайдилар, умумлаштирадилар ва мулохазалар юритадилар. Кўргазмали методларда кўргазмалиликдан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятлари ана шундан иборатдир.

Кўргазмали методларнинг қўлланилиши ўкувчиларда тафаккурни ва фикрлаш активлигини вужудга келтирилиши ва ривожлантирилиши керак.

Тұғри қўйилған савол, кейинроқ эса бутун саволлар системаси намойиш қилинаётган обьект ва тажрибаларга ётиборни жалб қиласы, үқувчиларни максадға йўналтирилган холда ва изчилик билан кузатиш, таққослаш, холосалар чиқариш ва умумлаштиришга мажбур қиласы.

Табиатшунослик дарсларидаги кўлланилган кўргазмалилик натурал (тирик табиат обьектлари (ва тасвирий) таблицалар, жадваллар, муляжлар диафильм) бўлиши мумкин.

Кўргазмали методларга тажрибалар, натурал обьектлар, тасвирий куролларни демонстрация қилишлар киради.

Табиатшунослик дарсларининг кўп қисми кўргазмали методлар билан ўтказилади. Масалан, «Шакли ўзгарган барглар темасидаги дарслар хазонрезилик туфайли сувни кам буғлантиришга экологик мослашишни тўқланганлиги, мумгубори ва у билан копланиш туфайли барг пластинкаси майдонининг қисқарганлиги тирик ўсимликларда: монстре (бразилияниң тропик нам ўғлонлари), камелия (Жанубий Хитой), алоэ ва бошқа ўсимлик баргларини тушуниб олишлари мумкин. Ўртacha хайвонлар, кўпинча қушлар ва сут эмизувчилар намойиш қилиш учун энг қулай обьект хисобланади. Улар қафас катакларда сақланади, демонстрация вақтида эса үқувчи стол устига кўйилади.

Хайвонот олами VII синфда ёрдамчи мактаб үқувчиларига, қушлардан сут эмизувчиларини синфда намойиш қилиш энг кулай обьект хисобланади, улар қафас катакларда сақланади, демонстрация вақтида эса ўқитувчи столи устига кўйилади.

Оғзи пахта билан беркитилган пробиркалар ичидаги янада кичикроқ (майдароқ) хайвонлар, хашаротлар, ўргимчаклар демонстрация қилинади.

Барча синфлардаги дарсда тажрибалар намойиш қилинади ёки уларни кўргазмалиликнинг тасвирий воситалари таблица ва расмлар үқувчиларга ўрганилаётган обьектларнинг тузилиши, шакли, ранги, уларнинг табиий ўраб олган мухит-хаёттй тарзи ва шу қабилар тўгрисида тасаввурлар беради.

Кузатилиши кийин бўлган хайвонлар тўгрисида хикоя қилиб туриб, ўқитувчи уларнинг таблица, расм, экрандаги тасвиirlарни кўрсатибгина қолмасдан уларнинг катта кичикилиги тўгрисида хам тасаввур бериши керак.

Тасаввурнинг аниқ бўлиши, нарсаларда масалан: ўсимликнинг бир кунда ва ёз давомида буглатиладиган сувнинг миқдори челак ва бочкалар кўрининшида таккослаб тасаввур хосил килиш мумкин.

Педагогик расм чизиш, кўриш, ёнитиш ва «кулнинг мускул сезгисини» ишлашга жалб киласди. Ўқувчи бир вақтнинг ўзида ўқитувчи хикоясини ёнитиди, унинг кўл харакатини кузатиб боради, ўқитувчи сўзини изохловчи синф доскадаги расмни қўради, ўзи расмдан дафтарга нусха чизади. Иш процессига ўқувчилар бутунлай жалб килинган бўлади.

Нарсаларни кўрсатиш, таблицаларни илиш хам ўқитувчининг шу хақда гапира бошлани билан бир вактда боради, бу билан тезда ўқувчилар дикқати жалб қилинади.

Ўқувчиларни доскадаги расмлардан фойдаланиб, жавоб беришга систематик равишда ўргатиб бориш катта ахамиятга эга. Айникса колектив бўлиб расм чизиш, жадваллар тузиш алоҳида кизикиш уйғотади. Масалан, бир ўқувчи поянинг кўндаланг кесими, бошқаси бўйига кесимининг расмини чизадилар, учинчиси – поя катламларининг жойлашишини кўрсатиб, умумлаштирувчи ёзувлар ёзади.

Табиатшуносликда ўқитишда ўкув кинофильмларини намойиш килиш катта ахамиятга эга. Ўкув киноси бошқа кўпгина кўргазмали воситаларга қараганда маълум афзалликларга эга: улар ишни, харакатни, процесни кўрсата олади.

Дарсда кинофильмларни намойиш килишга ўқувчиларни улар олдига саволлар қўйиш йўли билан тайёрлаш керак, бу саволларга улар фильмни ёки бир кисмини кўргандан кейин жавоб беришлари керак. Бундай тайёргарлик ўқувчилар диккатини тўплайди ва йўналтиради, ўқувчиларда фильмга нисбатан фикр ва кизикиш уйғотади.

Амалий методлар. Бу методлар ўқитувчи томонидан ташкил килинадиган ва йўналтириладиган, ўқувчилар фикрини мўлжалланган сўз, кўргазмалик ва амалий ишнинг ўзаро мураккаб боғланишда бўлишини кўрсатади. Шунингдек, амалий методларнинг кўлланилиши ўқувчилар рецепторларининг ва эффекторларининг актив фаолияти билан боғлиқдир.

Амалий методларнинг турларига:

Табиат объектларини таниб олиш ва аниклаш бўйича ишлар;

Ходисаларни кузатиш ва қайд килиш;

Тажриба ўтказиш (тажриба воситасида масалаларни хал килиш) киради.

Амалий иш бошланиши олдидан кўйилган савол, проблема, масалаларга ўқувчилар унинг натижалари билан жавоб беришлари керак.

Ўтказилган ишнинг натижаси кўргазмали методлардаги кузатишнинг амалий методлардаги кузатишдан фарқланишни кўрсатади.

Биринчи ҳолатда ўқувчилар ўқитувчи томонидан намойиш килинаётган таблица, тажриба ва шу кабиларни кузатадилар, иккинчи ҳолатда кузатиш билан мустақил иш бажарадилар: ўлчайдилар, хисоблайдилар, ўсимликтин ёки унинг қисмларини куритадилар ва х.к.з. Шундай кузатиш натижасида ўқувчилар кўрсатувчи материалларни тасаввур қиласидар.

Бундай кузатиш, шунингдек, аниқлаш ва тажриба каби дарсда, уйда, экскурсияда мактаб ўқув-тажриба участкасида ўтказиш мумкин. Буни ўқувчилар оғзаки ёки ёзма топшириклар орқали бажарадилар.

Кузатиш – бу табиат жисмлари ва ходисаларни табиий шароитларда мақсадга йўналган ҳолда бевосита, шу ходисаларнинг боришига аралашмасдан сезгилар билан қабул қилиб олиш ёки лабаратория шароитида уни қайта тиклашдир. Кўргазмали методда ўқувчиларнинг кузатиши амалий метод сифатидаги кузатишдан тубдан фарқ қиласи.

Биринчи ҳолатда ўқувчилар ўқитувчи томонидан намойиш килинаётган таблица, тажриба ва шунга ўхшашибарни кузатадилар. Иккинчи ҳолатда ўқувчилар кузатиб, иш бажарадилар, ўсимликларни ёки уларнинг қисмларини ўлчайдилар, хисоблайдилар, ёзадилар, расмини чизадилар, куритадилар ва х.к.з. Бунда бундай кузатиш, аниқлаш ва эксперимент каби дарсда, уйда, экскурсияда ва мактаб участкасида ўтказиш мумкин. Бунда улар ўқувчилар томонидан ўқитувчининг бевосита раҳбарлигида оғзаки ва ёзма топшириқ бўйича сиртдан мустақил равишда бажарилиши мумкин.

И. П. Павлов «Кузатиш табиат тақдим қилганларни тўплайди, тажриба эса табиатдан ўзи истаганин олади» деб ёзган эди.

Кузатишлар ўзининг бажарилиш муддатлари бўйича икки: қиска муддатли ва узок муддатли группаларга бўлинади. Қиска муддатли кузатишлар бутунлай дарс структурасига киритилади ва тарқатма материал билан бажарилади. Узок вакт, муддатли кузатишлар асосан дарсдан ташқари вактда бажарилади, аммо кузатишнинг бориши ва натижалари дарсда намойиш қилинади.

Ўқувчилар қиска муддатли кузатишларни ўқитувчининг топшириғи билан эксперсияларда ўтказадилар (масалан, тупрок кесмасини, табиатдаги мавсумий ўзгаришларни таърифлаш, муайян шароитда ўсаётган ўсимликларни йифиш). Табиатда олиб бориладиган узок муддатли феналогик кузатишлар ва мактаб участкасидаги кузатишлар кенг қўлланилади.

Эксперимент кўпинча физиологик процессларни ўрганишда ўтказилади. Эксперимент узок ва қиска муддатли бўлиши мумкин.

Ботаника дарсларда ўтказиладиган қиска муддатли эксперимент ёки тажрибага уругнинг таркиби, тупроқнинг физик хоссалари, баргда крахмал ҳосил бўлиши ва шунга ўхшашларни ўрганиш бўйича умум маълум бўлган ишлар мисол бўла олади. Уругларнинг униб чиқиши шароитлари, барг орқали сув буғлантирилиши каби анча оддий тажрибаларни ўқувчилар уйда бажарадилар.

Ўқувчилар ва тирик табиат бурчагидаги оддий тажрибаларни бошлаб, эксперимент қўйишга ўрганадилар, бу билан улар мактаб ўкув тажриба участкасидаги биринчи мураккаброқ ва узок давом этадиган тажрибаларга тайёргарлик кўрадилар.

Хайвонлар устида олиб бориладиган узок муддатли тажрибалар ва кузатишлар ва уларнинг хулқ авторини ўрганиш билан боғлиқdir. Умуртқали хайвонларда муайян ҳолдаги шартли рефлексларни ҳосил қилиш бўйича ўтказиладиган тажрибалар жуда хилма хилдир. Бу ишларни ҳам дарсдан ташқари вактда ўтказадилар, аммо натижалардан дарсда фойдаланадилар. Амалий методларнинг ҳар бир тури (фарқ қилиш ва аниқлаш бўйича ишлар, ходисаларни қайд қилувчи кузатишларни ўтказиш, тажриба қўйиш) катор босқичларда боради.

Савол ва топшириқлар:

Дарсларга қатнашганда куйидагиларни аникланг:

1. Дарсда ўқитувчи қандай методлардан фойдаланган?
2. Асосий методни ажратиб кўрсатиш мумкинми?
3. Ўқитувчи оғзаки, кўргазмали ва амалий методлар воситасида ўқувчиларнинг мустақиллигини қанчалик ривожлантира олди, ўқувчиларнинг жавоби қандай?
4. Акли заиф ўқувчиларнинг амалий иши тафаккурини ривожлантириш билан боғланадими?
5. Дарсда қўлланилган методлар материалларнинг мазмунига мос келадими?
6. Дарсга қўлланиладиган методлар ўқувчиларнинг ривожланишига мос келадими?
7. Дарсга методларнинг қандай боғлиқликда бўлиши зарур деб хисоблайсиз?
8. Дарснгиз учун танланган методларнинг тўғрилигини қандай хисобга оласиз?
9. Табиатшунослик ўқитишнинг қайси методлари тарбиявий – корекцион ахамиятга эга?

(Дарслар мисолида исбот қилинг)

Таянч сўзлар:

Индуктив – хулоса чиқаришга асосланган мантикий хукум (ички)

Дедуктив – Умумийдан яккага қараб бориш хулоса чиқариш (ташқи)

Гербарий - куритилган ўсимликлар коллекцияси.

VII-БОБ. ТАБИАТШУНОСЛИК ЎҚУВ ИШЛАРИИИНГ ТАШКИЛ ЭТИШ ШАКЛЛАРИ

Мактабда ўқувчиларга таълим-тарбия бериш ўқув ишларининг муайян шаклларида амалга оширилади.

Ўқитишининг шакли бу тарбиявий таълим жараённада ўқитувчи томонидан фойдаланиладиган ўқувчиларнинг ўқув-идрок килиш фаолиятини уни ўтказилиш (синфда, табиатда ва т.к) шароитларига мувофиқ ҳолда ташкил килинишидир.

Мактабда ўрганиладиган барча предметлар учун ўқув ишларининг асосий шакли дарсdir.

Ёрдамчи мактабларда таълим жараёнини ташкил килишнинг индивидуал ва гурухли шаклларидан фойдаланилади. Асосан синф дарс тизими кўлланилади. Ватандош олимларимиз «Буюк дидактика» асарида биринчи марта дарс масаласи атрофлича олиб борилган. Педагогика фанини ривожланишида бир қатор олимлар, педагоглар дарснинг турли-томондан ривожлантирилар.

Ёрдамчи мактабларда дарс бериш усуулларини ватандош рус методист-олимлари А.Н.Граборов, Г.М.Дульнев, Н.Г.Еременко ишларида очиб берилган.

Оммавий мактаблар ўқувчилари каби ёрдамчи мактабларда хам ўқувчилар ўзларининг ёш ва билиш фаолиятларига кўра маълум гурухларга бирлаштирилади ва уларга назарий ва амалий билимлар берилади.

Дарс деганда маълум фанлардан, маълум хажмдаги билимларнинг маълум ёшдаги ўқувчилар гурухига, маҳсус тайёргарлиги бўлган мутахасис томонидан берилишини тушунамиз. Дарснинг самарадорлигини ошириш бериладиган билимлар савиясини кўтариш, назарий билимларни хаёли билан боғлаб бориш, акли заиф болалар нуксонларини тузатиш (коррекциялаш) ва уларни хаётида мустақил меҳнат кила оладиган килиб тайёрлашда ўқитувчи мутахасислар тинмай изланишлар олиб бормоқдалар. Табиатшунослик ўқитиши методикасида ўқув ишларининг кўп хилдаги шакллари қарор топган¹.

¹ М.И. Сагатов Н.М. Пўлатов К.К. Мамадов, Олигофренопедагогика асослари Т. «Ўқитувчи» 1994 йил 91 бет.

Жонсиз табиат, ўсимлиқ, хайвон ва одам хаёти хамда табиат тараққиётининг қонуниятлари ўрганиладиган табиатшунослик бўлимларининг мазмуни бутун системасининг ўзига хослигини белгилайди.

Табиатшунослик ўқитишнинг асосий шакли-дарсларга кўшимча ҳолда мактаб амалиётида ўқитувчининг ўқувчилар билан олиб борадиган ўқув ишларининг бошқа шакллари тарихан вужудга келган.

Бошланишида мажбурий бўлмаган синфдан ташқари ва мактабдан ташқари машгулотлар ва экспурсиялар ўқитишга мукаррар компонентлар сифатида уларнинг марказдек дарсга томон тортилгани ҳолда аста-секин қўшилиб борган.

Ҳозирги вақтда методика мактаб амалиётида табиатшунослик бўйича ўқувчилар билан олиб бориладиган ўқув ишларини ташкил қилишнинг ушбу шакллари системасини қабул қиласидиган: дарслар ва улар билан баглиқ бўлган назарий экспурсиялар, уй ишлари дарсдан ташқари зарур ишлар (тирик табиат бурчагида, ўқув-тажриба участкаларида ва табиатда ва зарур бўлмаган синфдан ташқари машгулотлар индивидуал ва тўгарак шаклидаги оммавий).

Методик жиҳатдан тўғри ташкил қилинган ўқитиш жараёнида, шу ўқитишнинг барча шакллари асосий – дарс билан ўзаро баглиқдир, улар табиат ҳақидаги тушунчаларни, дунёкашини, тафаккурни идрокни меҳнат қилиш кўнималарини ривожлантиради. Дарслар курс мавзулари бўйича материалнинг системали баён қилинишини таъминловчи муайян изчилликда жойлашади.

Табиатшунослик дарсларида ўқитувчи барча ўқитиш методларини; оғзаки, кўргазмали ва амалий, янги педагогик технологиядан ўқитиш услубларида фойдаланган ҳолда дарс ўқитади. У ўсимлиқ ва хайвонларни гербарий, муляжларини демонстрация киласиди ва амалий ишлар бажариш йўли билан ўқувчиларни айрим организмларининг ташқи хамда ички тузилиши билан таниширади.

Аммо синфдаги дарсда хаётни, узоқ кузатишни талаб қилувчи ўсимлиқ ёки хайвонларнинг ривожланиш жараёнини, хар хил организмларнинг табиий шароитларда биргаликда яшашларини кўрсатиб бўлмайди. Шунинг учун хам табиатшунослик ўқитиш методикасида дарсларни тўлдирувчи маҳсус шакллар қўлланилади.

Экскурсиялар табиатдаги табии түрдөрдөн табиаттадағы группалашда ёки кишлоқ хұжалиги ишлаб чиқаришида, ёки музейларда, үсімлік ва хайвонлар билан таништиради.

Улар үрганилаётган тушунчалар комплексига киради ёки илгари қарор топған тушунчаларни мустахкамлайды, аниклади, чукурлаштиради, умумлаштиради. Экскурсиялар дарслар билан чамбарчас боғланади: Экскурсияда күрилген объектлар курс давомида күп мартта эсга олинади – чунки ёрдамчи мактаб үқувчиларини дикқатининг турғучун әмаслиги үқувчидә хотираниң заиф бўлиши яны тезда кўрган, эшигтан воеа, нарса, предметларни тезда эсдан чиқаради. Шунинг учун үқитувчи хар доим дарсни бир-бири билан боғлаб тақрорлаб савол-жавоб орқали эсга тушириб туриши керак.

Эсга тушириш орқали, илгари олинган билимларни ишлатиш ва табиатшунослик үқувчиларни ривожлантиришга, экскурсияда йигилган материални дарсда намойиш қилиш үқувчидә тушунчаларни мустахкамлайды.

Ёрдамчи мактаблардаги дарсга қўйиладиган асосий дидактик талаблардан бири унинг тузатиш (коррекциялаш) тарбиялашга йўналганлигидир. А.Н.Граборев қўйидаги тузатиш тарбиялашни хал этишда қўйидаги вазифаларни қўяди:

1. Таълимда мумкин қадар кўпроқ сексар механизмларни жалб этиши.
2. Кузатган холатларни тўғри баён этишни машқ қилиш.
3. Үқувчиларни кузатувчанлигини ривожлантириб бориш.

Таълим жараёнида үқувчилар ходиса ва воеалар билан танишибгина қолмасдан, балки улар хақида фикрлайдилар. Бу эса үқувчиларни табиатнинг ривожланиш конуниятлари хақидаги билимларни шаклланишига олиб келади.

Ақли заиф үқувчилар табиат хақидаги билимларни эгаллаш вақтида тўғри фикр юрита олсалар, таққосласалар, хулоса қиссалар ўз фикрларини баён этсалар, унинг тарбиявий томони янада ортади. Шунинг учун дарс материалыни танлаш, хар бир дарс учун таълим усулларини белгилаш зарурдир. Дарсдаги үқув материалининг хажми, үқувчилар имкониятлари дастур талабларида белгиланган. Дарсдаги үқув материали үқувчиларнинг ёш хусусиятларига мос бўлиши керак. Табиатшунослик курсининг барча бўлимлари ақли заиф үқувчилар билиш фаолиятини назарда тутган ҳолда халқ

таълими вазирлиги томонидан белгиланган ўкув кўлланма дарслик, дастурлар тузилади.

Ёрдамчи мактаб дарсларига кўйиладиган муҳим дидактик талаблардан бири ўкувчиларнинг индивидуал, гурӯхли фронтал ишларни тўғри кўшиб олиб боришидир.

Дарсда фронтал, гурӯхли, индивидуал ишларни кўшиб олиб бориш, ўкув машгулотларини шундай олиб боришга имкон берадики, бунда яхшироқ тайёрланган ўкувчилар вазифа бажаришда кийналмайдилар, паст ўзлаштирувчи (тайёргарлиги кам)лар эса уларга тенглашадилар.

Ўқитувчилар хамма кўрсатилган дидактик талабларни олдиндан ўйлаб чиқилган тузилиш билан аниқланиши, дарснинг аниқ ташкилий тузилиши зуруриятини келтириб, бу эса дарснинг тури ва мақсади, шу билан бирга унинг дидактиқ, психологик услубий тугалланганлигига боғлиқдир.

Дарснинг дидактик тугалланганлиги дарснинг тузилиши ва натижаларининг ўзаро мувофиқлиги билан белгиланади.

Синфда ўқувчиларнинг уй вазифасини текшириши, ўтилганларни такрорлаш асосида, янги материални ўзлаштиришга ўқувчиларни тайёрлаши катта аҳамиятга эга. Табиатшунослик дарсларида уй вазифаларини бажаришда, дарсда бажараётган мустақил вазифаларни охирига етказа олмаса, уйда бажариб келиш вазифа килиб берилади. Масалан: уйда дафтарларига синфда ажратилган гул қисмларини, хашорат бўлакларини ёпиштирадилар ва расмларини чизиб келадилар.

Ўқитувчининг маҳсус топшириги билан уюштириладиган уй топшириқларининг кўриниши ўзгарган дарсдан ташқари мажбурий ишлардир. Улар хам топшириқлар бўйича бажарилади, лекин барча ўқувчилар билан фронтал холда эмас, балки индивидуал тарзда ёки кичик группа билан табиатшунослик кабинетида, тирик табиат бурчагида, ўкув тажриба участкасида ёки табиатда бажарилади.

Дарсдан ташқари ишлар уй ишларига қараганда мураккаброқдир. Уларни амалга ошириш учун тегишли ўсимликлар, маҳсус асбоблар ва бошқа жихозлар талаб қилинади.

Дарсдан ташқари ишларга; тирик табиат бурчагидаги; ўкув тажриба участкасидаги ва табиатдаги ёзги топшириқлар бўйича бажариладиган ишлар киради.

Ўқувчиларнинг табиатда бажарадиган ёзги ишлари тўғрисида хам шуни айтиш мумкинки, «Ёзги топшириклар» дарсларда берилади. Куре бўйича дарсларни ёзда ўқувчилар томонидан табиатда йигилган ва кўргазмали ўкув қуроллари тарзида расмийлантирилган кўргазмали материаллар билан таъминлаш учун ўқитувчи томонидан ўйлаб чикилиб сўнг вазифа беради. Синфдан ташкари машгулотларнинг мажбурий бўлмаган қўнгилли шакллари; индивидуал ишлар; синфдан ташкари ўкишлар оммавий кечалар ва ижтимоий фойдали ишлар кенг кўлланилади.

Синфдан ташкари машгулотларда тўгаракда тайёрланган моделлар, асбоблар хам дарсда фойдаланилади. Болаларда учрайдиган юкумли касалликлар; «Грипп», «Гелментоз» ичак касалликлари каби маърузалар килинади.

Дарс – ўқув ишларини ташкил килишининг барча шаклларини камраб олувчи бутун тарбияловчи таълим жараёнининг марказий магизидир.

Ёрдамчи мактаб табиатшунослик дарсларида олиб бориладиган ижтимоий фойдали ишлар алоҳида ахамиятга эга. Улар одатда унумли характерга эга бўлади, чунки акли заиф болалар аклий меҳнатдан кўра жисмоний меҳнатни тез бажарадилар. Чунки ўқувчилардаги аклий заифлик меҳнат тарбияси билан компенсация килинади. Ижтимоий фойдали иш факат таълим жараёни билан боғланганда гина таълим ва тарбия берувчи бўлади.

Кўпинча ўқитиш шакллари тўғрисидаги тушунчани методлар тўғрисидаги тушунча билан аралаштириб юборадилар. Масалан: Экскурсияни «экскурсия» методи деб айтилади. Бу нотўғри; чунки ўқитишларнинг ҳар бир шаклида ҳар хил методлар қўлланилиши мумкин.

Экскурсияни шундай методлар билан ўтказиш мумкин;

1. Оғзаки методлар - кўрилаётганлар хакида ўқитувчи хикоя киласди, сухбатлашади.

2. Кўргазмали методлар – ўқувчилар маршрут бўйича ўқитувчи кўрсатган обьект ва ходисаларни кузатиб борадилар.

3. Амалий методлар – ўқувчилар ўқитувчининг топшириги билан мустакил ишлайдилар.

4. Ҳар хил методларнинг болнаниши билан

Шакл эса – экскурсия, яъни ўқувчиларнинг ташкил килиниши – бир хил, лекин унинг ўтказилиши вариацияланади: бутун синф

билан, хар хил сондаги ўқувчилар группаси билан экскурсия ўтказилиши мүмкін.

Ижтимоий фойдалы мекнат – ўқитиш методи эмас, ўқитиш шаклидир. Дарсда илмий табиат ҳақидаги түшүнчалар ва амалий ўқувлар ривожлантриләди, улар уй ишларыда хам экскурсияларда хам ривожланишда давом этади.

4-жадвал.

Билимларни таққослаш, хулосалар ва хал қилинишини талаб киладиган, ўйлаб түзилгандеги саволлар ақли заиф ўқувчилар, тафаккурининг ривожланишига ёрдам беради. Ходисаларни, тарихий тараққиётининг пайдо бўлиши нуқтаи назардан очиб беришга мажбур қилинадиган топшириқлар хам борликни билишга унинг дунёқарашини шаклланишига олиб келади.

Ўқитиш шаклларининг хар бири унинг ўзига хослиги, предметнинг мазмуни, тарбиявий таълимнинг умумий принциплари билан белгиланадиган ўзининг системасига эга. Ўтказилган ишнинг натижаси мекнат маданиятини тарбиялайди, унинг расмийлаштирилиши гўзалликни хил килиш, ўртоқлик коллективининг килинишини, ахлокий тарбияга ёрдам беради.3 – жадвал.

Савол ва топшириқлари

1. Ёрдамчи мактабда табиатшунослик ўқитишнинг қандай шакллари кўлланилади?
2. Дарснинг бошқа шакллари таълимда қандай боғланиб боради?
3. Дарсда олинган түшүнчалар тўғри боғланишда қандай кўлланилади?


Таянч сўзлар

1. Сенсор – эшитиш.
2. Коррекция – тўғирлаш.

Табиатшунослик ўқитишнинг шакллари

Ривожлантириш:
Имлий тушунчаларни
Тафаккурни
Дунёкарашни
Мехнат маданиятини

Гўзалликни хис этиш ахлоқ
ва одоб муносабатлари



4 - жадвал

VIII БОБ. ТАЪЛИМ-ҮҚУВ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛИЙ ФОРМАЛАРИ

Дарс таълимининг асосий формаси бутун таълим-тарбия системаси, мазмуни, методларининг, тарбиянинг барча мураккаб комплекси дарсда амалга оширилади. Дарс ўқитувчининг, ёши ва тайёргарлиги бир хил бўлган доимий ўқувчилар колективи-синф билан давлат дастури, катъий дарс жадвали бўйича ва мактаб биносида олиб бориладиган таълим-тарбия ишларининг ташкил этишининг асосий шаклидир.

Дарс мактаб ўқув-тажриба участкасида хам ўтказилиши мумкин. Табиатшунослик дарсларида ўқувчилар ўқитувчи раҳбарлигига давлат дастурига мувофиқ системали ва изчил, равишда назарий билим ва амалий ўқув хамда кўнимкаларга, шунингдек, шахснинг хар томонлама ривожланиш элементларига эга бўлиб борадилар.

Дарсда ақли заиф ўқувчиларни табиатга нисбатан дунёқарашини шакллантиришга, уни табиат билимларига эга бўлган холда маънавий дунёқарашини ва ижтимоий фойдали меҳнатга тайёрлаб келажакда мустақил равишда меҳнат қила олади. Таълим-тарбиянинг асосий вазифалари ана шу дарсда хал қилинади. Унинг мазмуни илмий ва тушунарли, гоявий йўналишга эга бўлиши ўқувчиларда табиат ва борлиқ хақидаги дунёқарашлар шакллантиришга ёрдам бериши керак.

Янги ўтилган мавзу илгари ўтилган мавзу билан узвий боғлиқ холда ўрганилади. Бундай холатда табиатшунослик тушунчаларининг планли ва изчил ривожланиб боришига эришилади. Дарсда ақли заиф ўқувчилар ўқитувчи раҳбарлигига табиат ходисаларини идрок қилиб уларни моҳиятини очишига ўрганадилар. Уларнинг мантикий тафаккури ривожланиб боради. Барча синфлардаги табиатшунослик дарсларида ўқувчиларни мантикий тафаккури хилма-хил формаларда тадбиқ этилади, юқори синфларда абстракт фикрлашларга кўпроқ ўргатиб ақли заиф ўқувчилар билиш фаолияти тўғирланиб (корекционлашиб) борилади. Ўқитувчи ривожлантирадиган табиатшунослик тушунчаларини таркиби ақли заиф ўқувчиларнинг ёшига қараб, ўқув материалини уларни онгига етказиш усул ва услубларини танлайди. Бунда ўқитувчи дарсларни дидактик талаблар асосида

ўқитишининг янги методларини педагогик технологиялардан фойдаланиш, кўргазма натурал объектларини танлаш, умуман ўқитиши методларидан кенг фойдаланиш ўқувчилар таълимини тўғри олиб бориши хақида гамхўрлик қилиши керак.

Шундай килиб, дарсларда табиатшунослик ўқитиши махсус методикасининг барча мухим коидалари, талаблари амалга оширилади. Бунда албатта дарс аник ташкил килиниши, интизом ва ўқувчиларни фанга кизиктиришини таъминлаш керак. Ўқитувчининг барча иш системаси педагогик махорати дарсда кўринади ўқитувчи хар бир дарсда ўқувчилар ўкув материалини яхши тушиниб олиши ва ўзлаштиришга эришмоғи лозим.

Истиқбол режа. Ўқитувчи хар бир дарснинг мавзудаги ва хар бир мавзуни ўрнини ўқув йили давомида, фаслни хисобга олган холда, олдиндан ва аник тасаввур килиши керак. Бу факт дастур мавзуларининг мазмуни бўйича эмас, балки ўқитиши методлари ва шакллари бўйича хам режалаштириш (планлаштириш)ни талаб килади.

Табиатшунослик дарсларида ўқитувчи муайян жойнинг мавсумий хусусиятларини хисобга олиб, качон ва қандай тарқатмалаштириш, тирик бурчак учун кайси вактда ва қандай ўсимлик хайвонларни кузатиш, табиатга қачон ва қандай экскурсия ўюштириш кераклигини белгилайди. Мактаб ер учатекасини: паррандачилик, чорвачилик, фермалари, хайвонот ва ботаника боғларини якин жойларга экскурсия ўюштириб табиатни кузатиш жойларни ва муддатларини аниклайди. Ўқувчилар учун ботаникадан қандай жонсиз табиат ва тажрибалар, кузатишларни дарсда ўз вактида кўрсатиш учун качон кўйиш кераклигини, качон ва қандай байрамларни (пахта; хосил; гул ва табиатга оид бошқа) шу каби кечалар ўтказиши олдиндан аниклаб олиши керак. Хар бир курснинг мазмунига ва ўқувчиларнинг ёшига мос келадиган метод ва шакллар билан табиатшуносликни планли равишда амалга ошириш учун йиллик зараруияти туғилади. бундай план ўқитувчининг (иш сифатини яхши бўлиши учун) зарурдир.

Ўқитувчи бутун ўқитиши процессининг боришини назарда тутиши ва уни режа бўйича олиб бориши керак. Бундай олдиндан тайёрланган ўқитувчи иш режаси мухим ахамиятга эга. Истиқбол режа мавзулар бўйича соатларнинг таксимланиши ва (каникул) таътил хамда байрамларни хисобга олган холда мавзуларни

ўқитишининг муддатлари кўрсатилади. Ақли заиф ўқувчиларни билиш фаолияти хар доим ўзгариб туради. Табиат мавсумларнинг ўзгариши ёки об-хаво хам ақли заиф ўқувчиларни мас. системасига салбий таъсир кўрсатади. Уларда ўрганган мавзуларни эсдан чикариш холатлари учраб туради, бундай вактда ўқитувчи ўтилган мавзуни кайта мустахкамлаб, улар онгида тушунча хосил килиш мумкин, бу холат янги мавзуни ўтишга улгурмасликка олиб келиши мумкин. Бунда дастурни бажариш шарти билан мавзулар бўйича соатлар дастурда кўрсатилган бир мунча фарқ қилиши мумкин. Бунда муайян мавзуни 2-3 соатга кўпайтириш ва бошқа мавзуни шунча камайтириш мумкин. Ўқитувчи мавзуларни ўзи таклиф этган изчиллиги тушунчаларни ривожланишига, билимларнинг онгли ва пухта ўзлаштирилишига ёрдам беришини асосий деб билса, мактаб маъмурияти билан келишиб мавзуларни тартибини ўзгартириш имкониятига эга бўлади.

Ёрдамчи мактаб, табиатшунослик дарслари, дидактик масала ва мақсадларни кўзлаган холда олиб борилади. Ёрдамчи мактабдага дарсга куйидаги дидактик талаблар қўйилади.

1. Таълимий ва тарбиявий мақсадларнинг узлуксизлиги, ажралмаслиги;

2. Дарснинг хар бир қисми (этапи)учун услугуб ва ўкув материалини тўғри танлаш;

3. Гурухли (фронтал) ва якка тартибда (индивидуал) ўқитиши кўшиб олиб бориш;

4. Дарснинг ташкилий аниқлиги.

Ёрдамчи мактабда юкоридаги дидактик мақсадларга мувофиқ холда куйидаги дарс турлари қўлланилади.

1. Янги билимлар бериш дарси

2. Арапаш дарслар

3. Амалий дарслар

4. Назорат дарслар

5. Умумлаштириш, мустахкамлаш дарслари.

Ёрдамчи мактабдаги асосан нуксонни тузатишга каратилгандир.

1. Янги билимларни –мавзуни ўқитиш дарси.

Янги билимлар беришнинг асосий мақсада ақли заиф ўкувчиларда янги тушунчалар хосил қилиш. Уларни лугати, нуткини, тафаккурини-ривожлантириш. Табиатшуносликдан

бериладиган хар бир мавзу ўкувчиларни билиш фаолитияни түғирлашга қаратылған. Ўрганилаётган янги мавзуни акли заиф ўкувчилар ўзлаштириб олмагунча, янги мавзуга ўтилмайди. Хар доим янги мавзу ўтилған мавзу билан боғланади ва ўтилған мавзу атрофлича якунланиб янги мавзуга боғланади. Янги мавзуни, билимларни беришда дастурлаштирилған дарсни ахамияти катта. Ўқитишни шундай ташкил этишнинг афзаллиги билимларни элементар ўзлаштириш айрим ўкувчилар билимида узулишлар пайдо бўлишини олдини олади.

Дарсни ўтиш-дарс плани яхши тузилған бўлса хам агар вактга риоя қилинмаса, унинг синфда ўtkазилиши барibir мувоффақиятсиз бўлиши мумкин.

Дарсга 45 минут вакт ажратилади, улардан педагогик жихатдан анча самарали фойдаланиш керак. Шунга кўра ўқитувчи барча дарс қисмларини ўкувчига элементар тушунча хосил бўлгунча тушунтириш, уни муайян суръатда унумсиз, чалғитишиз (ўзгаришсиз) ўтказиш фойдалидир.

Дарснинг бошланишида “Ташкилий қисм” деб аталадиган қисмга вакт сарфлаш ярамайди. (Кундалик дарсда), мактабда болалар биринчи синфдан бошлаб, ягона галаблар асосида дарсга тайёр бўлишга ўргатилади. Дарсга ўқитувчи киргандан ўкувчиларни тайёрлигини билиш учун нигоҳ ташлаб билиши кифоядир. Дарс бошланишидан ўқитувчи дархол ўкув ишига ўтилған вазифани қайтариб, ўқитувчилардан сўраб сўнг, янги мавзуга боғлаб.

Янги мавзуни таништиришга киришиши керак. Бунда дарснинг мақсад ва вазифаларини айтиб ўтирасдан, мавзуни ва унинг моҳиятини ўкувчиларга кўргазмали материаллар бўйича тушинтирилиб якун ясалади. Одатда бошланишида ўкувчилардан сўralади – уй вазифасининг бажарилиши текширилади, бунга дарс соатининг ярмигача вақт сарфланади. Ўқитувчи доскага чиқкан ўкувчи билан гаплашади қолган ўкувчилар эса фаолиятсиз қолади. Бу жуда катта хатодир. Ватандош-методист олим В.В.Половцов “Ўқитувчи ўз олдида ўзининг алоҳида индивидуаллигига, ўзининг алоҳида хусусият ва белгиларига эга бўлган синф, яъни бирмунча жамоа бирлик турганини бир минут хам унутмаслиги керак. У “синфдан сеза олиши” хусусиятини хосил килмоги лозим, бу шунга олиб келадики, дарсда амалга ошаётган барча нарса факат алоҳида ўкувчиларники эмас, бутун синфники бўлиб қолади. Ўқитувчи

бутун синфнинг ишлаши учун, бутун синфнинг ўқитилаётган нарса билан қизиқиши учун, бутун синфнинг билим олиши учун доимоғамхўрлик килиб бориши керак"-деган эди. Юқорида айтилгандек ўқувчилар билимини дарснинг бошланишида текшириш ярамайди, балки уни янги материални ўрганиш билан уйғунлаштириш керак.

Дарсда ўқувчиларнинг ролини аниқлаш жуда мухимdir. Уларнинг уларнинг дарсдаги жавоблари синф ўқувчиларида тушунчаларни ривожлантириш учун хизмат қиласи; нотўғри жавоблар синф ўқувчилари томонидан тўлдирилади, тузатилади, зарур материални тақрорлаш учун, олдиндан берилган топшириклар бўйича ёки ўқиш учун тавсия этилган китоб ўқувчиларнинг жавоблари дарсда фойдаланилади.

Айниқса ўқувчиларнинг уйда, экспурсияда ёки дарсдан ташқари вақтларда ўтказган кузатишлари ва тажрибалари тўғрисидаги аҳборотлари, мухимdir. Бу холат ўқувчиларни идрок килишга, тафаккурини ривожланишига хизмат қиласи. Ўқитувчи дарсни янги материални тушинтириш билан бошлайди, шундан кейин олинган билимни машқлар ёрдамида мустаҳкамлаш мақсадида ўқувчиларнинг мустақил ишларини ташкил қиласи.

Ўқитувчи ўқувчиларга таққослаш учун бир қанча мисоллар келтириб, сухбат ёрдамида ўқувчиларни хулоса чиқаришга олиб келади. Бундай дарслар ўқувчиларнинг ақлий ривожланишига ёрдам беради, улар жонсиз табиатдаги ходисаларни тахлил қиласида ўсимликларни, хайвонларни тақкослаб хулосалар чиқарадилар, ақли заиф ўқувчиларнинг табиат хақидаги билимлари кенгаяди, билиш фаолиятлари янада тўғирланади, ривожланади. Табиатни севишга, ходисаларни тўғри англай олишга уни ардоқлашга ўрганадилар.

Тақрорлаш-умумлаштириш дарснинг дидактик максади ўтилган мавзуни қайтариш ва системалаштиришдан иборат. Дастур мавзуларини бирор бўлими тугаллангандан кейин ёки бирон катта мавзунинг ўқитилиши тугаллангандан кейин амалга оширилади.

Умумлаштирилган дарсда ўқитувчи ўқувчиларнинг ўтилган мавзуни қандай ўзлаштирганларини аниқлайди.

Бу дарслар ўқувчиларнинг ўқув материалини юқори даражада тушунишига ва ўтилганларни янги шаклда қайтаришга имкон беради. Қайтариш вақтида мавзу бўйича хамма ўрганилган материал умулашади. Масалан: дарсларда ўқувчилар турли хил

машқларни ўрганишади, умулаштириб кайтариш дарсида эса уларни тақкослайдилар. “Хайвонот олами” (Зоология)дан ёввойи ва уй хайвонларини ўргангандан кейин, ўкувчилар бир гурух хайвонларни ўзаро солиштириб, хар бир гурух учун умумий ва ўзига хос белгиларни аникладидилар. Хар бир табиатшунослик курси бўйича асосий тушунчаларни ривожлантирувчи тақрорлаш системаси зарур. V синфда жонсиз табиат курси бўйича тақрорлаш мумкин. VI синф «ўсимликлар», «ботаника» курсини тақрорлашда VII синф «хайвонот», «зоология» фани билан боғлаб тақрорлаш VIII синф одам анатомияси, физиологияси ва гигиенаси курси бўйича зоологиядан ушбу масалаларни тақрорлаш мухимдир.

Тақрорлашда ёки органлар системасини илгари ўргангандар билан тақкослаш, натижаларни жадвал, чизма (расм солиши)лар шаклида кайд килиш максадга мувофиқдир. Тақрорлаш турли методлар воситасида, лекин ўтилганларни анча вакт тежаб, умумлаштиришга имкон берадиган оғзаки ва кўргазмали методлар устунлигига ўтказилади.

Тақрорлаш учун синфдан ташқари ишларнинг оммавий формалари «Мактаб кечаларини», табиат бўйича байрамларни уюштириш, «Гуллар байрами» «Пахта» «Ҳосил» байрами, синфдан ташқари вақтларда «жамоа хўжалиги фермаси», «Боғдаги меваларни йигиб олиш», каби кишлоқ хўжалик ишларига қатнашиш ва кинофильмлар кўрсатиш орқали акли заиф ўкувчиларни мустакил меҳнат фаолиятига тайёрлаш ишлари, ўтилган дарсларни тақрорлаш, эсга тушириш орқали малакалар тарбияланади.

Ўкувчилар билимини хисобга олиш учун ўқитувчи қуидаги методлардан фойдаланади.

Оғзаки методлар услуби

1. Берилган саволга оғзаки жавоб.
2. Темага оғзаки жавоб - хикоя.
3. Кўргазмали методлар услуби.
4. Тарқатилган жадвал расмларга қисмларнинг номини ёзиш.
5. Таблица ёки расмлар бўйича хикоя.
6. Ўсимлик, хайвон, скелет, мулжалардан фойдаланган холда хикоя.
7. Иккита объекти тақкослаш.
8. Таркатма материалда ёки расмда объекти таниб олиш.

9. Доскадаги расмлар (индивидуал ва фронтал).

10. Тайёр расмлар, ўсимликларни гербарий нусхалари доскада намойиш қилиш.

Амалий методлар.

1. Нарса (препарат) тайёрлаш.

2. Илгари қўйилган тажрибани тақрорлаш.

Билимни хисобга олиш уларнинг сифатини назорат қиласди, айни вақтда билимни оширишга хам хизмат қиласди.

Йил бўйича ўқувчилар билимини узил кесил баҳолашда ўқитувчи улар фаолиятининг барча турларига қўйилган баҳоларни эътиборга олади ва ўқувчи билимининг қай даражадалигига қараб баҳолайди.

Ўқувчиларнинг билимлари назорат қилинмаса улар системали, изчил мустаҳкам билим ололмайдилар. Ўқувчилардаги билим даражалари тўғри, системали ва дифференциаллашган холда текширилиб турилгандагина мақсадга эришиш мумкин.

Ўқувчиларнинг ўзлаштирган билимларини текширишнинг тарбиявий таъсири шундаки, ўқувчиларда текшириш туфайли ўз-ўзини назорат қилиш хислатлари ривожланиб боради. Ўқувчилар билимлари кундалик, хар бир дарс давомида дастурдаги маълум мавзулар ўтилгандан кейин, хар бир чорак, ўқув йили охирида текширилади.

Шунга кўра баҳолашнинг жорий ва якуний турлари мавжуд. Хар бир баҳолаш турига мос келувчи текшириш усуслари мавжуд бўлиб, кундалик баҳолашда, ўқитувчи кузатиш юзаки сўрашдан фойдаланса, жорий ва якуний баҳолашда эса, оғзаки сўраш синов ишларидан фойдаланади. Ёрдамчи мактабларда ўқувчилар билимини текширишнинг барча турлари кўлланади ва бунда ақли заиф ўқувчиларнинг ўзига хос, хусусиятлари билиш фаолиятини қай даражада ривожланганлиги хисобга олиши ва ўқитувчи ақли заиф ўқувчиларни баҳолаётганларида оғнили муносабатда бўлишлари лозим.

Хаққоний баҳо, ёки рағбатлантириб қўйилган баҳо ўқувчиларни фанга бўлган муносабатларини ошишига хамда ўз кучига ишонч хосил бўлишига ёрдам беради.

Табиатшунослик дафтари дарсларда ўқувчилар дафтардан фойдаланадилар. Дафтарга мавзунинг сарлавхасини ёзиш

фойдалидир. Мавзуларни номини анча йирикroc харфлар билан ёзиш, расм ва ёзувларни факат ўқитувчининг кўрсатмаси билан килиш, каламда расм чизиш ва хоказо.

Биринчи дарсдаёқ ўқитувчи ўқувчиларни дафтар тутшига кўйилган талаблар билан таништиради. Дафтар тоза, тартибли бўлиши, ўқитувчининг сана ёзиши ва белги кўйилиши учун бўш жой колиши керак. Ўқувчилар дафтарга табиатдаги ўзгаришлар: обхаво белгиларини, ўсимликлар бобидан, ўсимлик кисмлари, илдиз, поя, новда, барг меваларни чизадилар. Айрим сўзларни лугавий маъносини ёзадилар.

Уйга бериладиган савол ва масалалар хам шу дафтарга ёзилади. Ўқувчилар уйда бу дафтарга берилган саволларга жавоб ёзиб келадилар. (Ботаника) ўсимликлар курсида ўқувчилар дарсдаги амалий ишлардан кейин тажриба ва кузатишлар натижасида қилинадиган йигилган материаллардан каттароқ форматдаги қоғозга маҳсус гербарий дафтарида, мас: расм дафтарида олиб борадилар. Ўсимликларнинг ривожланиши устидан уйга мустакил кузатиш ўтказиш натижасида куритилган ўсимликлар, уруглардан чиққан майсалар тупроқ эритмасида ёки сувда ўстирилган ўсимликлар крахмалли шаклларга риёжланган новдалар, илдизи қаламчалари, чангланган гулдан тугилган меваларнинг кесиги ва шу кабилар ёпиширилади.

Одатда дафтарнинг юритилишида хам ўқувчилар фикрини хам тартибга солувчи ёзувлардаги система, ишда вақтини тежаш ва ўқитувчининг эътиборида ва хокозалар бўлиши керак.

Ёрдамчи мактаб табиатшунослик дарсларида экскурсияни ўрни ва аҳамияти-мактаб экскурсияси синф ёки ўқувчилар группаси билан ўтказиладиган ўқув-тарбия ишининг бир формасидир; у мактабдан ташқари ўқитувчининг танлашига қараб табиий мухитда ёки сунъий яратилган шароитда объектдан-объектга кўчишда дастурга боғлиқ мавзулар бўйича билиш мақсадида ўтказилади.

Экскурсиялар асосан баҳорда ва кузда (ботаника) ўсимликлар, (зоология) “хайвонот” олами табиатшунослик курслари бўйича олиб боради. Экскурсияларни мазмуни илгариги дарсларда ўтилган материаллар билан бевосита боғланади ва айни вақтда олинган тасаввурлар, табиатдаги кузатиш натижалари, материаллардан келгуси дарсларда фойдаланилади. Ўқитувчи экскурсия ўтказиш муддатини йиллик планда олдиндан белгилайди, тегишли дарсларда

Эса мұлжалланған экскурсия олдидан үқувчилар учун табиатнинг ўзида үрганилған ходисалар билан танишиш заруригини күрсатадиган вазият яратади. Бунда табиатда ҳал қилиниши лозим бўлган саволлар кўйилади, такрорлаш ва экскурсияга топшириклар берилади. Ўқитувчи экскурсия ўтказилгандан кейин у билан бўладиган тескари боғланишларни кўрилганлардан, нималарни эслаш кераклигини кўрсатиш ва амалий ишлар учун тўпланнан материаллардан қандай фойдаланиш кераклигини хам белгилаб қўяди.

Экскурсияларнинг билим орттришларидаги роли катта у тарбиявий ва таълимий ахамиятга эга. Ақли заиф үқувчилар билимини кенгайтиради ва мустахкамлайди. Үқувчилар ўсимликлар ва хайвонларнинг табиий мухитда: ўсимликларни тупроқка, хайвонларни эса ўсимликларга bogliq холда кўрадилар, алоҳида организмлар ва ходисалар хақида илгари ҳосил қилинган тушунчалар экскурсияларда табиат ҳақидаги янада кенгрок тушунчалар билан бирлашиб кетади.

Экскурсиялар ўқитувчининг бевосита раҳбарлигига табиат ходисаларни кузатиш дунёнинг моддийлиги, табиатдаги ўзаро боғланиш ва ривожланиш, табиий бойликларнинг ҳалқ ҳўжалиги учун ахамияти тўғрисида, уларни хар томонлама муҳофаза қилиш экология бузилишларни олдини олиш каби дастлабки тасаввурлар ҳосил қилиш бўлишига ёрдам беради.

Ўқувчилар экскурсияларда (эстетик) гўзалликни хис қилувчи туйгуларни ўйғотади.

Экскурсияда келгуси дарсларда, дарсдан ва синфдан ташқари машғулотларда фойдаланиладиган материаллар: (табиатни муҳофаза қилишни хисобга олган холда) тўпланади. Бунда тирик объектлар танлаш, коллекциялар ва гербариylар тайёрлаш қўнималари ҳосил бўлади.

Савол ва топшириқлар.

1. Ёрдамчи мактаб табиатшунослик дарсига қандай талаблар кўйилган ва дарс тузилиши?

2. Дарсда қайси методларни роли катта ва қачон фойдаланилади?

3. Экскурсия қандай педагогик натижалар беради?

4. Экскурсияда тўпланган материаллардан қандай фойдаланилади?

IX-БОБ. СИНФДАН ТАШҚАРИ ИШЛАР, СИНФДАН ТАШҚАРИ МАШГУЛОТЛАРНИ ТУРЛАРИ

Синфдан ташқари машгулотлар ўқувчиларнинг ўқитувчи раҳбарлигига дарсда уларнинг билимга кизикини хамда ижодий хаваскорлигини ўйготиш ва намойин килиш учун табиатшунослик бўйича мактаб дастурини кенгайтириш ва тўлдиришга каратилган дарсдан ташқари ташкил килиш шаклидир.

Синфдан ташқари ишлар ёрдамчи мактаблардаги бутун ўқувтарбиявий ишларнинг таркибий кисмидир. У нуксонли болаларни хар томонлама ривожлантиришга, ижтимоий фойдали фаолиятда фаол иштирок этишга тайёрлашга хизмат киласи. Синфдан ташқари ишлар асосан таълим-тарбия ишларини давом эттириб, ақли заиф болалардаги руҳий ва жисмоний камчиликларни юмшатишга, тузатишга яхши шароит яратади. Синфдан ташқари ишлар ижтимоий фойдали, жисмоний, таълимиy, тарбия, ўқувчиларнинг маданий дам олиши бўйича ташкил этилиши мумкин.

Машгулотларнинг синфдан ташқари шакли ўқитувчининг педагогик ижодий ташаббусини намоён қилиши учун хам, ўқувчиларнинг хилма-хил идроки, хаваскорлик кўрсатишлари учун хам ва энг муҳими уларни тарбиялаш учун хам кенг имкониятлар очиб беради.

Машгулотларнинг синфдан ташқари шакли ўқувчиларда материалистик дунёкарап, меҳнат маданияти ва табиатга мухаббатни тарбиялашга ва билишга кизикиши мустакил кузатиш кўниkmаларини, ташабbus ва колективизмни ривожлантиришга ёрдам беради.

Синфдан ташқари ишларнинг барча турларида муайян система ва ривожланишда амалга ошириладиган ягона тарбияловчи таълим риоя қилинади.

Синфдан ташқари машгулотларнинг барча турлари ўзаро боғлиқ ва бир-бирини тўлдириб туради.

Тирик ўсимлик ва хайвоналар билан ишлашга қизикиш, одатда, дарсда тугилади ва айникса қизиккан ўқувчилар ўқитувчиларнинг хамма учун мажбурий тониширикларидан ташқари, ихтиёрий равишда ўз зиммаларига олган анча мураккаброқ

вазифаларни хам бажарадилар. Айрим ақли заиф ўқувчиларни табиатшунослик фанларига қизиқиши күчли бўлади. Улар ақлий меҳнатдан кўра жисмоний меҳнатни севиб қиласидилар. Мактаб ер участкасидаги ўсимликларни парвариш килиш кишлоқ хўжалигидаги ишларга ўқувчилар қизиқиб қарайдилар. Қизиқувчи ўқувчиларни ўқитувчи ёш табиатшунослар тўгарагига жалб қиласидилар. Ўқитувчи ёш табиатшунослар тўгарагининг иш натижаларини факат дарсдагина эмас, балки оммавий, тадбирларда, кечаларда, байрамларда, кўргазмалар ва бошқаларда кўрсатишга харакат қиласидилар.

Ўқитувчининг вазифаси ўқувчилардаги қизиқишини кенгайтириш, фанни севган табиатни тадқиқ қила оладиган маълумотли кишиларни тарбиялашдир. Синфдан ташқари иш турлари ўқувчиларни (индивидуал) алохида, якка ишлардан коллектив ишларига томон олиб боришга имкон беради. Бундан кейингиси ижтимоий йўналиш касб этади, бу эса ақли заиф ўқувчилар синфдан ташқари ишлар орқали мустақил ишлаб келажакда жамиятга фойдаси тегадиган шахс қилиб тарбиялашда катта рол ўйнайди.

Синфдан ташқари ишларда ўқувчиларни қизиқишилари кўпинча тор, маънода айрим хайвонларга хаваскорлик мунособатида бўлиш билан чегараланган бўлади. Ўқитувчининг вазифаси ўқувчилардаги қизиқишини кенгайтириш, фанни севган, табиатни севиб уни ардоклаб меҳнат қилишини ва ундаги бойликларни эъзозлаб, кишилар меҳнатини хурмат қила оладиган ва ўзлари хам шундай меҳантсеварлиги билан табиатга мунособатда бўладиган кишиларни тарбиялашдир.

Синфдан ташқари иш турлари ўқувчиларни индивидуал ишларидан коллектив ишларига томон олиб боришга имкон беради, бундан кейингиси эса ижтимоий йўналиш касб этади ва бу тарбия учун катта ахамиятга эгадир. 5-жадвалда табиатшунослик бўйича синфдан ташқари машғулотлар берилган.

4 – жадвал

Индивидуал машғулотлар.	Тирик табиат бурчагидаги иш. Мактаб ўкув тажриба участкасидаги иш. Табиатдаги иш. Синфдан ташқари ўқиш.
Оммавий машғулотлар.	Кабинетни жихозлаш кинофильмлар намойиш этиш. Табиатга экскурсия ўқувчи ишларини кўргазмалари куни, боғ хафталиги қўкаламзорлаштириш хафталиги. Кушлар куни, гуллар байрами, журнал, деворий газета, альбомлар нашр қилиш.
Группали машғулотлар.	Табиатга қизиқкан ўқувчиларни (жонсиз табиат), “ўсимликлар” (ботаника), “хайвонот” (зоология) “соғлиқни сақлаш”, “одам тузилиши” курслари бўйича машғулотлар ташкил қилиш. Хар бир фан бўйича “тугарак” ташкил қилиш.

Индивидуал синфдан ташқари машғулотлар-синфда ўқитувчидан ихтиёрий равища уйда ёки мактаб тирик бурчагида ишлаш учун топшириқ оладиган хаваскор ўқувчилар бўлади. Айрим ўқувчилар уйда ўзларининг тирик табиат бурчагини ташкил этадилар. Бундай ўқувчиларга ўқитувчи уйда ёки тирик бурчакда ёки мактаб участкасида тажрибалар қўйиш учун ва синфда бериладиган дастур билан боғлиқ бўлган мажбурий топшириклардан ташқари ёзда кузатишлар ўтказиш учун кўрсатмалар беради. Индивидуал синфдан ташқари машғулотлар аслида уй ва дарсдан ташқари ишларнинг ихтиёрий туридир.

Синфдан ташқари ўқиши ўқувчилар тафаккурини ривожлантиради, предметга қизиқишини оширади. Мактабдаги барча тадбирлар билан бир қаторда у китоб билан доимий мулоқатда бўлишига интилишни тарбиялайди. Мас. Хайвонот олами бўйича китобларга қизиқиш. Р.Киплингнинг “Маугли”, Э.Сетон-Томпсоннинг “Хайвонлар хақидаги хикоялари”, “Кушлар бизнинг дўстимиз” ва бошқа хайвонлар хақидаги эртак ва хикояларни мустакил ўқишига ўргатиш, улардаги қизиқишини янада ривожлантириш ўқитувчи маъсулиятига боғлиқдир. “Табиат фанларини ривожланишига хисса кўшган буюк шарқ мутафаккирлари Ал-Хоразмий, “Мирзо Улугбек”, “Беруний”,

“Жайхоний”, “Ал Самарқандий”, “Бобурнома” асари каби мутафаккирларни хаёти, ижодини ўрганиш оркали ўқувчилар шу мутафаккир олимлар меҳнатга ҳурмат фан ривожланишига кизиқиш ошади. Ўқитувчи ўқувчиларни ўргатган билимларини янада тўлдириб уларни хам меҳнат кишини улуглайди. Меҳнат килишлари натижасида мана шундай буюк кишилар тарихда ўз номларини қолдирған деб, ўқувчиларни хам меҳнат қилишга кизиқиши ўйгониши керак. Ақли заиф ўқувчиларни рағбатлантириш, уларни меҳнат қилишга, ўз кучига ишонишга имкон яратади.

Оммавий синфдан ташқари ишлар.

Ўқитувчи тарбиявий ва таълимий жихатдан барча ўқувчилар коллективига таъсир кўрсатиш учун оммавий машгулотларни ташкил килади.

Синфдан ташқари табиатга оид экскурсиялар – табиатга оид мавзуларда ўтказилиши мумкин. Масалан: “Тупроқ ва ўсимликлар”, “Ўрмон ўсимликларининг хаёти”, “Инсоннинг йўлдошлари”, (“уй олдидаги ва ҳовлидаги ўсимликлар”, “Боғ - санъат ёдгорлиги”, “Куз фаслида кишилар меҳнати”) ва хоказо экскурсиялар ўтказиш мумкин.

Хар бир табиатшунослик бўлимлари (курслар) бўйича кинофильм, диафильм, диопозитивлар ўқувчиларга мавзу бўйича намойиш этилади. Бундай машгулотларнинг ақли заиф ўқувчилар учун ахамияти катта бўлиб уларни ижтимоий фойдали меҳнатга бўлган қизиқишиларини янада орттиради ва тарбиялайди.

Группали машгулотлар – ўқувчиларнинг табиатшунослик кабинетини жихозлашга ёрдам берадиган ихтиёрий ишлар киради.

Ўқувчилар ўқув қуроллари (асбоб ва ускуналар, жадваллар) ясайдилар тарқатма материал, хайвонлар учун кафас, ўсимликлар учун токчалар тайёрлайдилар, кўргазмали қуролларни янгилайдилар, уларни яхши саклаш учун тартибга соладилар хар бир бўлимдаги мавзулар бўйича ақли заиф ўқувчиларни билиш фаолияти, қизиқишини хисобга олган холда тўғарақларда ишлар олиб борилади. Хар бир фанга бўлган қизиқиши орттириш учун ўқитувчи қизиқарли мавзуларни бориши, ўқувчиларни ўзлари қизиқиб вазифани бажара оладиган бўлиши керак. Хатто қизиқиши паст ўқувчи хам бундай ўртоклари ишларига қизиқиб меҳнатни энг оддий турларини бажариб кета оладиган бўлади. Синфдан ташқари олиб бориладиган машгулотларни билиш фаолияти (нутқ, идрок,

тафаккур ва бошқа жисмоний, рухий қамчиликларини түғирлаш (коррекциялаш)да ва келажакда ижтимоий фойдали меҳнатни, мустакил равиша бажара олишиларига имкон яратади, тарбиялайди меҳнат малакаларини хосил килади. Ақли заиф ўқувчиларни мустакил хаётга тайёрлади.

Савол ва топшириқлар.

1. Ёрдамчи мактаб ўқувчилариға синфдан ташкари машғулотларни ахамияти нимада?
2. Группали, оммавий, индивидуал машғулотлар мазмунинимадан иборат?
3. Оммавий машғулотлар бўйича план-конспект тузинг. (ўқитувчи кўрсатмасига биноан).

Ақли заиф ўқувчилар билан дарсдан ташқари ишларини олиб бориш мазмуни.

Дарсдан ташқари ишлар ўқитувчининг индивидуал ёки группали топшириклари асосида дарсдан кейин курсни ўрганиш билан боғлиқ бўлган мажбурий тарзда амалий ишларни бажариш учун ўқувчиларни ташкил этиш формасидир.

Дарсдан ташқари ишлар;
Табиат шунослик хонаси (кабинетида),
Тирик табиат бурчагида,
Ўкув-тажриба участкасида,
табиатда бажарилади.

Булар –калекций ва гербарилар тайёрлаш билан бирга олиб бориладиган қузатишлар, шунингдек, дарсда намойиш килинадиган тажрибаларга тайёрланиш каби ишлардир. Ўқувчиларнинг дарсдан ташқари ишларининг зарурлиги биринчи навбатда шу билан белгиланадики, ўсимликлар ва хайвонлар устида олиб бориладиган кўпгина узоқ муддатли табиатни қузатишлар ўқув жадвалига сигмайди. Баъзи холларда асбоблар – микроскоп этишмаслиги, синфда ўқувчилар сонини кўплиги ва бошқа сабаблар синфда муайян ишларни бажаришларига тўскинлик қиласди.

Майда хайвонларни парвариш килиш бўйича амалий машғулотлар хар хил ўтказилади. Бунда ўқувчилар 3-5 тадан

гурухларга бўлинади. Ҳар бир гурух тирик табиат бурчагида ўқитувчини тушунтиришидан сўнг мустақил равишда иш олиб борадилар, хафта давомида хайвонларни парвариш қиласидилар, сўнгра навбатчиликни бошка гурухларга топширадилар.

Ўқитувчининг топшириги бўйича мактаб ўқувчилари хайвонлар устида, кейинчалик дарсларда фойдаланиладиган узок муддатли кузатишлар ва тажрибаларни олиб борадилар. Дарсдан ташқари ишлар шундай хисоб билан ташкил этиладики, бунда ҳар бир ўқувчи йил давомида бир иккита иш бажаради, уларнинг бажарилишига ўқитувчи баҳо қўяди.

Дарсдан ташқари ишлар мавзусига кўра уйга берилган тажрибаларга яқин хисобланади, баъзи ҳолларда уларга мос келади. Фарқи шундаки уй ишлари анча оддийроқ бўлади, улар асосан бутун синф учун бир вақтда берилади ва уйда бажарилади. Дарсдан ташқари ишлар турли-туман мураккаброқ бўлади, маълум жихозни ўқитувчининг доимий раҳбарлиги ва назоратини талаб қиласиди ва ўқувчиларнинг имкониятини хамда тирик табиат бурчагининг сигдириш имкониятини хисобга олган холда таклиф килинади.

Дарсдан ташқари ишлар, уй ишларидек, баъзан дастлабки характерда бўлади, яъни синфда ўрганишдан бир неча кун, хафта илгари берилади. Масалан: ўсимлик илдизини тузилиши-тажрибалар (уй ховлисида ёки мактаб тажриба ерида ўсадиган гул ўсимликлари ва мевали даражатлар илдизи 10-15 кун;)

- Баргда крахмал излари ҳосил бўлиши – 1 хафта;
- Барглардан O₂ (кислород) ажралиши- 3 кун.
- Поя бўйлаб H₂O (сув)нинг кўтарилиши.
- Бегона ўсимликларнинг баргдан кўпайиши – 1 ой.
- Моҳ (йўсин) майсаларини ўстириш – 15 кун.
- Попоротник (қирқбўғин) майсаларини ўстириш – 2 ой ва хоказо.

Хайвонлар устида ўтказиладиган тажрибалар узок муддатли бўлади. Ҳар бир кузатиш тажрибаларин ўқитувчи ақли заиф ўқувчиларни билиш фаолиятига, қизиқишига қараб танлайди ва белгилайди, уни ўқувчиларга тушунтириб, натижаларини биргаликда ҳал қилишлари керак. Ўқитувчи ҳар бир ўқувчини кузатиш натижаларини рағбатлантириши ўқувчи интилишини мавзуга бўлган қизиқишини янада оширади.

Табиатшунослик хонасидаги ва тирик табиат бурчагидаги дарсдан ташқари ишлар. Табиатшунослик хонасидаги ва тирик табиат бурчагидаги дарсдан ташқари ишлар күпинча кеч кузда, кишида ва эрта баҳорда бажарилади, йилнинг бошқа даврларида улар ўқув-тажриба участкасида хам ўтказилади. Айниқса улар табиатшуносликни ўқитишида кенг қўлланилади. Бунда ақли заиф ўқувчиларини билиш фаолиятлари ва ёшлирга мос ҳолда содда мазмундаги шунингдек, табиий материалларини топиш имконияти билан белгиланади.

“Ўсимликлар” мавзуси бўйича дарсдан ташқари ишларни дастурнинг хар бир мавзуси юзасидан мас; “Ург” мавзуси бўйича униш вақтида уругнинг бўртишини кузатадилар, унинг унувчанлигини аниқлайдилар; “Илдиз” мавзуси юзасидан илдиз меваларига шакар эритмасининг ўтишини кўрсатувчи ва сув ўсимликлари устида тажриба ўтказадилар.

“Барг” мавзуси бўйича қатор баргларда крахмал хосил бўлиши, баргларнинг кислород ажратиши каби тажрибалар ўтказадилар. Ёрдамчи мактаб табиатшунослик дарсларини 6-7 синфларида “Ўсимликларни асосий гуруппалари”ни кузатиш билан боғлиқ бўлган дарсдан ташқари ишлар, аўли заиф ўқувчиларни табиатдаги ўсимликларни турини споралилар бўйича бактерияларни турли муҳитда ва хар хил шароитда ўстириш; попоротникларни ўсимталардан ўстириш, гулли ўсимликлар бўйича тирик табиат бурчагидаги ўсимликларда ёпиқ уруғиларнинг биологик хусусиятни кузатиш 7-синфда ўтиладиган “хайвонот олами” мавзулари бўйича дарсдан ташқари ишларда, тирик табиат бурчагида энг содда хайвонларни кўпайтириб уларни микроскопда ўрганадилар. “Ковакичлилар” мавзуси бўйича ақли заиф ўқувчилар гидранинг озиқланиши, харакатланиши, куртакланиб кўпайиши уларни муайян таъсирларга жавоб реакциялари устида кизикарли кузатишлар олиб борадилар. Халқаличувалчантни ўрганишда уларни муайян таъсирларга жавоб реакциялари устида кизикарли кузатишлари олиб борадилар. Халқаличувалчангларни тупроқ хосил килишдаги фаолиятини кўрсатувчи тажрибалар кўядилар, ёмғир чуvalчангларини харакатланишини, уларни турли таъсирларга жавоб реакцияларини кузатадилар. “Одам соглигини саклаш гигиенаси” бўйича табиатшунослик курсининг 8-синфда ўтказадиган синфдан ташқари ишларида, оддий тибиий

күнімаларни (сүяклар синганда, чиққанда, биринчи ёрдам күрсатиши, сунъий нафас олиш услублар ва баъзи тез ёрдам усулларини уюштириш кабилари күлланилади). Дарсдан ташкари вактда табиатшунос ўқитувчи мавзу ўтилгандан сўнг мавзуни мустахкамлаш ва ақли заиф ўқувчиларни мустақил равишда мактаб шифокори ва ўқитувчи назорати остида ўқувчиларни бир-бирларига тибий ёрдам күрсатишиларини кузатишлари керак. Табиатдаги дарсдан ташкари ишлар ёрдамчи мактаб ўқувчиларини билиш фаолиятлари чегараланганлиги сабабли уларни нуткини ривожлантириш ишларини бошлангич синфларда табиат хақида элементар билим малака күнімалар хосил қилиб юкори синфларда масалан, 5-синфда “Жонсиз табиат”, 6-синфда “Ўсимликлар дунёси”, 7- синфда “Ҳайвонлар”, 8-синфда “Одам ва уни соғлигини сақлаш гигиенаси” курсларида ўқувчилар билиш фаолиятлари аста секинлик билан кенгайиб тўгри (коррекция)ланиб борилади. 6-8 синфларда систематик равишда олиб бориладиган фенологик кузатишлар алоҳида ўрин тутади. Ўқувчилар хар куни кундаликлариға табиатдаги мавсумий ўзгаришларни ёзиб борадилар. Синфда яхши ўзлаштирувчи ўқувчиларга топшириқ берилади, синфда хар икки кунга икки кишидан мўлжаллаб кузатувчи навбатчилар жадвали белгилаб қўйилади. Бунда хар бир янги кузатувчи биринчи куни аввалги навбатчи билан, кейингиси эса бошқа янги кузатувчи билан навбатчилик қиласди. Баҳорда гуллайдиган ўсимликларни мактабга олиб келинади ва гулдонга ёки пробиркага солиб деворга осилади. Қоғоз ёпиштириб ой кун ва ўсимликлар номи ёзилади. Ўсимлик ва ҳайвонот дунёсида олиб бориладиган фенологик кузатишлар об-ҳавонинг холати билан боғланади. Элементар метеорологик кузатишлар олиб борилади (термометр, барометр, флюгернинг кўрсатиши; булутилик, ёғингарчилик кузатилади) хар хафта, ойда фенологик булютенда эълон қилинадиган маълумотлар графиги тузилади.

Фенологик кузатишлар тирик бурчакда ва ўкув тажриба участкасида олиб бориладиган тажрибалари билан параллел равишда ўтказилади. Бу кузатишлар маълумотлари ўсимликлар ва ҳайвонларни ривожланиши ҳамда хулқ-атвори билан таққосланади. Фенологик кузатишлар экспурсиялар олдидан ўтказилади. Уларни мазмунига киритилади ва экспурсия материалларини тўлдиради. Тирик табиат бурчагида, участкада ва табиатда бажариладиган

дарсдан ташкари ишлар дарсни ўрганиши учун кизикарли материаллар беради. Ўкувчиларни мустакил ишлаш ўкуви, кўникмаларини тарбиялайди табиатга бўлган кизикишини ривожлантиради. Бундай ишларни ёрдамчи мактаб ўқитувчиси ўкувчилар билан ишланини билиши, яхши ўзлаштирадиган ўкувчиларга мураккаб вазифалар берини уларни натижаларини талаб килиц ўринлидир. Дарсдан ташкари ишларнинг аҳамиятли томони шундан иборатки ўкувчиларга ўсимликлар, хайвонлар хакидаги адабиётларни тоцишлари, ўқитувчидан бажарадиган ишлари бўйича (консультация) йўл-йўриг олиши, саволлар бериб, вазифасини бажаришга ёрдам сўраши ўкувчини фанга бўлган кизикишини орттиради. Дарсдан ташкари ишларда акли заиф ўкувчиларни билиш фаолиятлари тўтиранади, уларда меҳнат кўникмалари тарбияланади. Дарс билан узвий боғлик холда ва системада дарсдан ташкари ишлар табиатшуносликни ўқитишнинг мажбурий формаси бўлиб колади, улар асосий ва бош формани-дарсни давом эттиради ва мустахкамлади.

Топшириқ ва саволлар:

1. Синфдан ташкари ишлар билан дарсдан ташкари ишларнинг фарки нимада? Улар ўкувчиларнинг кизикишларига мос келадими?
2. Дарсдан ташкари ишлар кўргазмали қуроллар ва таркатма материаларни тўпланишига имкон берадими?

Х БОБ. ЁРДАМЧИ МАКТАБДА ТАБИАТШУНОСЛИКНИ ЎРГАИИШ БИЛАН БОҒЛИҚ БЎЛГАН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДАГИ ИЖТИМОИЙ-ФОЙДАЛИ МЕҲНАТ

Ўқувчилар меҳнатини ташкил этишга бўлган талаблари, оммавий мактаблар сингари ёрдамчи мактабларда ҳам меҳнат таълими ва тарбияси ақлий ва жисмоний, ахлоқий ва эстетик тарбияни бирлаштирувчи умумий коида бўлиб хизмат қиласди, чунки у ўсиб келаётган авлодни ҳар томонлома ривожлантиришнинг моҳияти ва мақсадидан келиб чиқади ва жисмоний камчиликларни тўгрилашга хизмат қиласди.

Мактаблар тажрибаси қишлоқ хўжалигидаги жисмоний меҳнатнинг ўқувчиларга, агар у ақлий (интеллектуал) томонни хисобга олган ҳолда амалга оширилса, катта тарбиявий таъсир кўрсатишни кўрсатади. Агар қишлоқ хўжалигидаги жисмоний меҳнат ўқувчилар (интелекти) ақлий қобилиятининг ишлатилишини талаб этса, уларнинг эмоцияларини ва иродасини ўзига тортса, ҳар қандай меҳнатни қизиқиб бажара олади. Бу меҳнатга ижтимоий муносабатни тарбиялайди. Бу, меҳнат фаолиятларини табиат кўйнида бажариш маъносини аниқ тушунган ҳолда, билим малакаларига таянган ҳолда бажарилади, бунга қишлоқ хўжалигидаги меҳнатни табиатшунослик ўқитиши билан боғлашдагина эришилади. Акс ҳолда ўқувчилар меҳнат фаолиятларини қизиқмасдан юзаки, амалий ишларни «мажбурий» бажарадилар, бу улардан фақат ишчи кучи сифатида, Фан асосларини систематик ўзлаштиришдан ажralган ҳолда фойдаланишдан иборат бўлади.

Ижтимоий фойдали меҳнатни муваффақиятли амалга ошириш ўқувчилар учун хилма-хил меҳнат турларини танлаш ва уларни навбатлаштириб туришни талаб этади. Бир хил иш турларни масалан, ўтқ қилишни узок вақт давомида бажаравериш фақат ўрта мактаб ўқувчиларини эмас, балки катталарни ҳам чарчатиб қўяди. Улар ишга қизиқиши йўқотадилар ва ишдан бош торта бошлайдилар. Ўқувчиларнинг жамоа хўжалигидаги тўғри ташкил

килингган меҳнати ишнинг хилма-хил турларини ўз ичига олади, бу ҳар бир ўқувчининг амалиёт билан танишиши учун зарурдир.

Ўсимликларни ўтоқ қилиш, тупроқни юмшатиш, ўғитлаш, картошка ва бошқа ўсимликларни чопик қилиш билан алмаштирилади; қарам кўчатларининг пикировкасидан кейин помидор кўчатлари ўтказилади ва ҳ.к.

Кишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида ўқувчиларнинг жисмоний ишини ташкил этишда ҳар хил ёшдаги ўқувчиларнинг меҳнатни уddyалай олишларини хисобга олиш зарур. VI-VIII синф ўқувчилари енгиллаштирилган типдаги маҳсус қўл асбоблари билан таъминланган бўлиши керак. Имконият бўлганда меҳнатнинг «кичик механизация» қуролларидан: - юмшатиш, паншаҳа, пуркагич ва бошқалардан фойдаланилади. Ўқувчиларнинг катталарга мўлжалланган инвентарь билан ишлаши, сувли оғир чеҳак, замбил қон у кабиларни қўтариши юракка оғирлик қиласи ва бу албатта соғликка зиён етказади.

Ўқувчиларнинг қишлоқ хўжалигидаги ижтимоий фойдали ишлари таълим-тарбия мақсадларига бўйсундирилгандагина ўзини оқлайди.

Ўқувчиларни қишлоқ хўжалик ишлари бўйича меҳнатга жалб қилиш келажакда уларни хаётга мустақил ишлаб кета олишига замин тайёрлади. Ҳар қандай меҳнат турлари «Ақли заиф ўқувчилар фаолиятини» - қишлоқ хўжалигидаги ижтимоий-меҳнат яхши тарбиялайди, уларнинг билим фаолиятини ривожлантириб, табиатни бойитади ва унинг майли (қизиқиши)га яхши йўналиш беради. Қишлоқ хўжалиги ўз ишларининг хилма-хил бўлиши билан, зарур бўлганда бу ҳодисалардан фойдаланиш ва уларга қарши курашиши билан факат юқори даражадаги кўргазмали ўқитиш учунгина эмас, балки мустақиллик, зеҳни ўткирлик, ақл-идрок ва умуман характерни шакллантириш учун хам тўхтовсиз ортиб бораётган материални беради.

Ўқувчиларнинг қишлоқ хўжалигидаги жисмоний меҳнатини ўқув иши билан уйғунлаштириб олиб бориш пудратчиларнинг, совхоз ишчиларининг меҳнатига онгли муносабатда бўлишни, жамоа хўжалик ишлаб чиқаришининг илмий асосларини чукур ўрганишни тарбиялашга ёрдам беради.

Ақли заиф ўқувчиларни ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этиш.

Акли заиф ўқувчиларни унумли меҳнатга куйи синфлардан бошлаб жалб қилиш улар учун уддаласа бўладиган ишдир. Булар яқин шахар, нохия жамоа хўжаликларни кўкаламзорлаштириш бўйича bog хиёбон бошқармасига ёрдам сифатида турли хил характердаги ижтимоий-фойдали ишларни бажаришdir.

Бунга мактаб теварак атрофларни ободонлаштириш бўйича, мактаб ўқув-тажриба участкасини барпо қилиш, паррандалар учун жой ташкил қилиш ва ш.к. киради.

Ёш ўқувчилар ҳосилни йигиб-теришда, тупроқни ўгитлаш учун кул тўплашда, турли ўсимлик ургуларини йигишида, маданий ўсимликларни парваришлашда жамоа хўжалик ва мактабга ёрдам берадилар. Улар қушларни жалб қилиш учун уялар тайёрлаб осиб кўядилар. қора мол фермаси учун хашак ем, озука ёки паррандачилик фермаси учун дон ва резавор-меваларни тайёрлашга уларнинг курби етади.

Барча ёшдаги мактаб ўқувчиларининг ҳовли, кўча, йўлларни кўкаламзорлаштириш bog ва хиёбонлар барпо этиш ҳамда кўчватларни муҳофаза қилиш каби турли тадбирларни ўтказиша қатнашишларни катта ижтимоий аҳамият касб этади. «кушлар куни», «Ҳосил байрамларини» компанияларига мактабларда катта эътибор берилмоқда.

Ёрдамчи мактаб ўқувчиларини унумли меҳнатга жалб қилишни бутун педагогик жамоа табиатшунослик ўқитувчиси раҳбарлигига амалга оширилади. Ўқувчиларнинг ижтимоий фойдали жамоа хўжалаги меҳнатини ташкил этишни мактаб директори томонидан бошқариладиган умуммактаб иши учун баҳолаш зарур, чунки меҳнат, факат тор, табиатшунослик ўқитиши доираси билан чегараланиб қолмасдан, балки умумтарбиявий аҳамиятга эга.

Ўқувчиларнинг қишлоқ хўжалик меҳнатига жалб қилиниши кўпинча систематик характер касб этади (масалан, оталиққа олиш). қишлоқ мактабларида ўқувчиларнинг айрим дала, резавор-мева экинлари ёш қишлоқ хўжалик ҳайвонларини оталиққа олишлари муваффақиятли амалга оширилмоқда. Оталиққа олган ўқувчилар ҳимояларида бўлган ўсимлик ва ҳайвонларга ёш хўжайин ва дўст сифатида муносабатда бўладилар. Улар зарур ишларни, уларнинг вакти ва тартибини ўзлари планлаштирадилар, натижалари учун маъсулиятни ўз зиммаларига оладилар.

Шаҳар мактабларида ҳам: шаҳар боғлари ёки парклари, ҳовли ёки қўчалардаги ўсимликлар устидан оталик килиниши мўмкин, бу ҳам жуда сезиларли ижобий натижалар келтиради.

VI-VII синф акли заиф ўқувчилари ўсимлик ва хайвонларни ўрганиши билан боғлиқ ҳолда мактаб ўқув-тажриба участкасидаги меҳнатга жалб этилади, бу табиатшуносликни ўқитнида ўқувчиларни политехник меҳнатга тайёрлашда фоят мухимdir.

Юкори синиф ўқувчиларини кишлок хўжалик меҳнатига жалб этиш табиий ва иктисадий шароитларга караб ҳар хил бўлади. Кишлок жойларида ўқув-ишлиб чикарни пурратчилари ўзини окламади, улар маҳсус ажратилган жамоа хўжалик далаларида умумий ишларни бажарадилар ва ишилаб чикариш учун жавоб берадилар. Жамоа хўжалиги мактабни хаёт билан боғланишининг ва ўқувчиларни кишлок хўжалигининг маълум тармокларида ишланига профессионал тайёрлашнинг асосий базасидир.

Шу мақсадда мактаб, ўқувчиларнинг илфор кишилари, самарали иш усуслари ва юкори техника билан танишиши мумкин бўлган синф ўқувчиларига кишлок хўжалигини ҳар томонлама ўргатишга, ўларга кишлок хўжалик меҳнати маданиятини сингдиришга, кишлоқ хўжалигига муҳаббатни ва мактабни тутаттагач, у ерда ишлаш ҳоҳишини тарбиялайди.

Мактаб жамоа хўжалик раҳбари билан шартнома тузади, бунда ҳар иккала томон мажбурияти мўлжалланнади.

Ўқув-ишлиб чикариш бригадаларини ташкил этиш мактабга ёзда ўқувчиларга тўлик раҳбарлик килиш, кишида уларни ёзги меҳнатга анча уюшган ҳолда тайёрлаш ва меҳнат натижаларини муфассал хисобга олиш имкониятини беради.

Жамоа-хўжалик мактабдан ва ўқувчиларнинг турар жойларидан узоқда бўлган бошқа ҳолларда эса мактаб ўзининг ўқув хўжалигини ташкил этиш имкониятига ога бўлади. Мактаб хўжалигига барча асосий ишларни ўқувчилар амалий машғулотларнинг бир йилги тузилган маҳсус графики бўйича олиб борадилар.

Ниҳоят, ўқувчиларнинг ўқув-ишлилар чикариш мактаб тажриба участкасида пурратларни уюштириш ёки мактаб ўқув хўжалигини ташкил этиш имкони бўлмаганда, мактаб ўқувчиларига хўжалик пурратлари кошида мактаб жамоатлари ташкил киладилар. Мактаб,

ўқувчиларнинг ижтимоий фойдали меҳнатини меҳнат дафтарчаларига қараб ҳисобга олади.

Шубҳа йўқки, ўқувчилар меҳнатини бундай ташкил этишда, ўқитувчи томонидан раҳбарлик килиш сусайиб боради (ўқувчиларнинг тарқоқ бўлиб қолиши), меҳнат операциялари кўпинча бир хил бўлиб қолади ва ўқувчилар жамоадан узоклашиб қоладилар. Аммо бунинг афзал томонлари ҳам бор: ўқувчилар мактабни тутатгандан кейин келиб кўшиладиган хўжалик жамоаси билан яқинлашадилар.

Ўқувчиларнинг ёзги дам олишларида иштироқ этишидан ўқитишнинг унумли меҳнат билан чинакам боғланиши ёки мактаб ўқувчиларининг билимларини қўлланмасдан ва чуқурлаштирмасдан, фойдасиз, фақат иш кучи сифатида фойдаланиши табиатшунос ўқитувчисига боғлиқдир. Ўқитувчи табиатшунослик бўйича кузатишлар учун топшириқлар беради.

Шундай қилиб, ўқувчиларнинг қишлоқ хўжалигидаги меҳнати табиий ва иқтисодий маҳаллий шароит ҳисобга олинганда ва илмий билимлар билан алоқа ўрнатилгандагина педагогик жиҳатдан мақсадга мувофиқ бўлади.

Табиатшуносликни ўқитиш қишлоқ хўжалигидаги ўқувчилар меҳнати билан боғлиқлиги. Ижтимоий фойдали ишлар тўғри ташкил этилган ва йўлга қўйилган мактабларда ўқувчилар унга бутун қиши давомида тайёрланиб борадилар.

Иш режаси жамоа хўжалик маъмурияти, мактаб етакчи ташкилоти билан биргаликда тузилади ва мактаб жамоаси тамонидан тасдиқланади. Ўқувчиларнинг қишлоқ хўжалигидаги ижтимоий фойдали меҳнати табиатшунослик ўқитиш билан боғлиқ деб қаралади, чунки қишлоқ хўжалик меҳнатининг фан билан алоқаси бу аввало табиатшунослик билимлар билан боғланишdir.

Қишлоқ хўжалик маҳаллий табиий-тариҳий ва иқтисодий шароитлар: иклим, тупроқ, ўсимликлар таркиби, сув режими, маданий ўсимликларни ўстириш ва ҳайвонларни кўпайтириш, хўжаликнинг йўналиши билан чамбарчас боғлиқдир. Табиатшунослик фанлари атроф табиат ва айни шу жойнинг хўжалигининг ҳодисаларни тушуниб олишга, турли шароитларда ажратса билишга у ёки бу агротехника тадбирларини онгли равишда амалга оширишга имкон берадиган билимларни беради.

Кишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши ўз шароитларининг турли-туманлиги билан характерлидир: масалан, биргина жамоа хўжалиги далаларида, алоҳида агоротехника ва ўғитларни талаб килувчи турли типдаги тупроқлар бор. Бинобарин, тупрокни ишлашнинг самарали услибларини ва ўғитлар солишнинг усулларини белгилаш учун тупроқ типларининг фаркига бориш, тупрок картасини тузиш, тупроқдаги намлик миқдорини аниклаш ва химиявий анализ қилиш бўйича укувлар керак.

Уруғликка яхши ўсимликларни ажратиш учун ўсимликлар морфологияси бўйича билимлар керак. Дала бегона ўтларига қарши кураш бегона ўсимликларнинг морфологаяси, систематикаси ва биологиясини билишни талаб этади. Шундай килиб, ботаникадан ҳар томонлама яхши билимлар, китоблар, справочниклар, аниқлагичлар билан ишлаш, тупроқни химиявий анализ қила олиш, жойларда ўсимликлар устида ўтказа олиш ўкувлари амалиётни назария билан боғлашга имкон беради.

Дарсларда тирик табиат бурчагида ва айниқса мактаб ўкувтажриба участкасида ҳосил қилинган билим ва малакаларга таянилганда ўкувчиларнинг меҳнати маълум фаолияти мақсадга қаратилган бўлади.

Ўқитувчи ўкувчилар олдига аниқ мақсад ёки вазифалар кўяди ва уни тушунтиради. Сўнгра унга эришиш воситаларига ўтади. Чунончи ўкувчилар ерни ишлашдан олдин унинг типии, намлиги, химиявий таркиби, структурасини аниқлайдилар. Тупроқ анализи маълумотларига қараб муайян ўғитларнинг тупроқка солинишини асослайдилар. Экиш олдидан аввало ўсимликларнинг биологик хусусиятлари билан танишиб чиқадилар, экиш нормаси, экиш усули уруг экиш чуқурлиги ва бошқаларни аниқлайдилар. Ўсимликтин ўток қилиш, дала заарқунандалар биологиясини ўрганишдан олдин ўтказадилар.

Табиатшуносликни ўқитиш жараёнида ўкувчилар фақат билимнигина эмас, балки турли ўкув ва малакаларни ҳам эгаллайдилар. Булар орасида ўсимлик, тупроқ, ҳайвонларни таниб олиш, аниклаш, тажриба ишлари ўтказиш, кимиявий идиш, тарози, лупа, микроскоп, аниқлагачлар ва шу кабилар билан мумомалла қила олиш укуви ва малакалари алоҳида ахамият касб этади. Бу хилдаги табиатшунослик укув ва малакалари ишлаб чиқариш амалиёти, ўтказилганда зарурӣ қишлоқ хўжалиги малакаларига осонликча

айланади. Бундан тушунарлики, табиатшунослик дарсларидағи, экскурсиялар, тирик табиат бурчагидаги ва айникса, мактаб үқув тажриба участкасидаги амалий ишларни үқувчиларнинг кишлок хўжалиги меҳнатига тайёрланишларининг босқичлари деб қараш керак.

«Ўсимликлар» ва «Ҳайвонот олами» даги билимлари хотираларидан айча кўтарилган кўпинча эса бутунлай унутган юкори синф үқувчилари билан такрорлаш характеридаги маҳсус машғулотлар ўтказилади. Бундай тайёргарлик кишлок хўжалик ишларнинг бажарилиши сифатига ижобий таъсир қилишини кўпчилик үқитувчилар амалиётда кузатишган.

Айрим холларда үқувчиларнинг ижтимоий фойдали ишлари маҳаллий ўлка нохиянинг иқтисодий талабларига боғлиқ бўлган маҳсус характерга эга бўлади: у ўрмон хўжалигига, балиқчилик, фермасида теплица-парник хўжалигига ўтказилади. Бундай холларда үқувчиларнинг амалиётга қишидаги тайёргарлиги ишнинг мазмуни ва ташкил этиш ҳусусиятларини ҳисобга олган ҳолда боради.

Ёзги ижтимоий фойдали меҳнат вақтида үқитувчилар, үқувчиларнинг табиатшунослик ишларини; биогеоценозлар билан танишиш; тупроқ, бегона ўтлар, маданий ўсимликларнинг зааркунадалари, ҳашоратлар (кушлар фаунасини) ўрганиш, обҳаво ва ўсимлик ҳамда ҳайвонлар ҳаётидаги фенологик ходисаларни кузатишлар уюштириш каби ишларни ташкил киладилар. Ишлар кишлок хўжалиги меҳнатидан бўш вақтда топшириқ, режа бўйича ўтказилади. Топшириклар үқувчилар ўртасида қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда ўтказилади. Топширикларни бажариш натижасида гербарий, коллекциялар фото тупроқларни рангларига караб кутича ишни назарий жиҳатдан тушунтириш мухимдир. Бу эса ақли заиф үқувчиларни қаерда бўлмасин мустақил меҳнат қилиб олишига замин яратади.

Саволлар.

1. Сиз кузатаётган мактабда жамоа хўжалиги билан қандай алоқа боғланган?

2. Ақли заиғф ўкувчиларнинг ишлари қандай ташкил этилган? Ишларнинг турли-туманиги, кишилек хўжалик ишларига бўлган муносабати қандай?
3. кишилек хўжалигидаги ишларга қўшимча равишда қандай табиатшунослик кузатилилари ва манигулотлари киради?
4. Ақли заиғф ўкувчиларнинг қишилек хўжалигидаги меҳнати қандай тарбияетий ахамиятга жа?

ХІ БОЙ. ТАБИАТШУНОСЛИКНИ ЎҚИТИШНИНГ МОДДИЙ БАЗАСИ

Табиатшунослик фанини ўқитиш тирик ўсимлик ва хайвонлар устида кўргазмали ва амалий методларни қўллаш асосида машгулотлар ўtkазишга имкон берадиган моддий базани ташкил этишини талаб этади.

Табиатшунослик дарсларини кизикарли онгли, таъсирчан ўтиши учун оммавий мактаблар табиатшунослик хоналари (кабинети) каби ёрдамчи мактабда ҳам ақли заиғф ўкувчиларни табиатшунослик фанларини яхши ўзлашиборишилари учун алоҳида хоналар мавжуд.

Табиатшунослик хонасида жонли ва жонсиз табиат бўйича керакли жихозлар мавжуд бўлиши керак. Пробирка, лампа, термометр, ҳар-хил хажмдаги ўлчагич идишлар, тасвирий жадвал экрани кўргазмалар, техник воситалар (диафильм, диапозитивлар, кинофильмлар, граммпластикалар) (кушларни овози ёзилган) стендлар таблицалар, табиий ҳарита, глобус, деворий газеталар.

Хажмли кўргазмалар, модел, макетлар, муляжлар. экскурсияга оид материаллар, қўлда ясалган кўргазмалар йигиндиси, ҳар бир курс учун ишлатиладиган кўргазма материаллар (ботаникадан ўсимликлар коллекцияси, гербариylар) хайвонот олами - котирилган кушлар, ҳашоратлар ва расмли таблицалар. (Зоология)дан.

Одам анатомияси, физиологияси ва (гигиенаси) соғлини саклашни ўрганиш бўйича склет, муляжлар (бош мия), калла суяги, кон айланниш доиралари жадвали, нерв системаси, ўпка, буйрак, ички секреция органлари жадвал расмлар ва хоказо.

Ўқувчиларга расм солиш ва чизиш учун хонада доска бўлиши; кўргазмали қуроллар турадиган шкаф бўлиши шарт, хона ҳар томонлама дарс ўтишга мослаштирилган бўлиши керак.

Хонада қора фон сифатида синф доскаси хизмат қилиши мумкин. Оқ фон сифатида таблицанинг орқа томонидан фойдаланилади.

Демонстрация столида предмет ва тажрибаларини ўз вақтида кўрсатиш учун ён томондан маҳсус столчага олдиндан дарс учун зарур предметларни кўйиб кўйилиши керак.

Синфдан ташқари ўқиши учун адабиётлар рўйхати навбатчиларнинг навбатчилик рўйхати деворга осилган бўлиши керак. Табиатшуносликдан янгиликларни журнал, газетадаги ахборотларни билдириб туриш учун сарлавҳа деворга осиб кўйилади.

Тарқатма материаллар маҳсус шкаф, яшикларда, қутичаларда сақланади.

Янги педагогика технология асосида дарс ўтиш учун таблицалар, ўқитиш усуслари, билим олиш услублари бўйича таблицалар бўлиши зарур.

Экскурсиялар ўтказиш учун унда тўпланган материалларни сақлаш ўсимликларни йиғиш учун папка, пакет бўлиши керак. Табиатшунослик хонасида юқоридаги материалларни бўлиши ўқувчиларда ўқув меҳнатини ташкил қилиш маданиятини тарбиялади.

Барча предметларни рационал ва чиройли жойлашганлиги ўқувчиларда табиатга бўлган гўзалликни хис қилиш туйгуларини тарбиялади. Табиатшунослик (кабинети) хонасини жихозлаш, кўргазмали - қуролларни сақлаш системасини уюштириш дарсларда ўқитувчига ёрдам бериш кабилар ўқувчиларда ташкилий ўқув ва меҳнат маданиятини тарбиялаш воситаси хисобланади.

Маҳсус мактабларда меҳнат эса алоҳида ахамиятни касб этган холда ташкил этилади. Ақли заиф ўқувчиларда меҳнат малакаси оддий меҳнатлардан ўргатилади. Оммавий мактаб ўқувчилари кўрган-билганларини онгли равишда бажариб кетадилар. Ақли заиф ўқувчиларга гулга сув қуиши керак, чунки сувсиз қуриб колади, кушга дон бериш керак, агар сен овқат емасанг қорнинг оч қолади, сўнг касал бўлиб йиқилиб тушасан, кушга ҳам вақтида дон (овқат) бериб туриш керак, деб ўқувчига тушинтириш олиб борилган

тақдирдагина ақли етиб парвариш қиласы, күшни бокади. Ақли заиф үқувчиларда предмет күргазмали қуролни күрсатиш, объектни күрсатиш унга қандай муносабатда бўлиш оркалигина онгини ривожлантириш мумкин? Ақли заиф үқувчиларга бериладиган табиат хақидаги билимлар фақат күргазмали материаллар орқали дарсга қизиқишини, ижтимоий фойдали меҳнатга кўнишка ва малака хосил қилишни тарбиялади. Айниқса жонли табиат бурчагида үқувчилар зўр қизиқиши билан меҳнат киладилар.

Тирик табиат бурчаги ҳар бир синфдан ташқарида табиатшунослик хоналари (кабинет)да бўлиши керак. Үқувчилар ўсимликларни парвариш килишга, күшларни севиш уларга қарашга ўрганадилар. Улар мактабда олган малака кўнижмаларини уйда хам мустакил равишда бажара оладиган бўлишади. Үқувчиларда меҳнат маданияти ривожлана боради. Ёрдамчи мактабларда меҳнат тарбияси турли фаoliyatlardan үкув, майший ва ижтимоий меҳнатда амалга оширилиб борилади.

Тажриба ва кузатишлар шуни кўрсатадики ёрдамчи мактаб үқувчилари дарсда олган билим ва меҳнат малакаларини ўз фаoliyatlariда ва турли меҳнат жабхаларида муваффақиятли кўллай оладилар. Жамоа бўлиб меҳнат қилишни ақли заиф үқувчилар учун ахамияти катта, улар бир-бирларига меҳрибон ўрток, хурмат қилиш, меҳнат натижаларидан фаҳрланиш, уларнинг дунёкарашлари, ахлоқий сифатлар характери шаклланиб боради. Мактаб ер участкаси ҳар бир мактабда бўлғанлиги каби ёрдамчи мактаб үқувчиларини ижтимоий фойдали меҳнатга тарбиялашда мактаб ер участкаси ва атрофдаги дараҳт, ўсимликларини парвариш килиш, ер майдонга помидор, карам, гуллар, сабзи, пиёз ва бошқа экинларни экиш уларни парвариш қилиб куз фаслида меваларни, уругларни йигиб олиб табиатшунослик (кабинети) хонаси учун кўргазма материал йигишда үқувчилар ўз хиссаларини кўшадилар. Үқувчиларни бундай меҳнат фаoliyatlari уларда маъсулиятини сезиш, меҳнат натижаларидан қувониш, ўзгалар меҳнатини хурмат қилиш фазилатларини тарбиялади. Табиатшунослик билимларини аклий ўзлаштиришда табиатшунослик хоналари, мактаб ер участкаси, экскурсия, синфдан ташқари ишларни роли каттадир.

Табиатшунослик кабинети

Табиатшунослик хонасининг хамма жихозлари дарс давомида тажриба ва таблицаларини, кино фильм ва деапозитивларни тез ва ўз вактида демонстрация килишга, амалий ишларда материал ва асбобларни тарқатиш ва йигиб олишга мосланган бўлиш керак. Кўргазмали куролларни муайян системада саклаш, уларни дарсга тез топиш ва тайёрлашга имкон беради. Буларнинг хаммаси ўқувчиларда ўқув меҳнатини ташкил килиш маданиятини тарбиялади. Табиатшунослик хонасида барча предмедларнинг рационал ва чиройли жойлашганлиги ўқувчиларда гўзаллик (эстетик) туйгуларни тарбиялаши керак. Деворлар демонстрация учун фойдаланиладиган девордан ташқари, турли хил тарам-тарам хлорофитум, доим гулловчи бигония ёки бошқа ўсимлик шохчалари солинган гулдонлар гербариylар, қуш тўлиблари билан безатилади. Деразаларга хона ўсимлеклари чиройли килиб қўйилган бўлиши лозим. Ўқувчиларни расм чизишлари учун қофоз, қалам, чизгич, фламастер бўлиши шарт. Табиатшунослик хоналарини бутун киёфаси ўқувчиларда севинч таассуротлари хосил килиши ва дикқатларини табиий обьектларга жалб қилиши керак. Табиатшунослик хонасини жихозлаш, кўргазмали куролларни саклаш системасини уюштириш, янгиларини тайёрлаш, дарсларда ўқитувчиларга ёрдам бериш-буларнинг хаммаси ўқувчиларда ташкилий ўқув ва меҳнат маданиятини тарбиялаш воситаси хисобланади.

Тирик табиат бурчаги

Тирик табиат бурчаги- фақат тирик ўсимлик ва хайвонларни саклаш учун ва улар устида тажрибалар тайёрлаш ва дарсда намойиш қилиш жойигина эмас, балки дарсдан ва синфдан ташқари ишларни бажариш жойи хамdir. Унда ўқувчиларни билимга қизиқишилари, билим доирасини ривожлантириш учун бой имкониятлар бор. Одатда бошланишида тирик табиат бурчаги ўқувчилар кучи билан табиатшунослик хонасида хатто синф деразаларида ташкил этилади. Ўқувчилар уйларидан хона ўсимлеклари ёки қаламчалар, экскурсиялардан-хайвонлар ва ёввойи ўсимликларни олиб келадилар. Тирик табиат бурчаги мана шундай йўналишлар орқали тирик табиат бурчаги тезлик билан кенгайиб боради ва маҳсус хона талаб этади. Уни ташкил этиш, тирик организмларни саклаш ва жойлаштириш табиатшунослик

талабларига мос бўлиши керак. Ўсимлик ва хайвонлар биоценозлар бўйича группаларга ажратилади: аквариумларда баликлар, малюскалар ва сув ўтлари, террариумларда папоротниклар, мохлар ва бошқа нам ерларда ўсувчи ўсимликлар, бакалар, калтакесаклар, вольлера ва кафасларда хайвонлардан ташкари баъзи ўсимликларни масалан қактусларни чиройли, ҳар ҳил рангли тошлилар орасига япалок тувакларга ўтказиб қўйин мумкин. Баъзи бир ўсимликларни дераза токчаси узунликдаги яшикларга, манзарали группалар хосил килиб экадилар. Бурчакдаги барча турли-туман ўсимлик ва хайвонларни муайян системада кулагай ва чиройли килиб жойлаштириш мухимдир. Бурчакда тажрибалар участакадагидек жуда аниклик билан қўйилади. Тоширик сифатида тажриба ва назорат обьектлар устида ўлчаш ва маълумотларни карточкаларига ёзиб бориш билан кузатишлар олиб борилади.

Тирик табиат бурчагида ўсимликлар ва хайвонларни парваришлаш бўйича меҳнат маданияти тарбияланади: ижтимоий-ташкилий қўнималар ва ижтимоий-мактаб мулкига (бойлигига) эҳтиёткорлик муносабати тарбияланади. Эстетик тарбия учун ҳам катта имкониятлар ҳам бор: ўсимликларни, аквариумларни чиройли килиб боғлиқлиқда жойлаштиришга ўргатилади. Шундай килиб, тирик табиат бурчаги-фақат ўқув жойи эмас, балки кўп киррали тарбиявий ишлар жойи ҳамdir.

Ўқув-тажриба участкаси

Ўқув-тажриба участкасининг таълим-тарбиявий роли ўқувчиларга аниқ, пухта, мантикий тузилган план асосида ишлаш ўкувини сингдириши зарур. Бунинг учун мактаб ўқув тажриба участкасида катта педагогик имкониятлар яратилади. Участка территориясини ташкил этиш, экин ва кўчатлар экишини педагогик ўйланган планини тузиш биринчи ўринга қўйилиш керак. Ўқувчилар мактаб участакасида ишлаб табиатшуносликдан олган билимларини янги олинган ўсимлик ва хайвонлар мисолида мустахкамлайдилар. Улар кишилек хўжалик экинларини этиштиришнинг ва хайвонларни парваришлашнинг энг мухим услублари тўғрисида тасаввурлар ҳамда улар билан ишлашнинг муайян системадаги қўнималарини хосил киладилар. Участкадаги ишлар ўқувчиларда ташкилотчилик, колективчилик қўнималарини, меҳнат маданиятини, эстетик туйғуларни,

ўсимликни кўпайтириш билан табиатни қайта ишлаб чиқариш кўникмаларини тарбиялаши керак. Ўкув тажриба участкасида кузда, баҳорда ўсимлик ва хайвонот олами бўйича дарслар ва 6-7 синфларда маҳсус дастур бўйича амалий машгулотлар, ёзда, кузда ва баҳорда тажрибалар қўйиш ва кузатишлар ўтказиши, ўсимлик ва хайвонот олами курсларидан дарсларга тарқатиладиган (демонстрация) намойиш килиш учун материаллар бўйича дарсдан ташқари ишларда ўтказилади. Участкада ёш табиатшунослар тўгараги иш олиб боради ва синфдан ташқари тадбирлар: “Хосил байрами”, “Боғ байрами”, “қушлар байрами” каби кечаларни ўтказишида кўргазмали материаллар ота-оналар, пудратчилар, донгдор боғ яратувчилар ва бошқа мактаб ўкувчилари учун экспурсиялар ташкил қилинади. Мактаб участкасида, мактабда ўрганиладиган ўсимликлар; дала, полиз, резавор-мева, манзарали ва ёввойи ўсимликлар бўлиши керак. Шунга мувофик ўкув тажриба участкаси аниқ чегараланган; дала, полиз, резавор-мева манзарали бўлимларга эга бўлиши керак. Участкада метеорологик станция, географик майданча бўлиши зарур. Ҳар бир бўлимда ўсимлик коллекцияси ва улар устида тажриба ўтказиш учун жой ажратилади. Ҳар йили бу бўлимлардаги алмашлаб экишга мувофиқ холда экиш плани ўзгариб туради. Дала ўсимликлари бўлими коллекция ва тажриба қисмларга бўлинади. Ўкувчилар ўкув тажриба участкасида табиатшуносликдан олган билимларини амалиётда синайдилар уларда табиат хақидаги тассавурлар кенгаяди, шунинг билан бирга ижтимоий фойдали меҳнатга бўлган кўникма ва малакалар тарбияланади.

Савол ва топшириқлар.

1. Ёрдамчи мактаб табиатшунослик ўкув хонаси қандай ташкил этилган?
2. Моддий базани ташкил этишда ўкувчилар ёрдамини уюштириш қандай олиб борилади?

Бўлажак олигофренопедагог ўқитувчиларга методик тавсиялар

Ушбу қўлланмада берилган мавзулар ёрдамчи мактаб табиатшунос ўқитувчининг катта маъсулияти ва турли-туман иш усулари тўғрисида баҳс кетади. Олигофренопедагог ўқитувчини назарий ва амалий билимларга бой бўлиши, хозирги замон таълим-

тарбия ўқитиш шакллари, методлари ва услубларидан фойдаланиш педагогик технологиялар асосида дарсни ташкил этиш, табиат билан боғлиқ бўлган бошка фанларни чукур билиши; ўқувчиларга хар бир мавзуларни хаёт билан боғлаб табиат билан борликни бир бутунлиги хакидаги назарияларни акли заиф ўқувчиларга тушунтира билиши; ўқувчиларнинг билимлари ва тафаккурини системали ишчиллик равишда ривожлантириши; ўқувчилар жамоаси ишини уларни тирик табиат ва табиатшунослик фани билан рухлантириб ва қизиктириб ўқитишни барча шаклларида таълим тарбия-бериш; ўқитишни шакларини режалаштира олиши, кабинет, тирик табиат бурчаги, мактаб табиатшунослик тажриба участкасини лойихалаш ва барпо эта олиши; ўз қўли билан тажриба ва демонстрация учун қўргазмали қуроллар тузা билиш керак. Нихоят, хар синфларда йилдан йилга ўз тажрибасини (хатто ютукларини) кузатиб тахлил килиб шу билан ўқитиш жараёнини такомилаштириб, ўз ўқитиш ишига қизикиш билан муносабатда бўлиши керак. Энг мухими “Ўқитувчи бутун ўзини хулқ атвори билан ўзининг барча ишларида ўқувчиларга намуна бўлиши моҳир олигофренопедагог юксак ахлоқий, гоявий ишонч ва кенг эрудиция намунаси бўлиши керак”.

Ўқитувчи факат ўз касбининг жуда катта ахамиятига ишонгандагина муваффақиятлар қозониши мумкин. У доим мактабда табиатшунослик фанининг вакили эканлигини эсда тутади. Шунга мувофиқ холда фанга қизиққанлиги, табиатга мухаббати, ўзини табиатшунос сифатида билим даражасини ошира боришига тўғри келади.

МУНДАРИЖА

СҮЗ БОШИ	3
II БОБ. ЎРТА ОСИЁДА ТАБИАТШУНОСЛИК ФАНИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ТАРИХИ	11
III БОБ. ЁРДАМЧИ МАКТАБДА ТАБИАТШУНОСЛИКНИ ЎҚИТИШНИНГ ТАЪЛИМИЙ АҲАМИЯТИ	35
IV БОБ. ЁРДАМЧИ МАКТАБДА ТАБИАТШУНОСЛИКНИ ЎҚИТИШНИНГ КОРРЕКЦИОН ТАЪЛИМИЙ ВА КОРРЕКЦИОН ТАРБИЯВИЙ ВАЗИФАЛАРИ	44
VII-БОБ. ТАБИАТШУНОСЛИКИИ ЎҚИТИШ УСУЛЛАРИ	53
VII-БОБ. ТАБИАТШУНОСЛИК ЎҚУВ ИШЛАРИНИНГ ТАШКИЛ ЭТИШ ШАКЛЛАРИ	72
VIII БОБ. ТАЪЛИМ-ЎҚУВ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛИЙ ФОРМАЛАРИ	79
IX-БОБ. СИНФДАН ТАШҚАРИ ИШЛАР, СИНФДАН ТАШҚАРИ МАШҒУЛОТЛАРНИ ТУРЛАРИ	88
X БОБ. ЁРДАМЧИ МАКТАБДА ТАБИАТШУНОСЛИКИИ ЎРГАНИШ БИЛАН БОҒЛИҚ БЎЛГАН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДАГИ ИЖТИМОИЙ-ФОЙДАЛИ МЕҲНАТ	97

Босишига рухсат этилди 22.10.2005. Көгөз бичими $60 \times 84 \frac{1}{8}$.
«Таймс» гарнитура. Хисоб-нашриёт т. 7.2. Шартли босма т. 5.0. 300 нусха.
ЎзР ФА «Фан» нашриёти. 700047, Тошкент, Яхё Фуломов кўчаси, 70.
ЎзР ФА Ишлар бошлъармаси кошидаги кичик босмаҳонада чоп этилди.
ЎзР ФА «Фан» нашриёти. 700047, Тошкент, Яхё Фуломов кўчаси, 70.